O'Z... RESPUBLIKASI ... VAZIRLIGI ...

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2007 йил, **17** август, жума № **33** (2212).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **17** августа, **2007** год, № **33** (2212).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

Мустақиллик ва эзгулик деган иборада бизнинг йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказадиган энг катта бойлигимиз, энг қимматли ютуғимиз ўз аксини топган.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари!

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларини қутлаш ва Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиевга самимий меҳмондўстлиги, Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисини яхши ташкил этгани учун миннатдорлик изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мен мажлисда иштирок этаётган кузатувчи давлатлар – Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон ва Покистон делегацияларини раҳбарларини, саммитимиз меҳмонлари – Афғонистон ва Туркманистон президентларини, шунингдек, БМТ Бош котиби ўринбосари Линн Паскони ҳам қутлайман.

Ўтган олти йил мобайнида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини мустаҳкамлаш борасида улкан сиёсий ва ташкилий ишлар қилинди, унинг асосий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун кўп томонлама ва самарали ҳамжиҳатликни кучайтириш йўлида салмоқли қадамлар қўйилди.

Мен бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари томонидан ШҲТнинг хавфсизликнинг минтақавий ва глобал моделини шакллантиришда нуфузли халқаро ташкилот сифатидаги, стратегик муҳим ва улкан минтақа ҳисобланган Евроосиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг ғоят муҳим кафолати сифатидаги тобора ўсиб бораётган ўрни ва аҳамияти тўғрисида билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлайман.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ШҲТ бугун халқаро терроризм, айирмачилик, экстремизм ва тобора авж олиб бораётган наркотик тажовузига қарши курашнинг муҳим марказига айланмоқда.

"Шанхай жараёни" сиёсий-дипломатик соҳада, минтақа давлатларининг бой табиий-энергетика манбалари, инсон ва интеллектуал ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорлик қилиш учун ишончли замин яратди.

Саммит давомида имзоланадиган муҳим ҳужжатлар пакети, биринчи навбатда Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳақиқий шериклик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган кўп томонлама ҳамкорлигимизга янги сифат, янги куч бағишлашига ишончим комил.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу саммит кун тартибига бевосита дахлдор ва, бизнинг фикримизча, долзарб бўлган айрим муаммолар хусусида тўхталиб ўтмоқчиман.

Марказий Осиё геосиёсий ва геостратегик аҳамияти ортиб бораётгани, улкан табиий-иқтисодий ва бошқа ресурс салоҳиятига эгалиги туфайли хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид ва хатарлар сақланиб қолаётган минтақа сифатида ҳамон жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди.

Бунинг асосий сабабларидан бири - Афғонистонда ҳали ҳануз давом этаётган мураккаб вазиятдир.

Бугунги кунда «Толибон» ҳаракатининг ҳарбий фаоллашуви боис тобора кескинлашиб бораётгани, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикнинг назорат қилиб бўлмас даражада кенгайиб бораётгани оқибатида ушбу мамлакатда юзага келаётган вазият бизни, Афғонистоннинг яқин қўшниларини жиддий ташвиш ва хавотирга солмай иложи йўқ.

Бизнингча, гарчи ғайритабиийроқ туюлса-да, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлини ҳарбийлаштириш ва куч ишлатиш кўламини янада кенгайтиришдан эмас, балки қуролсизланиш ва жаҳон ҳамжамияти ёрдамида лойиҳаларни, биринчи навбатда, ижтимоий йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш, кескин ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисини кўллаб-қувватлашдан излаш даркор.

Албатта, бу борада Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни қайта тиклашдан амалда манфаатдор бўлган барча кучлар ўртасида муроса ҳамда уларнинг ҳамжиҳатликдаги ҳаракатига эришиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

ШҲТ дастурий мақсадларига эришиш ва унинг нуфузини оширишда минтақада коммуникация, ёқилғи-энергетика соҳасида давлатлараро йирик лойиҳаларни амалга ошириш, сув ва бой минерал ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш асосига қурилган иқтисодий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш асосий устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Қўшма инвестиция лойиҳалари асосида нафақат қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаларида, балки юқори технологиялар тармоқларида ҳам замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш - аҳоли бандлиги борасидаги жиддий муаммоларни ҳал қилиш, барқарор иқтисодий ривожланиш ва пировард натижада, минтақада ижтимоий-иқтисодий хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш имконини берадиган муҳим омилга айланиши мумкин.

Шу муносабат билан Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ, бугунги кунда турли ёндашувларга сабаб бўлаётган, масалаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бу ерда гап минтақа мамлакатларининг сув ресурслари ҳақида эмас, балки фақат трансчегара дарёлар ресурслари ва сув оқимларидан фойдаланиш, яъни ушбу дарёлар ҳавзасида жойлашган давлатларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини асрлар давомида қондириб келган дарёлар ресурслари ҳақида бормоқда.

Мазкур масала бугунги кунда минтақадаги олти давлатда яшаётган 50 миллиондан ортиқ кишининг манфаатларига дахлдордир. Шу боис бу дарёлар оқимларидан фойдаланишга доир барча қарорларни қабул қилишда, жумладан гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда ушбу манфаатлар албатта инобатга олиниши даркор.

Акс ҳолда, бу Амударё ва Сирдарёнинг қуйи қисмларида сув таъминоти масаласини янада мураккаблаштириши, қуриб бораётган Орол денгизининг экологик таназзулини тезлаштириши, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб аҳолисининг бу ерда яшашини оғирлаштириши мумкин.

БМТнинг 1992 йил 18 сентябрда қабул қилинган Трансчегара сув оқимлари ва халқаро кўлларни ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги конвенцияси, БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция "трансчегара сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланиш, бу борада трансчегаравий таъсир кўрсатадиган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда уларнинг трансчегара хусусиятини алоҳида ҳисобга олиш зарурлиги"ни кўриб чиқишни талаб қилади.

Зарар етказилган тақдирда бундай зиённи бартараф этиш ёки камайтириш учун барча чоралар кўрилиши, зарурат туғилганда эса, уни қоплаш тўғрисидаги масала қўйилиши лозим.

БМТ қарорларида "ҳудудидан сув оқиб ўтадиган давлатлар суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик, ўзаро манфаатдорлик ва ҳалоллик асосида ҳамкорлик қилиши" зарурлиги таъкидланган.

БМТ Конвенцияларининг ушбу асосий талабларидан келиб чиққан ҳолда, трансчегара дарёлар ҳавзасида қуриладиган янги гидротехник иншоотларнинг техник-иқтисодий асослари бетараф халқаро аудиторлик ташкилотлари томонидан муқаррар тарзда холисона текширилиши лозим. Объектларнинг барпо этилиши тузатиб бўлмас экологик оқибатларга олиб келмаслиги, ушбу дарёлар бўйида жойлашган барча давлатларнинг сув оқимидан фойдаланиш бўйича мавжуд балансини бузмаслиги кафолатланиши шарт.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай принципиал позицияга Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби халқаро молия тузилмалари ҳам, уларнинг ўз жавобларига биноан, амал қилади.

Фақат ана шундай ҳолисона ёндашувгина минтақанинг сув-энергетика ресурсларидан фойдаланиш бўйича лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ШҲТ Бош котибининг ролини янада мустаҳкамлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга. Негаки, унинг зиммасига ташкилот доирасида қабул қилинган ва қабул қилинадиган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши учун ШҲТ Котибияти ва барча тузилмалари, жумладан МАТТ, Ишбилармонлар кенгаши, Банклараро бирлашма, ШҲТ форуми ишларини самарали мувофиқлаштиришни таъминлашдек ғоят масъулиятли вазифа юкланган.

Аввалambор, айнан ШҲТ Бош котиби ташкилотда ишчанлик муҳитини яратади, таъбир жоиз бўлса, у бутун ташкилотнинг "рупори" бўлиши, тор миллий манфаатлар доирасида чекланиб қолмасдан, ташкилотга аъзо давлатларнинг умумий манфаатларини қатъий ҳимоя қилиши зарур.

Шу боис, кўплаб халқаро ташкилотлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Бош котибни кейинчалик ШҲТга аъзо мамлакатларнинг тажрибали, обрўли дипломатлари ва давлат арбоблари орасидан ротация қилиш шарти билан, 5 йил муддатга тайинлаш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу, бизнингча, ШҲТ ижро органларига ташкилот олдида турган вазифаларни янада тўлиқ ва изчил, ворислик асосида амалга ошириш имконини беради.

Сўзимнинг ниҳоясида мазкур саммит ва унда қабул қилинган қарорлар минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга доир вазифаларни изчил ҳал этишда, ШҲТга аъзо мамлакатларни барқарор ривожлантиришда янги босқични бошлаб беради, деб ишонч билдиришга рухсат бергайсизлар.

Эътиборингиз учун ташаккур.



Бахром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Само сарҳадларимиз сарлочинлари

ШҲТнинг БИШКЕК САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15–16 август кунлари Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий воқеаси – Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси Қирғизистон Президентининг «Ала арча» қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Президентлар ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

ШҲТ қисқа даврда нуфузли халқаро ташкилот сифатида шаклланди. Аъзо давлатлар ўртасидаги кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хавфсизлик, энергетика, транспорт коммуникациялари соҳаларидаги алоқалар изчил ривожланмоқда. Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашувларидан ташқари, ташқи ишлар, мудофаа, фавқулодда вазиятлар, ташқи савдо, транспорт, маданият вазирликлари, шунингдек, чегара хизматлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мунтазам мулоқотлари йўлга қўйилган. Пекинда Котибият, Тошкентда Минтақавий аксилтеррор тузилма фаолият кўрсатмоқда. Ташкилотнинг 2006 йили Шанхайда ўтган юбилей саммитида ШҲТ Ишбилармонлар кенгашининг таъсис мажлиси, Банклараро бирлашмасининг йиғилиши, аъзо мамлакатлар саноатчилари ва тадбиркорларининг форуми бўлиб ўтди. Шу тариқа ШҲТ ўзи қамраган улкан минтақада ва, умуман, дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг, иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг, гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришнинг ўзига хос механизмига айланди.

Шу билан бирга, ташкилот аъзолари олдида уч ёвуз кучга, яъни терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши биргаликда курашиш, ахборот хавфсизлиги ва энергетик хавфсизликни мустаҳкамлаш сингари долзарб масалалар ҳам турибди. ШҲТ қамраган минтақадаги вазиятни таҳлил қилиб, хавфсизликка таҳдид аввало Афғонистондан чиқаётганини айтиш мумкин. У ерда террорчи ва экстремистик гуруҳлар фаолиятига ҳали тўла чек қўйилгани йўқ, уларнинг асосий молиявий таянчи бўлган наркотик моддалар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу хусусда ташкилот ҳузурида 2005 йилнинг ноябрида тузилган «ШҲТ-Афғонистон» мулоқот гуруҳи муҳим аҳамият касб этади. У Афғонистонни тиклаш ишларига ШҲТнинг эътибор ва ресурсларини кўпроқ жалб этиш орқали ушбу мамлакат барқарорлигига хизмат қилиши мумкин. Масалан, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, таълим соҳаларидаги салоҳиятни ишга солишнинг ўзидаёқ яхши натижалар кўзга ташланади. Бу орқали Афғонистоннинг шимолий, ғарбий ва марказий вилоятлари билан ШҲТ мамлакатлари ўртасида муайян интеграция жараёнларини қарор топтириш мумкин. Бу орқали ШҲТнинг жанубий сарҳадларидан Форс кўрфази портларига янги яқин ва қулай коммуникация тармоқларини очиш имконияти ҳам яратилган бўлур эди. Президентлар "ШҲТ-Афғонистон" мулоқот гуруҳини фаоллаштиришга, келаси йилнинг баҳорида Афғонистонни тиклаш масалаларига бағишланган иқтисодий конференция ўтказишга келишиб олдилар.

Президентлар ШҲТнинг халқаро ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш масаласи юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Айни пайтда ШҲТ билан МДҲ, АСЕАН ва ЕврАзЭС ўртасида англашув меморандумлари имзоланган. Бу сафни кенгайтириш билан ШҲТнинг ҳамкорлари сони оширилади ва унинг сарҳадларида ўзаро ишонч ва ҳамкорлик янада мустаҳкамланади.

(Давоми 2-бетда).

Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги



ҲАРБИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ

Жонажон Юртимизнинг барча жабҳаларида юз бераётган ислоҳотлар янада чуқурлашиб, янгидан янги ютуқларга замин яратмоқда.Табиийки, ушбу ўзгаришлар, янгиланишлар ҳарбий соҳада ҳам мувафақият билан олиб борилаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислам Каримов армияни ислоҳ қилиш, уни энг замонавий техника, қурол-аслаҳалар ва ахборот коммуникациялари билан таъминлаш, Қуролли Кучлар сафини билимдон, интеллектуал салоҳияти юксак кадрлар билан узлуксиз тўлдириб бориш шу кунниг талаби эканлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар.

(Давоми 8-бетда).

Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди



НЕЗАВИСИМОСТЬ: ДОЛГ И ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ЗАЩИТУ РОДИНЫ

Так уж сложилось, что к 1 сентября летняя боевая учеба достигает высшего напряжения и наивысшей результативности. День независимости, который мы будем отмечать вот уже шестнадцатый раз, – самый дорогой и самый великий для нас праздник. Он – точка отсчета, начало всех начал в нашей новейшей истории, и потому вполне естественно, что именно к нему военнослужащие Вооруженных Сил стремятся добиться наивысших результатов и подводят итоги сделанного, отчитываясь перед Родиной, народом и Президентом.

(Продолжение на 3-й стр.).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

ҚАДИМ ШАРҚНИНГ МЎЪТАБАР МАНБАСИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг энг йирик ва машҳур асари "Бобурнома"-дир. Муаллиф барча асарларининг ёзилиши, тарихи ҳақида маълумот беради. Аммо, "Бобурнома"нинг қачон ёзилга ҳақида маълумот бермайди.

(Давоми 8-бетда).



4 МУСАФФО ОСМОНИМИЗ МЕТИН ҚАЛҚОНЛАРИ

КОМИЛ ФАРЗАНД КАМОЛИ



6 2007 ЙИЛ – ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

ПОСБОН САЛОМАТ – ЮРТ ТИНЧ



10 УЧАСТНИКИ IV ВСЕМИРНЫХ ВОЕННЫХ ИГР

ЗА ЗАМИРОЙ НЕ УГНАТЬСЯ



12 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

КЎЗИДА БЕҒУБОРЛИК, СЎЗИДА САМИМИЯТ

ШҲТнинг БИШКЕК САММИТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат раҳбарлари иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Бу йўналишда ҳам имкониятлар жуда катта. Расмий маълумотларга кўра, ўтган йили ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 50 миллиард АҚШ долларига етган. Шунинг ўзи ҳам ташкилот доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти ҳақида яхши тасаввур беради. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигидан машинасозликкача, нефть-газ саноатидан юқори технологияларгача бўлган барча соҳаларда ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини янада мустаҳкамлаш мумкин. Айниқса, энергетика, ахборот технологиялари ва транспорт коммуникациялари устувор йўналишлардир. Масалан, ёқилғи-энергетика мажмуини оладиган бўлсак, ШҲТ аъзолари орасида ҳам йирик экспортчи, ҳам йирик импортчи давлатлар бор. Айрим давлатлар эса транзит вазифасини ўтайди. Бу омиллар ҳамкорликда энергетика инфратузилмаларини ривожлантириш билан бирга, энергетик барқарорлик ва, пировардида, энергетик хавфсизликни таъминлаш имконини беради.

Саммит қатнашчилари гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Бу йўналишда аъзо мамлакатлар ўртасида икки томонлама асосдаги алоқалар яхши ривожланган. Энди бу суръатни кўп томонлама ҳамкорлик ривожига ҳам кўчириш зарур. Бунинг учун, айниқса, маданий ва бадиий жамоаларнинг сафарларини уюштириш, турли фестивалларни, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулоқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. ШҲТ мамлакатларининг маданият ва санъат фестивалларини, ташкилот саммитлари асносида ўтказилаётган маданий тадбирларнинг ўзиёқ аъзо мамлакатлар халқларида бир-бирининг маданияти ва санъатига қизиқишни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентлар ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни ошириш зарурлигини таъкидладилар. Ташкилотга аъзо мамлакатлардаги ёшлар ташкилотларининг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш учун ШҲТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилди.

ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида мазкур масалаларнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.

Саммитнинг ушбу қисмида ШҲТда кузатувчи мақомини олган давлатлар вакиллари – Эрон Ислом Республикаси Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Мўғулистон Президенти Намбарин Энхбаяр, Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Хуршид Касури ва Ҳиндистон Республикаси нефть ва газ вазири Мурли Деора, шунингдек, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ҳамид Карзай, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов, БМТ Бош котибининг ўринбосари Линн Паско тадбирнинг меҳмонлари сифатида иштирок этди. Мажлисда мазкур мамлакатларнинг ШҲТ фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Масалан, уларни Ишбилармонлар кенгаши ва Банкларараро бирлашманинг лойиҳаларига, наркобизнесга қарши курашга, терроризмни молиялаштиришнинг олдини олиш мақсадида молиявий ҳамкорликка ва молиявий операцияларнинг мониторингига, Афғонистондаги тикланиш ишларига жалб қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Кузатувчиларнинг фаоллигини оширишнинг аҳамияти катта, албатта. Аъзо ва кузатувчи давлатларни қўшиб ҳисоблаганда, ШҲТ Евроосиёнинг учдан икки қисмини, бошқача айтганда, инсониятнинг ярмини бирлаштиради.

Ислом Каримов ўз нутқида ШҲТ доирасида самарали ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилганини, барча соҳаларда аъзо давлатларнинг салоҳиятини ишга солиш учун платформа яратилганини таъкидлади. Хавфсизликка таҳдид, жумладан, афғон муаммоси, шунингдек, Марказий Осиёда сув захираларидан оқилона фойланиш масалаларига эътибор қаратди.

Мажлис якунида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Бишкек декларацияси, Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳаракат дастури имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар мазкур шартнома ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган дўстона муносабатларни, шериклик руҳини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Саммит доирасида Ишбилармонлар кенгаши билан Банкларараро бирлашма ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланди. Бу келишув ШҲТ доирасида савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг учрашуви бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Хитой ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланиб бораётганини, бу ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ўзбекистон раҳбарини Хитойнинг яқин дўсти деб билишини, икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда Ислом Каримовнинг ҳиссаси улкан эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланаётганини таъкидладилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Бишкек – Тошкент.

АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ – СЕНГА, ИСТИҚЛОЛ!

Твои герои, Узбекистан!

ЗЕМНОЙ «ПИЛОТАЖ» ИНЖЕНЕРА АЗИЗОВА

В популярной фразе «Полеты в небо начинаются на земле» заложена простая и непритязательная истина о тех тружениках, которые зачастую остаются в тени подвигов воздушных асов. Впрочем, они и не стремятся к публичности, а самой высшей наградой после полета для них является лаконичный доклад командира экипажа воздушного судна: «Замечаний по работе оборудования бортовых систем и вооружения нет». Подполковник Асатулла Азизов относится именно к этой категории военнослужащих, посвятивших жизнь обеспечению надежности и безопасности полетов военной авиации.



В преддверии 15-летнего юбилея Вооруженных Сил офицер за свой весомый вклад в укрепление боевой мощи Военно-Воздушных Сил был удостоен высокой государственной награды – медали «Жасорат».

Нередко в характеристиках людей, рожденных под знаком Водолея, подчеркивается творческое начало и огромное трудолюбие. Впрочем, в семье хлопкоробов из кишлака Чинок Иштыханского района Самаркандской области, в которой выросли одиннадцать детей, просто не могло быть по-другому. Выбор профессии защитника Родины определился еще в детстве, когда Асатулла в родном Самарканде поступил в Республиканский военный лицей.

Позже, в высшем военном авиационном инженерном училище, курсант Азизов выделялся среди сверстников отличными знаниями по математике, успехами в восточных единоборствах. Эрудированного молодого человека очень хотели оставить в стенах учебного заведения, но Асатулла в 1993 году, когда только началось становление национальной армии Узбекистана хорошо понимал, что, его знания и энергия обязательно будут востребованы на Родине.

Офицерское становление военного профессионала начиналось с должности старшего техника самолета МИГ-29, на первом месте службы пройден путь до начальника группы регламента и ремонта ТЭЧ части, позже его знания и опыт в истребительной авиации были рационально использованы командованием при обучении курсантов Джизакского высшего военного авиационного училища (ДВВАУ). Учебная эскадрилья самолетов Л-39 не только «ставила на крыло» пилотов, но и учила будущих инженеров обеспечивать полеты.

Постоянный поиск инженерной мысли, его стремление максимально внести лепту в усовершенствование летательных аппаратов, обеспечение надежности оборудования в полете сразу были подмечены командованием. Офицер А. Азизов был назначен старшим инженером «летающей лаборатории» по исследованию авиационной техники. По признанию самого офицера, здесь большой вклад в рост его профессионального мастерства внес полковник Анатолий Бессонов, который всячески поощрял творческую инициативу подчиненного.

В деле модернизации летательных аппаратов инженерами наших Военно-Воздушных Сил внесен большой вклад в усовершенствование приборов ночного видения боевых вертолетов. Продолжается кропотливая работа по доработке бортовых регистраторов полетной информации, так называемых «черных ящиков». Это чрезвычайно важно для обеспечения безопасности полетов.

– В процессе реформирования Вооруженных Сил произошли большие и значительные изменения и у нас, – говорит офицер А. Азизов. – В частности, отошли от ненадежной системы объективного контроля полета с помощью фотопленки, теперь ведется цифровая фотосъемка, данные которой обрабатываются на компьютерах. Вносятся изменения в программное обеспечение полетов.

Стремление идти в ногу со временем, отслеживание новинок инженерной мысли в мировой авиационной технике, кропотливая и многогранная работа в интересах безопасности полетов – все эти усилия инженерной службы ВВС, возглавляемой офицером Абидом Мирзаевым, направлены на то, чтобы летчик чувствовал себя за штурвалом уверенно, успешно выполнял полетные задания.

Высокая награда Родины вдохновила подполковника А. Азизова на новые свершения на вверенном участке служебной деятельности. Офицер выразил признательность коллегам офицерам Баходиру Кайимову, Серику Тулкинбаеву и Сергею Тимофееву, вносящим весомую лепту в успехи подразделения. В преддверии Дня Воздушного флота нашей страны и самого дорогого для нас праздника – Дня независимости – в жизни офицера Азизова произошло еще одно радостное событие: у него родился сын. В дружной семье Азизовых это уже третий ребенок.

Вот такие «виражи» произошли в судьбе офицера, чей земной «пилотаж» во имя безопасности полетов военной авиации оценен не только медалью «Жасорат», но и квалификацией инженер 2-го класса. Но ведь совершенству нет предела. Поэтому хочется пожелать талантливому офицеру новых высот в полете инженерной мысли, творческих взлетов и новых находок, а также благополучия в доме.

Майор Ермурат АЙНАТДИНОВ.

Ёзги мавсум ўқув машғулотлари

ЖАНГОВАР ШАЙЛИКНИ САҚЛАБ


Айни кунларда Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида ёзги мавсум ўқув машғулотлари қизғин давом этмоқда.



…Эрта тонг. Ҳали қоронғулик чекинмасдан туриб, мотоўқчилар ҳарбий қисмида ўқув тревогаси янгради. Барча ўзига бириктирилган қурол-аслаҳаси, сафар қопини олиб, саф майдончасига тўпланди. Командирнинг буйруғига биноан бўлинмалар полигон томон йўл олишди.

Полигон. Бу – посбонларнинг чинакамига маҳоратини, билимини, жанговар шайлигини синовдан ўтказадиган майдон. Батальон командири офицер Акмал Ортиқов ҳам ўз шахсий таркиби билан далада ўқув машғулотларини, яъни ўқ отиш машғулотини ўтказиш учун полигон томон йўл олди. Бир кун аввал взвод ва гуруҳ командирларига барча топшириқлар берилган. Гуруҳ посбонлари полигонга қадар бўлган масофада ҳам бир қатор машғулотларни бажариб, ҳаракат қилишмоқда. Яъни қуролларини жанговар шай тутган ҳолда, ўзларига белгилаб берилган нуқталарни кузатиб, бўлаётган ҳодисалар тўғрисида командирга ахборот беришмоқда. Бу каби машғулотлар посбонларнинг амалий тажрибаларини ошишига хизмат қилади, албатта.

Белгиланган вақтда батальон шахсий таркиби гуруҳ-



гуруҳ бўлиб, оралиқ масофани сақлаган ҳолда отиш майдончасига етиб келишди. Шундан сўнг, шахсий таркиб турли ўқув нуқталарига бўлиб чиқилди. Офицер Носир Насимовнинг гуруҳи эса ўқ отиш майдончасига келиб, ўқув назорат машқини бажаришга тайёргарлик кўра бошлади.

Биринчи ўқув нуқтаси. Бу ерда кичик сержант Рустам Болиев посбонларга қуролни ўқ отишга тайёрлаш машғулотини олиб бормоқда. Аниқроғи, посбонларга тунги ва кундузги ўқ отиш машғулотлари жараёнида керак бўладиган барча асбоблардан фойдаланиб, амалий сабоқ бермоқда. Оддий аскар Дўстбек Улашов пулемётини муайян узоқликка ўрнатиб, машқни бажармоқда. Кичик сержантнинг баҳоси бўйича у бу машқни «яхши»га бажарди. Демак, яна озроқ машқ қилиш керак. Кейин бу машқни оддий аскар Жасур Қушбеков такрорлади. Барча ҳаракатлари кичик командир томонидан беш баҳога баҳоланди.

Иккинчи ўқув нуқтасида взвод командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари офицер Қутлимурод Собиров посбонларга ўқ отиш жараёнидаги ва қуролни ишлатиш вақтидаги хавфсизлик қоидаларини тушунтирмоқда. Посбонлар машғулотни ўтаб бўлганларидан сўнг техника хавфсизлиги дафтарига имзо чекиб, кейинги ўқув нуқтасига боришмоқда.

Навбатдаги ўқув нуқтасида эса офицер Баҳодир Умурзоқов посбонлар билан қуролни қисмларга ажратиш ва йиғиш ўқув машқини олиб бормоқда.

– Ўқ отиш тайёргарлигидан олдин ўтказиладиган бу каби машғулотлар посбонларнинг нишонга бехато отишларини таъминлайди, – дейди офицер Б.Умурзоқов. – Шунингдек, уларнинг амалий билимларини янада бойитади.

Яна бир ўқув нуқтасида офицер Улуғбек Шарипов гранатомётдан отиш машғулотини ўтказмоқда. Посбонларнинг хатти-ҳаракатига қараб, ўзларини ҳақиқий жанг майдонида ҳис қилгандек, маҳорат билан ҳаракат қилишаётганига гувоҳ бўлдик.

Ниҳоят, ўқ отиш машғулоти раҳбари томонидан офицер Н.Насимовнинг гуруҳига отиш майдончасига келиб, ўқув назорат машқини бажаришга рухсат берилди. Офицер Мустафо Кенжаев посбонларнинг тайёргарлигини яна бир бор текшириб, ўз позицияларини эгаллашга буйруқ берди. Оддий аскар Фаррух Аҳмедов майдоннинг чап томонида, оддий аскар Мансур Эгамбердиев эса ўнг томонида ўз жойларини эгаллашиб, нишоннинг пайдо бўлишини кутишмоқда.

Дастлабки нишон 100 метрлик масофада. Унинг кўтарилиб туриш вақти 10 секунд. Посбонлар мўлжалга олиб, нишонга ўқ узишди. Оддий аскар Ф.Аҳмедов нишонга аниқ ва бехато урди. Оддий аскар М.Эгамбердиев эса иккинчи отишда нишонни яксон қилди. Посбонлар олға силжишиб, ўз позицияларини ўзгартирдилар. Навбатдаги нишон 200 метрлик масофада, 10 секунддан икки марта пайдо бўлади. Посбонлар тик турган ва ўтирган ҳолда нишонга ўқ отишди. Натижа аълога баҳоланди. Машқ мураккаблашиб, нишон 300 метрлик масофада пайдо бўлди. Энди посбонлар ҳаракатдаги нишонни мўлжалга олишлари лозим. Бу анчагина мураккаб жараён бўлиб, посбондан катта маҳорат ва тажриба талаб қилинади. Бу сафар ҳам посбонлар нишонга аниқ уришди. Сой ичида пайдо бўлган нишонга эса посбонлар югуриб борган ҳолатда граната улоқтиришди ва яксон қилишди.

Батальон шахсий таркиби ўқ отиш машғулотини муваффақиятли бажарди. Натижаларга кўра, офицер Н.Насимовнинг гуруҳи ўқ отиш машғулотида юқори натижани қайд этиб, энг илғор гуруҳ, деб тан олинди.

Машғулот раҳбари офицер А.Ортиқовнинг таъкидлашича, оддий аскарлар – Фаррух Ҳақбердиев, Жасур Ҳайдаров, Дониёр Қўчқоров, Абдулатиф Норбўтаев, Жасур Адҳамовлар энг яхши натижани кўрсатишиб, сафдошларига ўрнак бўлишди.

Ҳа, жамоа ёзги мавсум ўқув машғулотларини юқори жанговар шайликда давом эттиришмоқда. Уларнинг барча ютуқлари мустақиллигимизнинг ўн олти йиллигига муносиб тўёнадир.

Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ
суратга олган.

ПРОШЛИ СБОРЫ

В Центральном Доме офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан прошли двухдневные учебно-методические сборы с офицерами отделов воинской дисциплины управлений воспитательной работы военных округов, старшими офицерами отделов воспитательной работы соединений, частей и высших военно-образовательных учреждений.

Эти сборы проходили живо и интересно, в форме доклада, лекции, дискуссий, методических занятий, деловой игры. В ходе данных сборов офицеры-воспитатели и офицеры по социально-правовой работе и воинской дисциплине ознакомились с основными направлениями, формами и методами воспитательной работы по укреплению воинской дисциплины и правопорядка, обеспечению безопасных условий прохождения военной службы и правильному планированию мероприятий воспитательной работы.

Также участники учебно-методических сборов на занятиях детально разбирали формы проявления неуставных взаимоотношений и причины, способствующие их развитию. Знакомились с методикой работы должностных лиц части по профилактике неуставных взаимоотношений, травматизма среди военнослужащих, организацией индивидуальной воспитательной работы.

Много нового и интересного для своей будущей работы почерпнули офицеры и в ходе деловой игры с отработкой практических ситуаций с моделированием изменений состояния воинской дисциплины.

Наш корр.



Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари – амалда

ҲУҚУҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органларида хизмат бурчини ўтаётган ёш мутахассисларнинг зарур билим ва амалий тажрибага эга бўлиши, уларга соҳа сир-синоатларини чуқур ўргатиш ҳамда уларнинг касбий малакасини мунтазам ошириб бориш, юклатилган вазифаларни юксак даражада бажаришнинг ўзига хос омиллари бўйича ўзаро тажриба алмашишга бағишланган илмий-услубий йиғин бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мазкур илм даргоҳининг профессор-ўқитувчилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказининг профессор-ўқитувчилари, ҳамда Республика Бош прокуратурасининг малакали мутахассислари қатнашдилар.

Ҳуқуқшунослар анжуманини Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги Саидобидхон Жўраев бошқарди ва маъруза қилди. Нотиқ ҳукуматимиз раҳнамолигида мамлакатимизда изчил олиб борилаётган ислоҳотлар ва уларнинг Конституцияга хос ҳуқуқий тамойилларига тўхталди. Ҳар қандай ислоҳотлар замирида, энг аввало, инсон омили ётганлигини алоҳида таъкидлади. Ҳарбий прокуратура органларининг ёш мутахассисларига қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш йўл-йўриқлари ҳамда унда кечаги, бугунги ва эртанги кун масаласи сўзсиз инобатга олинишидек мураккаб жараён ётганлигини далиллар асосида кўрсатиб берди.

Тошкент давлат юридик институти «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Акмал Раҳмоновнинг «Жамиятни янгилаш ва давлат бошқарувини янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш шароитида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган долзарб вазифалар» мавзуидаги маърузаси барчага манзур бўлди. Нотиқ тобора буюк келажак сари илдам бораётган жамиятимизда қонун устуворлиги, суд-ҳуқуқ борасидаги ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларни ҳаётга кенг татбиқ этишда ҳуқуқшунослар олдида турган бурч ва вазифалар хусусида гапирди. Шунингдек, юртимизда қонунлар ҳаётга мос ва хос равишда ривожланиб, такомиллашиб бораётганини асослаб берди.

Анжуманда Тошкент давлат юридик институти «Жиноят процесси» кафедраси ўқитувчиси Гулчеҳра Тўлаганова ҳам ҳарбий ҳуқуқшуносларга амалдаги қонунчиликка доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда изчил амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотини янада чуқурлаштириш ҳамда жиноят ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларини босқичма-босқич либераллаштириш билан боғлиқ масала эканлигини таъкидлади.

Мазкур анжуман уч кун давом этди. Ёш мутахассислар соҳага оид ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга ҳам тегишли жавобларни олишга муваффақ бўлдилар. Тадбир қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди.

Майор Жавоҳир СОБИТОВ.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА

НЕЗАВИСИМОСТЬ: ДОЛГ И ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ЗАЩИТУ РОДИНЫ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Что лежало в основе ратного труда военнослужащих в текущем учебном году? Ответ однозначен – **Праздничное поздравление Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова защитникам Родины,** с которым он обратился к ним 14 января этого года. В нем приоритеты боевой и оперативной подготовки личного состава, основные ориентиры, всеобъемлющая программа действий на весь учебный год.

Основная стратегическая мысль этой программы состоит в том, как подчеркивал глава государства, «что в современных условиях только хорошо подготовленные, сильные, всесторонне оснащенные и социально обеспеченные Вооруженные Силы могут стать твердой опорой и надежной гарантией безопасности и стабильности, неприкосновенности границ и целостности страны, в конечном итоге мира и спокойствия людей».

Эта всеохватывающая формулировка включает в себя содержание всех пяти основных задач, поставленных Президентом перед Вооруженными Силами. О каждой из них наша газета писала подробно. Руководством министерства обороны сделано немало с выходом в свет Поздравления Президента по разъяснению **главной задачи и установок Президента, их реализации в частях и подразделениях.** До сознания всех военнослужащих доведено огромное общественно-политическое значение поставленных Президентом страны задач по выполнению своего воинского долга по защите независимой Родины. Непосредственная работа командиров, штабов, органов воспитательной работы в округах, соединениях и частях позволила качественно решать поставленные главой государства задачи на текущий год.

По каким основным направлениям строилась эта работа?

Во-первых, по линии дальнейшего совершенствования боевой, командирской и оперативной подготовки, профессионального мастерства военных кадров и всего личного состава. Огромную роль здесь сыграли меры, направленные на повышение профессионального мастерства офицеров, сержантов и солдат срочной службы, осознание ими того неоспоримого факта, что выучка и боевое мастерство зависят прежде всего от профессионализма, компетентности и ответственности военных кадров всех уровней.

Новый импульс получило соревнование в войсках, в частях и подразделениях утвердилась атмосфера состязательности. Усилилось внимание к проведению традиционных конкурсов на звание «Лучший по профессии», а также в номинациях «Лучший сержант», «Лучший командир группы», «Лучший командир взвода», «Лучший командир батальона». При этом особое внимание в соревновании уделялось качественным показателям. И как результат этой работы, в целом по Вооруженным Силам значительно возросло профессиональное мастерство всех категорий личного состава, а также мобильность, маневренность и эффективность частей и подразделений.

Во-вторых, по линии дальнейшего повышения интеллектуального уровня военнослужащих. Здесь следует особенно отметить продолжающееся внедрение в учебно-воспитательный процесс современных информационных технологий, новейших форм и методов обучения и воспитания и, в частности, методов моделирования и симуляции.

Созданный по инициативе Президента современный Центр моделирования и симуляции является высшим достижением военной научно-педагогической мысли и не имеет аналогов во всей Центральной Азии. Внедрение методов моделирования и симуляции, других современных методов обучения позволяет обеспечивать высокий уровень индивидуальной и групповой подготовки, интеллектуального развития военнослужащих. Сегодня в распоряжении военнослужащих учебные классы, оборудованные по последнему слову науки и техники, учебная и методическая литература, высокооснащенные школы подготовки сержантов.

В работе по повышению интеллектуального уровня военнослужащих неограниченные возможности предоставляются общественно-политической подготовкой личного состава, библиотеками и клубами войсковых частей и гарнизонов, постоянным обращением командиров, заместителей по воспитательной работе к истории нашего народа, наследию великих предков и, прежде всего, к военному наследию и полководческому таланту Джалолиддина Мангуберди, Темура Малика, Амира Темура и Бабура. Для наших военнослужащих военная история и наследие великих предков – не дань вчерашнему, не любопытство, а мощное средство формирования у них высоких морально-боевых качеств и воли к победе.

Говоря о повышении интеллектуального уровня военнослужащих, следует особо подчеркнуть, что в **основе его совершенствования лежат прежде всего труды Президента Ислама Каримова, его доклады и выступления, речи и беседы с военнослужащими.** На основе этих трудов и практических результатов по переустройству общества, роста экономики страны и последовательного углубления демократии у наших военнослужащих сформировалась идейная убежденность в правоте дела независимости, и укрепилось осознание того неоспоримого факта, что свобода и независимость требуют надежной защиты государства, повышения боевой готовности Вооруженных Сил и всевозрастающего боевого мастерства каждого военнослужащего.

В-третьих, по линии дальнейшего совершенствования воспитательной работы со всеми категориями военнослужащих. В Праздничном поздравлении Президент страны подчеркнул: **«Важнейшей задачей командиров всех уровней является дальнейшее совершенствование воспитательной работы в армии, укрепление в сознании каждого военнослужащего чувства высокой ответственности за судьбу страны, воспитание у них высоких моральных и духовно-нравственных качеств, активной жизненной позиции и патриотизма».**

Следует сказать, что в ходе военной реформы в Вооруженных Силах произошло существенное качественное обновление всего механизма воспитательной работы. За эти годы у нас сформировалась целая плеяда воспитателей нового поколения – людей политически грамотных, честных, ищущих, творческих, которые постоянно работают над собой, совершенствуются как личности.

Именно это явилось решающим условием того, что в наших Вооруженных Силах сформировался новый тип военнослужащего – Воина-патриота, любовь к Родине и родной земле у которого стали тем фундаментом, той основой, на которой зиждется его верность Родине, народу и Президенту, необходимая для военного человека воля, выступающие побудительным мотивом его самоотверженного служения Отчизне. Новый тип военнослужащего-профессионала, имеющего высокие моральные и духовно-нравственные качества и активную жизненную позицию в деле обеспечения безопасности страны и мирной жизни нашего народа.

В-четвертых, по линии всестороннего оснащения Вооруженных Сил современным оружием и боевой техникой и соответствующей им учебной материальной базой. Сегодня на вооружении наших воинов первоклассная боевая техника и оружие. Это явилось следствием того, что оснащение нашей армии новой и новейшей техникой и вооружением **рассматривалось как важнейшая приоритетная задача реформирования Вооруженных Сил. В этом и результат постоянной заботы главы нашего государства о боевой мощи и боевой готовности нашей национальной армии.**

В соответствии с этим в Вооруженных Силах созданы прекрасные учебные классы, оснащенные современными тренажерами, отличные полигоны, лучшая в мире, не имеющая аналогов штурмовая полоса. Все это дает возможность организовывать динамичную боевую подготовку военнослужащих всех категорий, готовить воина-профессионала в самые сжатые временные сроки. Не случайно, и это доказано практикой многих, в том числе и антитеррористических учений, что наши военнослужащие сегодня могут успешно действовать в самых сложных условиях обстановки – умело маневрировать огнем, вести продуктивную разведку и наносить решительные удары по врагу.

В-пятых, по линии дальнейшего усиления целенаправленной работы по социальной защите военнослужащих и их семей, обеспечению их жильем, улучшению бытовых условий и медицинского обеспечения. В этом направлении руководством страны сделано столько, что другим государствам на это потребовались бы десятилетия. Совершенствование продовольственного обеспечения, повышение калорийности и многообразие солдатского пайка, по которым мы далеко оставили позади наших соседей, в том числе и Россию, самая благоприятная система льгот для военнослужащих срочной службы, постоянный рост денежного довольствия военнослужащих всех категорий, создание комфортных социально-бытовых условий – всего не перечислить. Эта тема – предмет отдельного разговора. Здесь мы только подчеркнем, что **все это – результат заботы о воинах Президента страны, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова.**

Празднование 16-летия независимости страны с новой силой высветило величие подвига, совершенного руководством республики, всем нашим народом и воинами Вооруженных Сил во имя торжества независимости и благополучия народа, во имя защиты нашей священной земли, суверенитета, свободы и демократии, мира и стабильности в стране и во всем Центральноазиатском регионе. Укрепление обороноспособности страны, повышение боевой мощи Вооруженных Сил, их бдительности и боевой готовности было и остается важнейшим государственным приоритетом. **Народ, у которого есть такая армия, такие достойные сыны, может жить и трудиться спокойно.** Потому что на страже этого спокойствия стоит военнослужащий Вооруженных Сил, надежный защитник Родины, способный обеспечить безопасность независимой Родины и мирный труд нашего народа.

Анфим ХЛЫЗОВ.

Независимость – в моей судьбе

СЧАСТЬЕ ВОСПИТЫВАТЬ ПАТРИОТОВ



На долю офицеров выпадает ответственная миссия – воспитывать военнослужащих Вооруженных Сил настоящими патриотами своей Отчизны, отличающимися крепкой дисциплиной, беспредельной готовностью к защите завоеваний независимости.

Построенная за годы независимости многоступенчатая система воспитания юношей эффективно работает на то, чтобы сегодня подрастающее поколение граждан свободного Узбекистана полноценно впитывало в себя сокровища духовности, оставленные нам в наследие великими предками, росло интеллектуально и физически гармонично развитыми.

И в этой системе роль армейского воспитания невозможно переоценить, ведь именно в возрасте 18–20 лет в молодом человеке и закладывается тот нравственный фундамент личности, на котором он и будет формироваться дальше. В Праздничном поздравлении защитникам Родины Президента Республики Узбекистан, Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Ислама Каримова подчеркивается: **«Молодые люди, пришедшие в армию, не только осваивают военные специальности – здесь происходит физическое и духовное возмужание наших детей, формируется цельность их характера и твердая жизненная позиция, готовность встать на защиту Родины».**


Нам доставляет истинное удовольствие наблюдать за дальнейшими успехами на жизненном пути уволенных в резерв воинов. Письма о том, что бывшие сослуживцы поступили на учебу в высшие образовательные учреждения или школы подготовки сержантов, успешно работают на производстве, наполняют каждого офицера чувством гордости за добросовестно выполненный ратный труд, обязательно зачитываются всему личному составу.

Точно также приятно накануне 16-й годовщины независимости отправлять родителям отличных солдат срочной службы благодарственные письма. Их также будут читать всем кишлаком, на собрании махалли, чтобы соседи и родственники могли гордиться тем, что именно среди них вырос такой парень, достойно исполняющий долг по защите Родины.

Капитан Панжи ХУДОЯРОВ.

СТАТИСТИКА

ИНВЕСТИЦИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ МЕЗОНИ



Президентимиз 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида олдимизда турган устувор вазифаларни санар экан, учинчи муҳим йўналиш сифатида хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришни кўрсатиб ўтган.

Маълумки, жорий йил учун инвестициялар дастури тасдиқланган. Унга кўра, реал иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳада инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қиймати 3 миллиард 950 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилган.

Республика давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, ортда қолган ярим йиллик натижаларига кўра инвестицияларнинг асосий ҳажми ишлаб чиқариш тармоқларига, жумладан, нефть ва газ секторига, телекоммуникациялар соҳасига ва енгил саноатга, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этишга, яъни темирйўл ва автомобиль йўллари, электр тармоқларига йўналтирилган.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмидан қандай мақсадларда фойдаланганимиз эса қуйидаги жадвалда акс этади:

Йўналишлар номи	2007 йилнинг биринчи ярми бўйича фоиз ҳисобида
Янги объектлар қуришга	46,9
Модернизациялаш, таъмирлаш ва технологик қайта жиҳозлашга	26,2
Бошқа йўналишларга (шу жумладан, геологик қидирув ишлари)	26,9

ВАТАННИ СЕВ, ТУПРОҒИНИ ЎП...

Беназир шоир, устоз адиб Ойбекнинг ушбу сатрлар билан бошланувчи шеърини давраларда кўп такрорлаймиз:

Ватанни сев, тупроғини ўп,
Ҳар қаричи муқаддас бизга.
Чўлидаги ҳатто қуруқ чўп,
Жондан азиз юрагимизга.

Бу сатрларни айтганимизда, эшитганимизда қалбимизни бир ажиб туйғулар титратади. Бу туйғулар ҳароратини бутун вужудимизда ҳис этамиз.

Нега Ватан «жондан азиз»? Нега бу ҳақда озодлик байрами тантаналари арафасида яна ҳам кўпроқ ўйлаймиз?

Бу савол жавоби ҳақида ўйлаганимда хаёлимга кўп нарсалар келади.

Она тарафдан боболарим ер-сувли одамлар бўлишган. Ўттизинчи йилларда қулоқ сифатида Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилишган. Онам олти ёшда бўлганлар ўша пайт.

– Биз кўп нарсани англамас эдик, ёш бола бўлганмиз-да. Аммо бувиларим, онам, аммаларим тандирда нон ёпишса ҳам, «оҳ, юртимнинг ҳидлари келади», деб кўз ёш қилишарди. Атиргуллар, райҳонлар экишиб, униб чиққанда, худди ўлган фарзандлари тирилгандек бир-бирини қучоқлаб суюнишган, Ватан соғинчи ёмон бўлар экан. «Бир мартагина ҳовлимиздаги оқ тутдан бир дона есам ё кўча бошидаги қудуқдан бир қултум сув ичсам ёки ота-боболарим хоки ётган қабристонни зиёрат қилиб, тўйиб йиғласам, юрагимдаги тош юмшармиди?» дер эканлар бувимиз.

Онамнинг ҳикоялари мағзини йиллар ўтиб чақаман: Ватан бу сени туққан, сени улғайтирган, нон-тузини тутган қадрдон макон экан. Унинг қадрдонлиги, жонингга туташлиги кўнглингни кўзғатиб, юрагингни тоширар экан. Фақат бугина эмас, ана шу тупроққа фидойилик ҳам сенинг кўнглингни юксалтириши бор гап.

Ахир кичкина бир ғалабадан қанчалик бахтиёрлик сезамиз кўнглимизга.

2007 йилнинг 14 апрелини эсланг... Бутун Ўзбекистон ухламади, ҳисоб. Оқ қорани таниган борки, телевизор олдида ўтириб, Руслан билан рингга тушди. Ғалабадан сўнг шовқин-сурон билан кўчага чиқсак, кўп қаватли хонадонимизнинг барча хоналарида чироқ ёниқ. Хурсандчилик овозлари. Бу байрам – Руслан Чагаевнинг ўта оғир вазн бўйича жаҳон чемпиони бўлганлиги қувончи қанчагача давом этди. Мен шунда бир ҳақиқатни англадим, ватанпарварлик туйғулари авж олганда, жўшгандагина эл эл бўлади, халқ халқ бўлади. Бу ҳиссиётдан мосуво одамлар қуёшсиз осмон, сувсиз анҳорга айланади.

Яқинда хизмат сафари билан Қорақалпоғистон Республикаси, сўнг Навоий вилоятига бордим. Ҳаво шу қадар иссиқ, тупроқ ҳансирайди, сувлардан буғ кўтарилади. Халқ эса далада: буғдой, пахта бошида. Шу қадар иштиёқ билан меҳнат қилишяптики, қизларнинг бошида соябон, икки қўллари ишда, соябонни елкаларига усталик билан ўрнатишган.



– Нима бу... олифталикми? – деб ҳазиллашсам:

– Ия, қорайиб кетайликми? – дейишди.

Меҳнат иштиёқ бўлган далаларда қизлар гўзаллик ҳақида ўйлайди. Одам боласи елкасида паноҳ – Ватани турганда, унга ишлаётганини сезганда, меҳнати қадрланишига ишонганда ана шундай ҳиссиётларни қалбдан кечиради. Эҳтимол, мен сўзларда сувратини чизаётган бу туйғуларнинг исмлари сўзликларимизда бошқача ном билан аталар, аммо аминманки, бу номларнинг бари бир нуқтада – Ватан муҳаббати, Ватан озодлиги нуқталарида туташади.

Поездда йўл босарканмиз, сувга калла ташлашга шайланган ярим яланғоч болакайлар қўл силтаб қолишади, сувлар бетида қушлар гоҳ қанотлари тегиб, гоҳ тегмай учади. Радиодан муҳаббат қўшиқлари янграйди. Булар ҳаммаси – Ватан тинчлиги сувратлари...

...Мен кўпинча ўзим севган ишимга зинапоялардан кўтарилиб чиқар эканман ё давраларда «Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар» дея шеър ўқир эканман ё мазза қилиб ухлаётган ўсмир ўғлимнинг елкасига саҳар салқинида кўрпа тортиб қўяр эканман, шу дамлар ҳаққи, шу юрт ҳаққи кўнглимдаги шу юртга боғлиқ туйғулар ҳаққи шукрона айтаман. «Мени мана шу ота-бобоси ётган тупроқни кўзига тўтиё билиб суртадиган, ғам-шодлигида гина-кудуратни унутиб, бир-бирига елкадош бўладиган, нон-туз ҳурматини унутмайдиган, ҳалолликни эътиқод биладиган миллатга мансуб қилиб яратганингга шукр», дейман.

Ана шу шукроналик уфқида истиқлол ҳам, унинг байрами тантаналари ҳам, унга боғлиқ орзу-армон ҳам юракка яқин, чиройли кўринади.

Ҳозир шундай дамлар... Йўллар, кўприклар, хиёбонлар, далалар кўзга яқин пайт. Юракка куч-қувват бағишлайдиган гўзал туйғулар фақат байрамлардагина эмас, доим биз билан қолсин. Ахир, юракдан бошланган Ватанлар боқийдир.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА, шоира.

МУСАФФО ОСМОНИМИЗ МЕТИН ҚАЛҚОНЛАРИ

Фидойи

КОМИЛ ФАРЗАНД КАМОЛИ

Кун сайин яқинлашиб келаётган Мустақиллик айёми арафасида қизғин амалга оширилаётган юрт тўйига тараддудни кўриб, беихтиёр кўзи қувнайди, кишининг. Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда бунёдкорлик, яратиш, ободонлаштириш ишлари авж олган. Шаҳарлару қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшилмоқда, муқаддас қадамжолар янада яшнаб, яшариб бормоқда. Тинчликпарвар ватандошларимиз бажонудил меҳнат қилиб, қутлуғ байрамга ўзларининг муносиб совғаларини ҳозирлашга астойдил бел боғлашган.

Ҳали ёш, аммо шавкатли армиямиз шахсий таркиби ҳам бундан мустасно эмас. Албатта, ҳар бир она юртимиз ҳимоячиси муборак тантанага истиқлолни ишончли ҳимоя қилиш, ердаги ва самодаги сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасида эришган улкан муваффақиятларини тўйга тўёна қилиш ниятида.

Иқтидорли ҳарбий учувчи капитан Дилшод Гапиров ҳам мустақиллигимизнинг ўн олти йиллик байрамини аъло хизматлари билан муносиб қарши олаётган офицерлардан. Айни кунларда унинг бошқарувидаги экипаж аъзолари қўйилаётган ҳар қандай вазифаларни талаб даражасида уддалаб, само лочинлари орасида пешқадамликни сақлаб келмоқда.

...Дилшод зиёлилар оиласида дунёга келгани боис бўлса керак, болалигиданоқ кўп китоб ўқишдан, ёзув-чизувдан сира чарчамасди. Дарсдан бўш вақтларини бекорга ўтказмай, турли тўгаракларга қатнарди. Жисмоний тарбияга ҳам бефарқ бўлмай, ҳар фурсатдан унумли фойдаланишга одатланганди, у. Мактабда аъло баҳоларга ўқиб юрган кезларида Дилшодларнинг хонадонига меҳмонга келувчи ҳарбий учувчи амакисига жуда ҳавас билан боқарди. Қаддиқоматига бирам ярашган ҳарбий либосини такрор ва такрор кўздан кечирар, ҳарбий авиация ҳақидаги қизиқарли суҳбатларидан баҳраманд бўларди, ўшанда.



Дилшод улғайган сари болаликдаги ҳавас ўрнини эзгу орзу-ният эгаллаганини фаҳмлади. Ўрта мактабнинг юқори синфларига ўтганида Президентимиз ташаббуси билан Жиззах шаҳрида очилган олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга киришга қарор қилди. Ҳарбий учувчи амакиси ва мактабдаги устозларининг панду насиҳатларига қулоқ тутган ҳолда ўқишга киришга пухта ҳозирлик кўрди.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ҳам илмга чанқоқ курсант Дилшод Гапиров фақат аъло баҳоларга таҳсил олди. Учиш аппаратларининг сир-синоатларини синчковлик ила эгаллади. Намунали хулқи, тартиб-интизоми, барча фанлардан ўзлаштириш даражаси юқори эканлиги билан шахсий таркиб орасида ҳурмат-эътибор қозонди. Илм маскани раҳбариятининг қатор рағбатларига сазовор бўлди. Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлади.

Мана бир неча йилдирки, Дилшод мураккаб, аммо шарафли касбнинг ҳақиқий соҳиби деган номга лойиқ офицер сифатида фаолият юритмоқда. Айни кунларда у 800 соатлик парвозга эга ИЛ-76 дек қудратли ҳаво кемасининг командири. Экипаж аъзолари ҳам талай синовлардан ёруғ юз билан ўтган ажойиб мутахассислардир.

– Капитан Дилшод Гапировни авиация эскадрильясининг энг моҳир учувчиларидан, десак муболағa бўлмайди, – дейди офицер Илҳом Абдуллаев. – Ниҳоятда камтар, илмли, саховатпеша инсон. Феъл-атвори доимо бирдек: каттага ҳурматда, кичикка иззатда. Ишига пухта, меҳнат қилишдан чўчимайдиганлар сирасидан. Учишдан бўш вақтларида китоб ўқийди, ўз устида ишлайди. У ҳозирда билим юртини тамомлаб келган ёш офицерларнинг етук мутахассислар бўлиб камолга етишида камарбаста бўлмоқда.

Умрини илм-фанга бахшида этган Дилшоднинг падари бузруквори техника фанлари номзоди Равшанбек ака ҳозирда аждодларимиз тарихига оид илмий изланишларини давом эттирмоқда. Муҳтарама волидаси Пайзилат опа эса тиббиёт фанлари номзоди, малакали шифокор. Улар комил фарзандлари Дилшоджоннинг камолини кўраётганларидан, келинлари Хуршида билан барча ҳавас қилса арзигулик турмуш кечиришаётганидан, эл-юрт корига камарбаста бўлишаётганидан бағоят мамнун. Бахтиёр ота-она эндиликда набиралар кўриб, уларнинг тўйларига бош-қош бўлишни ният қилганлар.

Истиқлол – тақдиримда

ЕТУК ОФИЦЕР БЎЛАМАН



– Ўзбекистон ўз истиқлолининг 16 йиллигини катта шодиёна ила нишонлаш арафасида. Бу ўтган йиллар халқимиз тарихий орзуларининг рўёби, энг муҳими, миллий ғурурни англаш, мустақил давлат сифатида ўзини бутун оламга танитиш йиллари бўлди. Шу ўринда мен ҳам, мустақил диёрнинг бир фарзанди, миллий армиямизнинг ёш офицери сифатида истиқлол берган истиқболли кунлар ҳақида гапирсам. Ёшлигимнинг энг қайноқ дамлари мустақиллик билан боғлиқ. Ёшларга берилган имкониятлардан мен ҳам тўлиқ фойдалана олдим. Амакиваччам офицер Шуҳрат Назаровга ҳавас қилиб, офицерликдек шарафли касбни танладим. Юртимиздаги нуфузли билим юртининг курсанти бўлдим. Беш йил мобайнида малакали ва тажрибали офицерлардан соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаб, офицер бўлиб шаклландим.

Буларнинг барчаси мустақиллик шарофати билан, деб биламан. Истиқлол, ҳурлик байроғи эсаётган она Ватанимнинг миллий армиясида хизмат қилаётганимдан фахрланаман, ғурурланаман. Ҳарбий қисмда ҳам мени жуда яхши кутиб олишиб, барча шароитларни муҳайё қилиб беришди. Яқинда бўлиб ўтган бир ойлик ёш офицерлар йиғинида иштирок этиб, билим юртида олган билимларимни амалий машғулотлар асосида янада мустаҳкамладим. Мен истиқлол посбониман, мен ҳурликни, мустақилликни, она Ватанимни, ўз туғилиб ўсган гўшамни ҳимоя қиляпман. Конституциявий бурчимни муносиб ўтаб, ҳамиша Ҳарбий қасамёдимга содиқ қоламан.

Лейтенант
Умед НАЗАРОВ.

В подразделениях связи

ДЕРЖАТ РУКУ НА ПУЛЬСЕ

Связь не случайно именуют нервом армии. Выпускнику Специального факультета ТУИТ лейтенанту Рахматилло Курбанову, проходящему службу в подразделении связи Военно-Воздушных Сил, не надо объяснять, насколько важно обеспечение качественной и бесперебойной связи для экипажей воздушных судов, находящихся в небе.



Два года назад прибыл молодой лейтенант в данное подразделение, имеющее славные боевые традиции. Приняли радушно, всячески помогали в период становления опытные наставники, а сейчас лейтенант Р.Курбанов и сам возглавляет одно из передовых подразделений в части.

Среди отличников боевой учебы военнослужащих срочной службы он назвал водителей-электриков рядовых Абдувахоба Умарова и Фархода Отажонова, стремящихся заслужить право на нагрудные знаки и Рекомендации, которые дают право на льготы при поступлении в вузы страны.

– Нагрудные знаки «Харбий спортчи», «Жанговар тайёргарлик аълочиси» и «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» стали прекрасным стимулом для поощрения личного состава, – говорит лейтенант Р.Курбанов. – Уволенные в резерв весной солдаты с гордостью носили эти знаки воинского отличия.

Начальники аппаратных младшие сержанты Хайрулла Мукимов и Шерзод Нурумбетов являются не только настоящими профессионалами своего дела, но и первыми помощниками командира в деле воспитания солдат срочной службы. Атмосфера взаимного уважения и войскового товарищества, созданная и заботливо поддерживаемая общими усилиями, служит надежной гарантией от негативных проявлений.

Приближающийся День Воздушного флота и праздник 16-й годовщины независимости Республики Узбекистан в передовом подразделении связистов готовятся встретить новыми успехами в ратном труде. Обеспечивая четкую связь в период проведения оперативно-тактических учений находящихся в отрыве от пункта постоянной дислокации подразделений, они чутко держат руку на пульсе времени, постоянно повышая свой уровень профессиональной готовности и боевой выучки.

Курсом реформ

АВИАЦИОННЫЕ СПЕЦИАЛИСТЫ ПОВЫШАЮТ КЛАСС

На факультете повышения квалификации Джизакского высшего военного авиационного училища (ДВВАУ) действуют курсы подготовки и повышения квалификации авиационных специалистов. За это время немало специалистов самого различного профиля прошли обучение на этих курсах. В таком насыщенном самой современной электронной техникой роде войск, каким является военная авиация, только таким образом можно постоянно поддерживать высокий уровень боевой готовности частей и подразделений.

На кафедре авиационного вооружения преподаватель капитан Фарход Умаров проводит занятие по теме: «Авиационное артиллерийское оружие» с прибывшими на курсы сержантами и рядовыми по контракту. Все очень внимательно и заинтересованно слушают опытного преподавателя, сопровождающего свой рассказ показом на выставленных в аудитории образцах вооружения, плакатах и наглядных пособиях.

В коротком перерыве знакомимся с военными профессионалами, интересуемся их мнениями об эффективности учебного процесса, о степени полезности курсов. Сержант Собир Худояров здесь является самым бывалым воином, он уже 14 лет служит по контракту в истребительной авиации. Конечно, техника по регламентному ремонту авиационного вооружения, имеющего такой опыт, трудно чем-либо удивить, но ведь и ему очень интересно познакомиться с вооружением других типов боевых самолетов, а также вертолетов. Его товарищ сержант Бахтиер Тошев служит в ТЭЧ вертолетной части, он немало знает об артиллерийском вооружении винтокрылых машин, а вот по штурмовой или бомбардировочной авиации есть пробелы, восполняемые на этих курсах.

– Мне еще надо много потрудиться, чтобы приблизиться к уровню подготовленности старших товарищей, – говорит рядовой по контракту Абдурахим Бобокулов. – И в этом плане обучение на данных курсах стало для меня отличной возможностью пополнить свой профессиональный багаж. Здесь очень заботливые преподаватели, которые готовы в любое время заняться с тобой дополнительно, да и от более опытных коллег в часы самоподготовки удается узнать много ценного и полезного для дальнейшей службы.

Конечно, такие фанаты летного дела, как сержант Зайнитдин Очилов, немного тоскуют по полетам, переживают, как там, в эскадрилье, обходятся без них. Однако важность обучения все понимают. Безусловно, без постоянного обучения в военной авиации невозможно обеспечить требуемый уровень боевой готовности, высокую степень безопасности эксплуатации летательных аппаратов и установленного вооружения.



В военных училищах

ПО ЗАКОНАМ ПРЕЕМСТВЕННОСТИ

Одной из ведущих кафедр Джизакского ВВАУ по праву считается кафедра вертолетовождения, возглавляемая подполковником Аликом Бобокуловым. После ухода с летной работы мастеру доверили «ставить на крыло» молодежь.



Согласно неписанным законам преемственности поколений вернулись в родное училище уже в новом качестве преподавателей выпускники ДВВАУ майоры Илья Бердюгин и Николай Елисеев. И подполковник Олим Худояров твердо убежден, что нет дела почетнее, чем готовить к стезе военных летчиков сегодняшних курсантов.

Первокурсники ловят каждое слово опытных небесных асов, которые проложили немало дорог в синеве своими винтокрылыми машинами. Курсант Никита Новиков пошел по стопам отца. Старший лейтенант Олег Новиков в качестве бортового авиационного техника несет боевое дежурство на военном аэродроме в отдаленном гарнизоне.

– Хочу, чтобы отец мной гордился, – говорит Никита. – У нас очень дружный курс, мы все помогаем друг другу, стараемся учиться на хорошо и отлично. Конечно, очень не терпится сесть за штурвал вертолета, но мы хорошо понимаем, что сложная авиационная техника требует самого строгого и качественного изучения всех ее тонкостей, ведь небо не прощает ошибок.

А вот курсант Джамолиддин Юсупов выбрал профессию военного летчика по примеру старшего брата. Сейчас лейтенант Хуснитдин Юсупов уже начал самостоятельную службу в вертолетной части. Держа в руках штурвал и наблюдая за экраном монитора авиасимулятора, Джамолиддин представляет себя в реальном полете.

Современная электронная техника позволяет добиваться практически полного сходства ощущений, чутко реагирует на ошибки в технике пилотирования. Это упрощает задачу преподавателей, которые с первых месяцев службы ставят будущим летчикам «почерк», учат уверенно управлять воздушным судном. Уровню оснащенности учебно-материальной базы этого училища могут позавидовать отцы многих сегодняшних курсантов. Ведь наша страна уделяет самое пристальное внимание вопросам укрепления обороны, технического оснащения Вооруженных Сил.

Илғорлардан сўз очдик

САМО ТУЛПОРЛАРИН ЖИЛОВЛАГАНЛАР

Ҳарбий ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатувчи мутахассислар фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида аэродромга ташриф буюрганимизда куннинг ҳарорати баланд, она қуёш борлиқни роса қиздирмоқда эди. Шахсий таркиб АН-26 двигателини кўрикдан ўтказишмоқда экан. Бизни қисм авиация муҳандислик хизмати бошлиғи офицер Баҳодир Комилов қарши олди. Суҳбатимиз ҳарбий самолётлар ва вертолётларга техник хизмат кўрсатишнинг сир-асрорлари хусусида бўлди.

– Қисмимизда ўз ишининг асл билимдонлари хизмат қиладилар, – дейди офицер Б. Комилов бизни самолёт яқинига таклиф қаларкан. – Ахир мураккаб техникаларни асосан масъулиятли, давлат ва ҳарбий мулкни қадрига етиб, уни кўз қорачиғидай асраб-авайлайдиган ҳарбий хизматчиларга ишониб топшириш мақсадга мувофиқ-да. Бугунги кунда катта борт техниклари, катта лейтенантлар – Азимжон Ҳуррамов ва Аваз Азимовлар бу борада шахсий таркибга ибрат кўрсатмоқдалар. Улар учиш аппаратларининг бошқарув тизими, двигателлари ва эҳтиёт қисмлари бўйича етук мутахассислар сифатида қисмимизда ҳурмат-эътибор қозонишган.

Қисмда ҳарбий транспорт самолётларининг туну кун ҳар қандай топшириқларни бажаришга шай ҳолда туриши энг асосий вазифа ҳисобланади. Шу боис ушбу масала устидан алоҳида назорат ўрнатилган. Бунда авиация муҳандислик хизмати мутасадди офицерларининг роли беқиёсдир. Соҳанинг сир-асрорларини мукаммал билган мутахассислар само тулпорларин жиловлаб, қисм олдида турган ўқув-жанговар вазифаларнинг сўзсиз аъло даражада бажарилиши учун камарбаста бўлмоқдалар.

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ёш мутахассислар малакасини ошириш курсларининг фаолият юрита бошлагани айни муддао бўлди. Зеро, ушбу нуфузли илм даргоҳида ёш офицерларни қайта тайёрлаш жараёни юксак савияда ташкил этилган бўлиб, таълим олиш учун зарур шароитлар яратилган. Учувчилик бобида етук малакали йўриқчи офицерлар замонавий ҳарбий ҳаво кучларининг учиш аппаратларига оид тегишли билим ва кўникмалар бўйича сабоқ бермоқдалар.

Илғор қисм шахсий таркиби Мустақиллик байрамини хизматда қўлга киритган муваффақиятлари билан қарши олиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, қутлуғ шодиёна кунлари ҳам улар жанговар шайлик даражасини сусайтирмаган ҳолда, само сарҳадларимизни муносиб қўриқлаш бўйича ўз муқаддас бурчларини шараф билан адо этадилар.



Саҳифани «Ватанпарвар» мухбирлари майорлар – Аблай КАМОЛОВ ва Шуҳратбек ҲОШИМОВЛАР тайёрлашди. Комолиддин ТЎРАЕВ ва Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган суратлар.

POSBON BO‘LAR YIGITNING MARDI

Ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotida

SALOHIYATLI POSBON YENGILMASDIR

Mustaqillik sabab, o‘z milliy armiyamizga ega bo‘ldik. Bugun Qurolli Kuchlarimiz mustaqilligimizning, yurtimiz osoyishtaligi va farovon turmush tarzimizning asosiy kafolati bo‘lib turgani, islohotlar samarasi o‘laroq, sohaning barcha bo‘g‘inlarida ijobiy o‘zgarishlar, yangilanishlar amalga oshirilayotgani qalbimizga olam-olam quvonch bag‘ishlaydi. Jangovar saflarda xizmat qilayotgan o‘g‘lonlarimizning harbu zarb san’ati va jismoniy tayyorgarliklar bilan bir qatorda ma’nan va intellektuallik jihatidan ham hech kimdan kam emasligi, harbiy xizmatga ularning adolatli ko‘rik-tanlov hamda sinovlar asosida tanlab olinib, eng sara va yetuklargagina posbon degan sharafli nomga sazovor bo‘lish nasib etayotgani, eng muhimi, armiyada yurt farzandlari mukammal ishlab chiqilgan puxta dastur asosida chuqur ta’lim-tarbiya olib, bilim va mahorati har tomonlama oshayotgani professional asosda shakllanayotgan armiyamiz kuch-qudrati va salohiyati nechog‘lik yuksak ekanini yaqqol ko‘rsatadi.



“Armiya saflarida o‘g‘lonlarimiz nafaqat jismonan baquvvat, eng zamonaviy harbiy texnika va texnologiyalarning sir-asrorlarini puxta egallagan bo‘lishi, ayni vaqtda yuksak aql-zakovati, intellektual salohiyati, mustahkam irodasi, o‘z xalqiga sadoqati kabi olijanob xususiyat va fazilatlari bilan ham ajralib turishi lozim”, degan edi Prezidentimiz. Darhaqiqat, salohiyatli posbon – qudratli posbondir. Kimga va nima uchun xizmat qilayotganini yaxshi bilgan, zukko, ma’nan barkamol, yetakchilik qobiliyati shakllangan, bilim va salohiyati yuksak posbonni Yurtboshimiz ta’biri bilan aytganda, aslo yengib bo‘lmaydi. Shu bois bugun armiyada shunqorlarning intellektual salohiyatlarini oshirishga chuqur ahamiyat berilmoqda. Bu o‘rinda ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlarining tutgan o‘rni va ahamiyati salmoqlidir.

Muddatli harbiy xzmatni o‘tayotgan askarlarning ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlaridan birini kuzatamiz. Ofitser G‘anisher Yakubov jahon ilm-fan rivoji va taraqqiyotiga katta hissa qo‘shgan buyuk ajdodlarimiz faoliyatlari haqida yurt himoyachilariga ma’lumot bermoqda. Mavzu g‘oyat dolzarb va e’tiborli. Shu bilan birga uning tarbiyaviy ahamiyati ham beqiyos. Chunki insoniyat sivilizatsiyasida alohida o‘rin tutgan dunyoga mashhur O‘rta osiyolik olim va allomalarning yozgan asarlari, ilmiy izlanishlari hamda bemisl kashfiyotlari bugungi kunda ham ko‘pgina sohalarda zamondoshlarimizga dasturil-amal bo‘lib kelmoqda. Algebra fani asoschisi Xorazmiy bobomiz, fanning ko‘pgina sohalarida ijod va izlanishlar olib borib yuksak natijalarga erishgan hamda o‘zidan juda ulkan ilmiy va adabiy meros qoldirgan Abu Rayhon Beruniy, tibbiyot fanining yuksak cho‘qqilarini zabt etgan Abu Ali ibn Sino va astronomiya ilmining betakror olimi bo‘lgan Mirzo Ulug‘bek hamda shoiru sarkardalar va yengilmas sultonlar haqida bilish bugungi kunda avlodlar qalbida g‘urur va iftixor bilan birga vatanparvarlik tuyg‘ularini ham beqiyos orttiradi. O‘z navbatida ular qalbida shonli ajdodlariga munosib avlod bo‘lishga va ular an’analarini davom ettirishga havas uyg‘onadi.

– O‘lkamiz tarixi, boy madaniy merosimiz va ma’naviy qadriyatlarimiz haqida bilish bizga kuch-quvvat hamda shijoat baxsh etadi, – deydi muddatli xizmat oddiy askari Sirojiddin Shodiyev. – Shonli o‘tmishimizdan hikoya qiluvchi ibratga sazovor, hamon yuksak qadr-qimmati va ahamiyatini yo‘qotmay kelayotgan moddiy va ma’naviy boyliklar, osori-atiqa hamda ulug‘vor qadriyatlar yurtimizda ko‘plab topiladi. Bular bizning buyuk o‘tmishimizdan, ildizlarimiz qadim zamonlarga borib tutashishi va kelajagimiz porloq bo‘lishidan dalolat beradi, desam xato bo‘lmaydi. Faqat biz ana shu bebaho boyliklarni asrab-avaylashimiz, ularni yanada rivojlantirib, o‘zimiz ham qo‘lni qo‘lga berib, tanlagan yo‘limizdan og‘ishmay olg‘a borishimiz kerak, deb o‘ylayman. Tanlagan yo‘limiz esa erkin fuqarolik jamiyatini qurish va dunyoviy taraqqiyot yo‘lidir.

– Menga kuch-qudratda benazir, jangu jadallarda mahorat va matonat ko‘rsatgan sarkarda bobolarimiz haqida ko‘proq bilish maroqli, – deydi yana bir oddiy askar Shamsiddin Xolmurodov. – Masalan, erk uchun kurashib, bosqinchilarga qarshi mardona maydonga chiqqan va g‘animning tinkasini quritgan Spitamen, Jaloliddin Manguberdi, Temur Maliklar jasorati, Shiroqning fidoyiligi, ayol boshi bilan xalqini xavf-xatardan xalos etgan To‘marisning shijoati, Amir Temurning sarkardalik san’ati, harbiy yurishlarda muhim tadbirlar qo‘llab, oz sonli askar bilan dushmanning ko‘p sonli qo‘shinini yenggan Boburning jangovar taktikasi havasimni keltiradi. Ular singari bilimdon va jasur, chinakam yurt fidoyisi bo‘lishni juda-juda xohlayman. Shu bois muddatli harbiy xizmatdan keyin ofitserlikka o‘qimoqchiman. Bu menda bolaligimdayoq uyg‘ongan istak, qat’iy maqsaddir. Maqsadimga erishish uchun tinmay tayyorlanib, bilim va malakamni oshirib kelyapman. Armiyada esa bu borada zarur bo‘lgan juda ko‘p narsa o‘rgandim. Tayyorgarlik mashg‘ulotlari bizning har tomonlama yetilishimizda asosiy omil bo‘lmoqda.

Katta leytenant Yoshin HAKIMOV,
“Vatanparvar” muxbiri.


Yutuqlarimiz senga, istiqlol!

YURAKLARDA QAYNOQ SHIJOAT

Bugun islohotlar sabab, armiyamizning va harbiy xizmatning nufuzi kun sayin oshib borayapti. Qurolli Kuchlarimiz saflaridagi mardlarning jismoniy va jangovar tayyorgarliklari bilan birga intellektual salohiyatlari ham yuksak darajaga ko‘tarilayotgani va bu borada ko‘rilayotgan zarur chora-tadbirlar barchamiz uchun ham quvonchlidir. Harbiy qismlarda qulay shart-sharoitlar yo‘lga qo‘yilgani, boy kutubxonalar ishlab turgani, kitoblar, vaqtli matbuot nashrlari, tele va radioapparaturalar ular ixtiyorida ekani fikrimizni tasdiqlaydi. Bularning barchasi yurt himoyachilari har tomonlama yetuk va malakali bo‘lishlariga xizmat qiladi. Qurolli Kuchlarimiz saflaridagi askarlar orasida bugun oliy ma’lumotlilar ko‘pchilikni tashkil etayotgani ham armiyamizda bilimli, intellektual yoshlar ko‘payayotganidan dalolat.



Muddatli xizmat oddiy askari Shoymardon XURRAMOV: – Men Qashqadaryo viloyatining Qamashi tumanidan muddatli harbiy xizmatga chaqirilganman. Qarshi muhandislik-iqtisodiyot institutini 2006 yilda bitirdim. Keyin esa sinovlardan muvaffaqiyatli o‘tganimdan va askarlikka munosib topilganimdan behad xursandman. Armiyada juda ko‘p narsa o‘rgandim. Ona xalqimga va aziz Vatanimga mehr, sadoqat tuyg‘ularini aynan xizmat tufayli chuqurroq tushunib yetdim. Bugun mintaqa va jahon miqyosida kuzatilayotgan ijtimoiy-siyosiy vaziyat, dunyoning hali u, hali bu burchagida bosh ko‘tarishga urinayotgan terror balosi, barcha tinchliksevar xalqlarning xavfsizligiga tahdid solishga urinayotgan qora kuchlar Yurtboshimiz aytganidek, har birimizdan hamisha hushyor bo‘lishimizni talab etadi. Bunga erishish uchun tinmay izlanish, bilim va mahoratni boyitish zarur. Chunki puxta jangovar tayyorgarlikka ega, jismonan baquvvat, texnika va qurol-yarog‘ni mahorat bilan ishlata oladigan asl mardlargina Vatanni, osudaligimiz bardavomligini munosib himoya qila oladilar. Armiyada men ana shu qimmatli saboqlarni o‘zlashtirganimdan mamnunman. Mana, askarlik davrim ham oxirlab, uyga qaytayapman. Chunki o‘zingiz yaxshi bilasiz, oliy ma’lumotlilar uchun muddatli harbiy xizmat davri to‘qqiz oy etib belgilangan. Armiyada olgan ta’lim-tarbiyam bir umr unutilmasdir.



Muddatli xizmat oddiy askari Albert USMONOV: – Men haydovchi vazifasida xizmat qilyapman, – deydi askar g‘urur bilan. – Bizga xizmatni boshlaganimizdayoq o‘zimizga biriktirilgan jangovar texnika hamda qurol-yarog‘ni hamisha soz va shay tutishimiz, unga yaqin do‘stimizdek munosabatda bo‘lishimiz kerakligi tushuntirilgandi. Chunki yaxshi qaralgan jangovar texnika va qurol-yarog‘ zarur vaziyatda pand bermaydi. U muvaffaqiyatli natijalarga erishishda muhim omil bo‘ladi. Yozgi o‘quv mavsumi davomida esa yuksak natijalarni qo‘lga kiritib, albatta eng ilg‘orlar safidan joy olishga harakat qilyapman. Chunki o‘z vazifasini sifatli uddalab, ijtimoiy-siyosiy va jangovar tayyorgarliklardan yaxshi natijalarga erishgan namunali askarlarga tavsiyanoma beriladi. Bu tavsiyanoma oliy bilim yurtiga o‘qishga kirayotganda abituriyent uchun muhim imtiyozdir. Men ham yaxshi xizmat qilib, tavsiyanomaga ega bo‘lishga harakat qilyapman. Ta’kidlab o‘tishim kerak, armiya hayoti, yo‘lga qo‘yilgan qat’iy tartib-intizom, inoq do‘stona muhit va o‘zaro musobaqadoshlik kabilar menga g‘oyat ma’qul bo‘ldi. Zero, qayerda yuksak tartib-intizom, sohaga mehr, burchga sadoqat va Vatanga muhabbat tuyg‘ulari yuqori bo‘lsa, u yerda g‘alaba tayin demakdir. Jangovar saboqlarni esa o‘z ishining ustasi bo‘lgan malakali ofitserlar bilan bir qatorda armiyamiz professionallari sanalgan kichik komandirlardan ham o‘rganyapmiz.

Istiqlol – taqdirimda

YURAGIMDA ASRAY VATANNI!



– Men istiqlol bayrog‘i mag‘rur hilpirayotgan jannatmakon ona O‘zbekistonda tug‘ilganimdan, boy o‘tmishi-yu, buyuk kelajagi bor zamin farzandi ekanimdan behad g‘ururlanaman. Yoshligimdan kelajakda harbiy bo‘lishni orzu qilardim. Shu bois muddatli harbiy xizmatga chaqirilishimni katta quvonch bilan qarshi oldim. Harbiy hayotga ko‘nikma orttirib va tayyorlanib borish, eng muhimi, a“lo xizmatlarim evaziga askarlikni poyoniga etkazayotganda tavsiyanomaga sazovor bo‘lishni maqsad qilgandim. Buni qarangki, muddatli harbiy xizmatni tugatmasdan ham omadingni sinab ko‘rsang bo‘larkan. Ya“ni bu ham istiqlol bergan imkoniyat.

Shu tariqa ushbu imkoniyatdan foydalanib, Samarqand oliy harbiy avtomobil qo‘mondonlik-muhandislik bilim yurti huzuridagi o‘quv jarayonini ta“minlash batalonida askarlik xizmatimning yarim yili ortda qolganida, mazkur bilim yurtiga o‘qishga kirish uchun abiturientlar safida o‘zimni sinab ko‘rdim. Omadim bor ekan, komandir va boshliqlardan o‘rgangan saboqlarim hamda tayyorgarliklarim zoe ketmadi – men kursant degan nomga munosib topildim. Bundan behad masrurman. Shu Vatan, shu aziz yurt uchun sidqidildan xizmat qilib, sarhadlarimiz daxlsizligini, osoyishtaligimiz barqarorligi-yu, mustaqilligimiz bardavomligini mardona qo‘riqlashga, hamisha qasamyodimga sodiq qolishga chin yurakdan so‘z beraman. Yurt sha“nini qalbim gavharida, yuragimda asrayman.

Jamshid PRIMOV.

Sarkardalar sabog‘i

SIPOHGA ULUFA BERISH TUZUGI

Amr qildimki, amirlar, mingboshilar, yuzboshilar, o‘nboshilar va boshqa sipohiylarga ushbu tartibda maosh berilsin: oddiy sipohiyga o‘z vazifasini o‘rinlatib bajarishi sharti bilan maoshi mingan otining bahosi bo‘lsin. Bahodirlarning maoshi ikki ot bahosidan to‘rt otgacha tayin qilinsin. O‘nboshilar maoshi qo‘l ostidagi oddiy sipohiylaridan o‘n barobar ortiq bo‘lsin. Yuzboshilar maoshi o‘nboshilarga qaraganda ikki barobar, mingboshilarniki esa yuzboshilarnikidan uch barobar ziyoda bo‘lsin.

Yana hukm qildimki, sipohiylardan qaysi biri chorpilchor (urush) ishlarida xatolikka yo‘l qo‘ysa, maoshidan o‘ndan birini kamaytirsinlar.

Yana buyurdimki, o‘nboshi yuzboshining tasdig‘i bilan, yuzboshi mingboshining tasdig‘i bilan, mingboshi amir ul-umaroning tasdig‘i bilan ulufa olsinlar.

Amir qildimki, amir ul-umaroning maoshi o‘z qo‘l ostidagilardan o‘n barobar ortiq bo‘lsin. Shunga o‘xshash, devonbegi va vazirlarning maoshlari esa amirlar maoshidan o‘n barobar ko‘p bo‘lsin. Yasovullar, chopovullar, qalaqchilarning maoshlari o‘z xizmatlariga yarasha mingdan o‘n ming (tanga)gacha bo‘lsin.

Ahli majlis bo‘lmish sayyidlar, olimlar, fozil kishilar, hakimlar, tabiblar, munajjimlar, qissaxonalar, xabarchilar, tarixdonlarga o‘z hollariga qarab, suyurg‘ol, vazifa va maosh belgilasinlar. Piyodalar, xizmatchilar, farroshlarga yuzdan minggacha maosh bersinlar.

Yana hukm qildimki, amir ul-umarolar o‘z maoshlarini devonbegi va vazirlarning tasdig‘i bilan olsinlar. Davlat tomonidan beriladigan butun maoshlarning to‘liq ma’lumotlarini devonbegi va vazirlar avval menga bildirib, so‘ngra tanho bersinlar.

Yana buyurdimki, sipohiylarning har biriga maosh olish yorlig‘i topshirilsin. Ularga berilgan mablag‘ miqdori shu yorlig‘ning orqasiga yozib qo‘yilsin.

“Temur tuzuklari”dan.

ISTIQLOL POSBONLARI

Siz onalar quvonchi,
Otalarning ishonchi,
Ozod Vatan suyanchi –
Ey, yurtim o‘g‘lonlari,
Tinchlikning qalqonlari.

Siz tarating yurt shonin,
Oqlang bergan tuz-nonin.
Qadrlangiz har onin –
Ey, yurtim o‘g‘lonlari,
Istiqlol posbonlari.


Bugun ko‘p imkonimiz,
Vatan jon-jahonimiz,
Musaffo osmonimiz –
Akalarim, bor bo‘ling,
Sadoqatga yor bo‘ling.

G‘anim sizga tiz cho‘ksin,
Omad esa yuz tutsin,
Suluv qizlar ko‘z tiksin –
Bo‘y qo‘shilib bo‘yingiz,
Yorug‘ yuz-la, qaytingiz.

Aziza BAHROMOVA, kollej o‘quvchisi.

KITOBXON ASKAR

Qurolli Kuchlarimizda olib borilayotgan izchil islohotlar samarasi o‘laroq, muddatli harbiy xizmatchilarga yaratilayotgan imtiyozlar, xizmatdan rezervga bo‘shatilganlarga ko‘rsatilayotgan katta e’tibor va g‘amxo‘rliklar yigitlarimizni sidqidildan ona Vatan tinchligi, osoyishtaligi uchun xizmat qilishga, ularni matonatga, jasoratga undamoqda.



Mana shunday yigitlarimizdan biri oddiy askar Nodir Qobilovdir. Surxondaryo viloyatining Denov tumanida tug‘ilib voyaga yetgan yigit tengdoshlari qatori birinchilardan bo‘lib Vatan oldidagi konstitutsiyaviy va yigitlik burchini o‘tashga otlandi.

– O‘tgan yili huquqshunoslik sohasi bo‘yicha o‘qishga kirishga harakat qildim, – deydi u. – Ammo omadim kelmadimi yoki tayyorgarliklarim bo‘sh bo‘lganligi boismi, talaba bo‘lish menga nasib etmadi. Shundan so‘ng muddatli harbiy xizmatni o‘tashga qaror qildim. Bu qarorim ota-onamga ham ma’qul bo‘ldi. Mustaqil yurtimiz tinchligi yo‘lida o‘z hissamni qo‘shayotganimdan mamnunman.

Nodir xizmatini motoo‘qchilar qismida o‘tab kelmoqda. Ofitser va serjantlardan harb ilmi bilimlarini puxta o‘zlashtirgan posbon barcha sohalarda peshqadam. U jangovar-taktik, texnik va jismoniy tayyorgarliklarda ham doimo oldingi saflarda. Oddiy askar yaxshigina tashkilotchilik qobiliyatiga ega. Umuman, o‘z namunali xizmatlari bilan safdoshlariga o‘rnak bo‘lib, komandirlarining e’tiborini qozonib kelmoqda.

– Harbiy xizmat menga ancha narsani o‘rgatdi, – deydi u biz bilan suhbatda. – Yozgi o‘quv mavsumini ko‘tarinki ruhda boshladik. Hozir ayni o‘z mahoratimizni, bilim va ko‘nikmalarimizni ko‘rsatadigan vaqt. Shuning uchun butun diqqat-e’tiborimizni jangovar shaylikni oshirishga qaratganmiz. Bunda biz, askarlarga malakali ofitser va serjantlar yaqindan yordam berib kelishmoqda.

Oddiy askar Qobilov adabiyotga bo‘lgan qiziqishi tufayli qismda bo‘lib o‘tgan «Eng ilg‘or kitobxon» tanlovida birinchi o‘rinni qo‘lga kiritib, okrug miqyosidagi bellashuvga yo‘llanma olgan edi. Qizg‘in tayyorgarlik natijasida posbon uchinchi o‘rinni egallab, o‘zining intellektual salohiyatini namoyon qildi va safdoshlariga namuna bo‘ldi.

– Armiya mening hayotimda ko‘p o‘zgarishlar yasamoqda, – deydi qahramonimiz. – Kelajakda o‘z o‘rnimni topishimda bu maktabning o‘rni nihoyatda katta bo‘lmoqda. Harbiy xizmat hayotimning mazmuniga aylanib ulgurdi, desam xato bo‘lmaydi. Kitob o‘qishga yoshligimdan qiziqardim, ayniqsa, tarixiy adabiyotlarni sevib mutolaa qilaman. Tanlovda yuqori natijaga erishishimda kutubxona mudirasi Dilrabo Abdurahmonovaning xizmatlari ko‘p. Bo‘sh vaqtimning asosiy qismini kutubxonada o‘tkazaman. Yozgi mavsum o‘quv mashg‘ulotlarida ham yaxshi natijalarni qo‘lga kiritib, ilg‘orlar safidan joy olishga harakat qilyapman.

Ahror SHUKURULLAYEV.

HARBIY TEXNIKA YANGILIKLARI

YENGIL ZARBDOR AVTOMOBIL

Isroil qurolli kuchlari harbiy texnikasi tarkibidan o‘rin olgan «Dezert Reyder» rusumli yengil zarbdor avtomobil «Injiniring ekvipment divijn» firmasi tomonidan yaratilgan («Otomotiv indastriz LDT» kompaniyasi tomonidan ishlab chiqarilgan) va razvedkachi hamda razvedka-diversion bo‘linmalarning o‘ta past-baland joylarda harakatlanishini ta’minlash uchun mo‘ljallangan. Haydovchining o‘rindig‘i mashina korpusining old qismi o‘rtasida, komandir va radistning o‘rni esa mos ravishda uning o‘ng va chap tomonida joylashgan. Yuk joylash bo‘lmasi avtomobilning quyruq qismida.

Mazkur zarbdor mashinaga qurol sifatida 5,56 yoki 7,62 mm.li pulemyot yoxud tankka qarshi raketa kompleksi o‘rnatiladi. Mashina SN-53 rusumli harbiy-transport vertolyotining tashqi ilgichida havo yo‘li bo‘ylab olib uchishga moslashtirilgan. Avtomobilning g‘ildiraklar formulasi 6x6 bo‘lib, bunda orqa tomondagi surilib yuruvchi qism (telejka) har bir juft orqa g‘ildiraklarning erkin harakatlanishini ta’minlovchi alohida ilgakka ega. Injektorli bezinli dvigatel 150 ot kuchi quvvatiga ega, bu esa uning yuqori tezligini soatiga 110 km.ga (shosse bo‘ylab) yetkazish imkonini beradi. Mazkur avtomobil 0,7 m. chuqurlikdagi suv kechuvi, 0,6 m. balandlikdagi devor kabi to‘siqlarni hech qanday tayyorgarliksiz yengib o‘tish qobiliyatiga ega, ko‘tarilish burchagi esa 30 darajadan yuqori. Mashinaning shosse bo‘ylab harakatlanish zaxirasi 600 km.

(«Zarubejnoye voyennoye obozreniye» jurnali asosida tayyorlangan).






2007 ЙИЛ – ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ

ПОСБОН САЛОМАТ – ЮРТ ТИНЧ

Миллий армиямиз ташкил топганига ҳам ўн беш йил бўлди. Шу вақт ичида Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар армияга нисбатан фуқароларимизнинг тасаввурини кескин ўзгартирди. Бугунга келиб армия сафларида хизмат қилиш, ўз йигитлик бурчини ўташ ҳар бир ўғлон учун шон-шарафга айланиб улгурди.





Ҳар бир инсон ҳаётида саломатликнинг ўрни беқиёс. Танангиз соғ бўлса, фикрингиз аниқ, ишингизда унум ва барака бўлади. Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлиги – жанговар шайликда муҳим ўрин тутади. Шу боис қай бир қисмда бўлманг, посбонларнинг саломатлигига катта эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўласиз.

Посбоннинг саломатлиги биринчи ўринда туради. Буни яхши англаган қисм тиббиёт пункти ходимлари тинимсиз меҳнат қилиб, уларнинг соғлиғини доимо назорат қилиб боришади. Тиббий хизмат майори Шукур Хушвақов етакчилигида фаолият кўрсатаётган ҳарбий шифокор ва ҳамширалар ҳам бу каби масалаларга улкан эътибор қаратиб келишмоқда. Тиббиёт пункти атрофи тозалиги, саранжом-саришталиги билан диққатни тортади. Ичкарига кирар эканмиз, муолажа ва касаллар хонасининг ҳам озода, шинам ва ёруғ эканлигига гувоҳ бўлдик. Ҳозир айни ёзги мавсум ўқув машғулотларининг қизғин паллага кирган даври. Бу даврда шифокорларнинг ишлари ҳам кўпроқ бўлади. Яъни посбонларни офтоб уришидан сақлаш, ёзнинг иссиқ кунларида турли юқумли касалликлардан асраш, дала-ўқув машғулотлари жараёнида ҳар хил инсон саломатлигига путур етказадиган ҳодисалардан сақлаш каби вазифалар уларнинг асосий эътиборида. Ётоқхоналарда, ўқув хоналари ва майдончаларида янтоқ чой доимо тайёр. Посбонлар билан ҳар куни шахсий гигиена бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

– Посбон саломат бўлса, – дейди тиббий хизмат майори Ш.Хушвақов, – унинг жанговар шайлиги ҳам юқори бўлади. Шунинг учун уларнинг соғлиғига ҳар дақиқа масъул эканлигимизни унутмасдан, хизмат қилиб келяпмиз. Бунинг учун тиббиёт пункти зарур асбоб-ускуналар билан етарли таъминланган. Малакали, кўп йиллик тажрибага эга шифокору ҳамширалар туну кун посбонлар хизматида.

Тиббиёт пункти дорихонасига кирар эканмиз, дорихонанинг саранжом-саришталиги, озодалиги, ҳавосининг тозалиги, дори-дармонларнинг рўйхат бўйича тахланганлиги ва кўрсатилган тартибда сақланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Дорихона бошлиғи кичик сержант Соҳиб Эшонқулов шифокор кўрсатмасига биноан беморларга керакли дориларни тарқатаркан, уларга зарур маслаҳатларни беришни ҳам унутгани йўқ.

– Юрт посбонлари ҳеч қачон касал бўлмасин, деб доимо изланишдамиз, – дейди у. – Малакали устоз шифокорлардан соҳа сир-асрорларини ўрганиб, билимларимни янада бойитиб бормоқдаман. Ўз соҳамнинг ҳақиқий билимдони бўлишга ҳаракат қилаяпман. Менинг вазифамда адашиш, хатога йўл қўйиш асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳамиша доришуносликка оид адабиётларни ўқиб, ўз устимда тинимсиз меҳнат қилиб, тажрибамни ошириб бораяпман.

Дарҳақиқат, бу ерда фаолият кўрсатаётган шифокор ва ҳамшираларнинг барчаси бир неча йиллик бой тажрибага эга мутахассислардир. Шифокорлар сулоласининг давомчиси бўлган тиббий хизмат майори Ш.Хушвақов ҳам ана шундай ўз соҳасининг асл билимдони. Унинг ота-онаси ҳам шифокор, шунинг учун бўлса керак барча фарзандлар улар изидан боришган. Самарқанд давлат тиббиёт институтини муваффақиятли тугатган Шукур ака 1995 йилда артиллериячилар қисмида тиббиёт пункти бошлиғи сифатида ўз ҳарбий шифокорлик фаолиятини бошлаган. Ҳозирга қадар ҳам шу вазифада бекаму кўст хизмат қилиб келмоқда.

– Ёшлигимда оиламиз даврасида тўпланиб ўтирганимизда, – дейди у, – асосий мавзу тиббиёт ҳақида бўларди. Болалигимда шу касбга меҳр қўйдим. Институтда устозлардан олган билимларимни турли шифо масканларида, амалиётда синаб бордим. Соҳамга тегишли кўп нарсани отамдан ўрганганман. Ҳозир ҳам оиламиз бир жойга тўпланса, фақат шу соҳа ҳақида гаплашамиз. Бир-биримизга маслаҳат берамиз, турли касалликлар устида фикрлашамиз. Ҳарбий соҳада хизмат қилаётганимдан фақатгина фахрланаман. Ўз устимда тинимсиз меҳнат қилиб, посбонлар саломатлигини сақлаш, касалликлар олдини олишга ҳаракат қиламан. Кўпроқ тиббиётга оид китобларни ўқиб тураман. Бир беморга ташхис қўйдимми, албатта адабиётларга юзланиб, хатога йўл қўймадимми, деб ўзимга савол бераман. Қўл остимда хизмат қилаётган шифокор ва ҳамшираларга ҳам доимо шуни уқтириб бораман.

Қисм тиббиёт пунктида хизмат қилаётган тиббий хизмат капитани Олим Сохатов, қулоқ, бурун, томоқ шифокори Абдуҳошим Эгамбердиев, санитар-йўриқчи кичик сержант Ҳасан Аминов ва кичик сержант Обид Нурхонов, ҳамширалардан кичик сержантлар Мунаввар Чоршанбиева, Жумагул Раҳмоновалар лавҳамиз қаҳрамонини устоз, деб билишиб, ундан кўп нарсани ўрганишганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Ҳа, бу соҳада хатога йўл қўйиш мумкин эмас, буни яхши англаган саломатлик посбонлари доимо ўз устларида ишлаб, малака ва тажрибаларини ошириб боришмоқда.

Ҳусниддин РАЖАБОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Истиқлол – тақдиримда

ҚАЛБИМ ФАХРУ ҒУРУРГА ТЎЛА



Ватанимиз мустақиллиги барча ёшлар қатори менга ҳам кенг имкониятлар эшигини очди. Менга юртимизнинг қутлуғ қадамжоларидан бирига айланиб улгурган кошона – Темурийлар тарихи давлат музейида ишлаш бахти насиб этди.

Ҳозирги пайтда Камолиддин Беҳзод номли Миллий рассомчилик ва дизайн институтининг музейшунослик гуруҳи аспирантурасида таҳсил олаяпман. Кўплаб тенгдошларимизнинг давлат грантлари асосида жаҳоннинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олиб, юртимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётганлиги ҳам истиқлол берган имкониятлар жумласидандир.

Мустақиллик шарофати билан тарихимиз, миллий қадриятларимиз, қадимий анъаналаримиз қайта тикланмоқда. Шахсан мен халқимиз ривожланиши тарихининг уйғониш даври – XIV-XV аср темурийлар даври маданиятини чуқур ўрганиб, турли сабаблар билан четга олиб чиқиб кетилган шу давр миллий бойликлари хорижий давлатларнинг қайси музейларида сақланаётганлигини аниқлаш, халқимизга, ёш авлодга шу ҳақда илмий асосланган маълумотлар бериш йўлида изланишлар олиб бораяпман. Бу – она Ватан олдидаги фарзандлик бурчимдир.

Дилафрўз ҚУРБОНОВА,
Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими.

Кузги чақирувга ҳозирлик

ЎҒЛОНЛАРГА МАТОНАТДАН САБОҚ БЕРИШАР

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар кенгашига қарашли Тошкент бирлашган техника мактабининг миллий армиямиз сафларига мутахассис кадрларни етказиб беришда ўз ўрни бор. Чақирилувчилар Қуролли Кучлар сафига ҳарбий хизматга боришдан аввал бу ерда ҳайдовчи-кранчилар, ҳайдовчи-электромоторчилар ва «ВС» тоифали ҳайдовчи мутахассислиги бўйича таълим олишади. Бу борада эса мактаб моддий негизида ўқитувчи ҳамда ўргатувчи усталар фаол хизмат қилиб келишмоқда. МК «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгаши қарорига биноан мактабни республикадаги намунали ўқув ташкилотлари сафига етказиш мақсадида 2006 йилдан эътиборан бу ерда жорий ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар лаборатория амалий машқ ва асосий ўқув биносининг томлари капитал таъмирдан чиқди. Ўқув биносининг тўртинчи қавати эса қайта таъмирланиб, замонавий ўқув дастгоҳлари билан таъминланди.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида мактаб жамоаси фаол меҳнат қилиб, кўпгина йўналишлар бўйича муваффақиятга эришдилар. Масалан, август ойининг бошида Чирчиқ шаҳрида курсантлар орасида уюштирилган ҳарбий амалий кўпкураш бўйича республика мусобақасида муваффақиятли иштирок этган Куломжон Қодиров спортнинг 9 турида ҳам ўз маҳоратини намойиш қилиб, республика чемпионлигини қўлга киритди.

Ҳозирги кунда ўқув гуруҳлари навбатма-навбат 100 км.лик марш машқларини бажаришмоқда. Куни кеча мактаб курсантлари полигонда жанговар қуролдан ўқ отиш машқини талабга кўра бажарди. Бундан ташқари курсантлар ўқув жараёнида ҳарбий қисмларга амалий ташриф буюриб, аскарлар ҳаёти ва хизмати билан яқиндан танишиб боришади. Бу эса ўз навбатида улар Қуролли Кучлар сафига борганда аскарлик ҳаётига тезроқ кўникиб кетишига ёрдам беради. Эътиборлиси шундаки, маҳалла оқсоқоллари, мудофаа ишлари бўлимлари ва «Ватанпарвар» фахрийлари мактабга ташриф буюриб, курсантлар билан мунтазам равишда суҳбат ўтказиб турадилар.

Мактаб қошида спортнинг амалий-техник турларини ривожлантириб, уларга ёшларни жалб этиш мақсадида автоспорт, автомодель спорти, картинг, мерганлик, курсантлар кўпкураши спорт секциялари фаолият юритмоқда. Ўз навбатида секцияларда маҳоратини оширган ўғлонлар спорт мусобақаларда ҳам зафар қучишмоқда. Автоспорт бўйича бир неча йиллар давомида ғолибликни қўлга киритиб келаётган Сергей Горбунов бугунги кунда мактабнинг намунали курсантларидан ҳисобланади. У 2006–2007 йилларда Марказий кенгаш томонидан авторалли бўйича ўтказилган чемпионатда кетма-кет биринчи ўринни эгаллаши ҳам буни исботлаб турибди.

– Картинг бўйича эса курсант Жамол Мирхолисов шу йил май ойида Тошкент шаҳри биринчилиги учун ўтказилган беллашувларда иккинчи ўринни эгаллади, – дейди биз билан суҳбатда мактаб бошлиғи Алишер Юсупов. – Автомодель спорт тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақасида ҳам ҳамиша Тошкент шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллаши бу ердаги ишларнинг самарали йўлга қўйилганини кўрсатади. 2007 йил июнь ойида Андижон шаҳрида бўлиб ўтган автомодель спорти бўйича республика биринчилигида мактаб спортчилари Темур Солиҳўжаев ҳамда Александра Шаркова иккинчи ўринни эгаллаб, пойтахт шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Боз устига курсантларимиз муддатли хизматни ўташ чоғида ҳам сафдошларига ўрнак бўлишмоқда. Шу туфайли собиқ курсантларимиз шарофати билан мактабимиз номига миннатдорчилик мактублари тез-тез келиб туради. Яқинда оддий аскар З.Муҳаммеджонов хизмат қилаётган қисмдан ташаккурнома келди. Бундай хатларни қўлга олганда эса йигитларга берган сабоғингиз бесамар кетмаганлигини қалбимизнинг туб-тубидан ҳис қиларкансиз, янада касбингиздан фахр ҳиссини туюшингиз шубҳасиз. Мактаб жамоаси жамоат ташкилотлари билан алоқани яхши йўлга қўйган. Айниқса, Мирзо Улуғбек тумани «Бўз» маҳалласи оқсоқоли Зикрилло Мазмурзаев боғчилигидаги нуронийлар бу ерга келиб, курсантлар билан доимо мулоқот қилиб туришади.

Ҳа, айни пайтда истеъфодаги полковник Рихсибой Солихов, Михаил Кошман, Мурод Эшов, Эргаш Раҳимбоев каби етакчи устозлардан сабоқ олаётган йигитлар катта ҳаёт остонасида кўплаб ютуқларни қўлга киритиши баробарида мактабда олган билимлари бесамар кетмаётганлигини амалда исботлашмоқда. Бу эса мактаб ўз олдига қўйган вазифаларга эришаётганлигининг амалдаги исботидир.

Комилжон ҲАСАНОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Инсонийлик мезонлари

МЕҲР БИЛАН ГЎЗАЛДИР ОДАМ

Телефоннинг кетма-кет жиринглашидан бўлим навбатчиси ҳушёр тортди. Ҳамшира Малика Ходиева гўшакни оларкан, «Ассалому алайкум, бу «тез ёрдамми?» деган ташвишли овоз қулоғига чалинди. У қўнғироқ қилувчига тезкорлик билан жавоб қайтараркан, ширин сўзини аямади. Унга тасалли бериб, беморнинг манзилгоҳини дафтарига қайд қилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай тез ёрдам кўрсатиш бўлими гуруҳи йўлга чиқди.

Тиббий тез ёрдам бўлими – шошилинч илмий марказнинг юраги ҳисобланади. Шунинг учун навбатчи гуруҳ зудлик билан тегишли манзилгоҳга етиб келишди. Вақт тиғиз, ҳар бир дақиқа ҳисобда. Навбатчи ҳамшира М.Ходиева бўлим бошлиғи Искандар Жайсанов ёнида туриб тиббий ускуналар ёрдамида беморга дастлабки муолажаларни қилишди. Қўшимча дори-дармонлар қўлланилди. Уларнинг барча уринишлари секин-аста ўз самарасини кўрсата бошлади. Беморнинг аҳволи бироз ўзгарганини сезгач, навбатчи ҳамширанинг елкасидан оғир юк ағдарилгандай бўлди.

Бундай воқеалар ҳамшира Малика Ходиеванинг кундалик иш фаолиятида тез-тез учраб туради. Тиғиз ва шошилинч вақтда у беморнинг кўнглини кўтариб, меҳрибончилик қилади. Беморни чалғитиш мақсадида унинг кўнглини кўтариб, дардини енгиллаштиришга ҳаракат қилади.

Ҳа, ҳаётда учраб турадиган фавқулодда ҳолатлар, ҳалокатлар ҳамда турли оғир хасталикларнинг олдини олиш учун доимо шай туриш ва биринчи бўлиб тиббий ёрдам кўрсатишни Малика ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди. Тиниб-тинчимаслиги туфайли дард билан олишаётган беморга худди яқин кишиси, қадрдонига қараётгандек бутун қалб қўрини бағишлашни одатий бир ҳол деб ҳисоблайди. Энг муҳими, беморда тезроқ соғайиб кетишига ишонч уйғота олади. Бу эса ҳамширадан маҳорат ва тажриба талаб этади, албатта.

Ўз касбининг фидойиси Малика Ходиева зиёли оилада туғилиб улғайди. Ота-онаси қунт ва сабот билан билим эгаллаш, одамлар билан доимо хушмуомалада бўлиш ва ҳалол яшаш энг яхши фазилатлар эканлигини фарзандларига уқтириб борди. Халқ маорифи аълочиси Одил ака Ходиев умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган инсонлардан. Ҳозир у 80 ёшда, кексалик гаштини сурянти.

Кунларнинг бирида чекка қишлоқда яшаётган Одил ака бетоб бўлиб, кўп қийинчиликлар билан тиббиёт пунктига келтирилди. Йўл-йўлакай анча азият чекди. Шунда отахон қизининг келгусида халқ саломатлиги йўлида хизмат қилишини орзулади. Маликада шифокорлик касбига нисбатан қизиқиш уйғота олди.

Малика мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач, Жиззах тиббиёт билим юртига ўқишга киришга муваффақ бўлди. Қизғин талабалик йилларида ўқиб-ўрганиш ва изланишдан асло чарчамади. Билим даргоҳининг жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. Синов имтиҳонлари ҳам ортда қолди. 1975 йили билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлагач, республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг тез тиббий ёрдам бўлимида ҳамшира бўлиб меҳнат фаолиятини бошлади. Олий тоифали мутахассислар – кардиолог Раҳматулла Маҳмудов, ҳамшира Наима Абдураҳмонова ва фельдшер Шермат Бердимурадовлар ёрдамида малакасини ошириб борди. Ҳаётда учраб турадиган турли жароҳат, нохуш ҳодисалар, куйиш ҳоллари ва шу каби кўнгилсизликлардан кейин беморларнинг саломатлигини тиклаш мақсадида ўқиб-ўрганиш, изланиш ва меҳнат қилишдан бир дам ҳам тўхтамади. Бунинг учун эса шошилинч ёрдам кўрсатиш бўлимида беморларга тўғри ташхис қўйиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва зарур шарт-шароитларнинг мавжудлиги ғайратига ғайрат қўшиб юборди.

– Эндигина ишга келган кезларим эди. Навбатчиликдаги бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди, – дейди Малика опа биз билан суҳбатда. – Кутилмаганда йўлда беморнинг нафаси қисиб, аҳволи оғирлаша бошлади. Илмий марказгача бўлган масофа эса узоқ. Вақтни бой бермаслик учун гуруҳимиз аъзолари сунъий нафас олдириш учун зарур чораларни кўра бошлашди. Бутун аъзойи баданим қалтираб, пешонамдан совуқ тер томчилари қуйилиб кела бошлади. Устозим Эркин Эрматовнинг огаларча маслаҳати ва йўл-йўриқларидан сўнг ўзимни қўлга олдим. Бемор реанимация бўлимига келтирилгандан кейин аҳволи яхшиланганлигини сезгач, кўнглим ёриша бошлади.

Олий тоифали ҳамшира, «Шуҳрат» медали соҳибаси Малика Ходиева мана ўттиз икки йилдирки

20 АВГУСТ, ДУШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.45 ТВ анонс.
8.50 Олтин мерос.
9.00 «Юртим бўйлаб» дастури.
9.20 1. «Ишбилармон кишилар».
2. «Бахт ўзи нима?» Мультфильм.
11.00 «Ахборот».
11.20 «Одами эрсанг...»
11.40 «Самарқанд — 2750».
11.45, 12.50 «Соғинч».Спектакль.
13.45 Вилоят наволари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.20 «Ватанпарвар».
16.20 Самарқанднинг 2750 йиллиги олдидан. «Йўлдаги суҳбатлар».
16.45 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Ҳаёт ва қонун».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.45 «Агар Сиз»
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Пойдевор». 7-қисм.
18.45 «Сизнинг адвокатингиз».
18.50, 21.40 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним!»
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.05 «ТВ-шифокор».
20.10 «Уч бека». Сериал.
21.00 «Ахборот».
22.10 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал премьераси (Корея).
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 Миллий сериал: «Уч». 6-қисм.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ўзбекистон замонавий миниатюраси».
00.30 «Чемпион сирлари».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 Олтин мерос.
01.35 «Соғинч». Спектакль.
03.30 «Йўлдаги суҳбатлар».
03.55 Дунё иқлими.
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 Миллий сериал: «Пойдевор». 7-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

17.55 Дастурнинг очилиши.
18.00 «Нафосат олами». Рассом Жавлон Умарбеков ижодидан.
18.10 «Якшанба нонуштаси».
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «UzEX хабарлари» (рус ва инглиз тилларида).
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
20.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланади:
«Биз киммиз?»
20.30 «Ёшлик наволари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.40 «UzEX хабарлари».
21.45 «Ҳеч нима ҳақида битиклар».
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

17.55 Мультфильм.
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.25, 20.15 «ТВ-юрист».
19.30 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Между небом и землей».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 20 август куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
18.00 Болалар спорти.
18.20 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Ким нимага қодир?»
19.10 «Жди меня».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 «Тимбукту. Главное — добраться до цели». Документальный фильм.
21.00 «Тет-а-тет».
21.10 Футбол шарҳи.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные». Сериал.
22.50 Бокс. WBO йўналиши Осиё пасифик чемпионлик жанги. Қувончбек Тойганбоев — Звади Пуртцхванидзе.
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

21 АВГУСТ, СЕШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 1. «Уйла! Изла! Топ!»
2. «Ёрилтош». Видеофильм.
9.50 «Остонаси тиллодан».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 6-қисм.
11.55 «Самарқанд — 2750».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
12.10 «Мен туғилган юрт». 1-қисм.
12.25 «КиноТеатр».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
13.45, 17.15 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури.
15.10 «Шарқ тароналари».
15.30 «Ҳаёт манзаралари».
15.40 «Интеллектуал ринг».
16.25 Самарқандниг 2750 йиллиги олдидан. «Регистон».
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.25 «ИИВ хабарлари».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.45 «Ҳудуллар ҳаёти».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Пойдевор». 8-қисм.
18.40 «Банк ва бизнес янгиликлари».
18.50 «Бу менинг Ватаним!»
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Уч». 7-қисм.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури: «Қишлоқ аёли».
00.30 «Муқаддас қадамжолар».
00.50 «Самарқанд — 2750».
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.30 «Регистон».
02.45 «Ҳаёт манзаралари».
02.55 «Дунё иқлими».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «KINOMANIYA».
03.40 «Истеъдод».
04.00 «Ахборот».
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 Миллий сериал: «Пойдевор». 8-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Галактика» маърифий дастури.
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Интерфутбол».
11.50 «Чемпион сирлари».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Иқлим».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Бу байрам — барчамизники!»
13.20 «Нафосат олами». Рассом Акмал Жамолов ижодидан.
13.30 «Қалдимий ва афсонавий Марғилон!» 1-қисм.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
15.50 «Иқлим».
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Сардор».
16.45 Ёшлар симфонияси.
17.00 «Мўъжизавий дунё».
17.50 «Мурувват».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «JOKER» телелотереяси.
20.20 «Эрта сўнган юлдузлар».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан сешанба 21 август куни «Toshkent» телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 17.50 дан бошлайди.
17.55 Мультфильм.
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.25, 20.15 «ТВ-юрист».
19.30 «Мусиқа-SMS».
19.50 «Ҳимоя».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
21.45 «Уйларим».
22.10 «Автоголы и приколы».
22.45 «Кино-SMS со звездами».
22.50 Кино: «Бой с тенью».
00.40 «Хайрли тун, шаҳрим!»

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Фазенда».
11.15 Всемирная универсиада. Церемония закрытия.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Вокруг света».
19.35 «Халқ ўйинлари».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Ашанти. Вождь, золото и король». Документальный фильм.
21.05 «Спорт — менинг ҳаётим».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные». Сериал.
22.50 Еврофутбол. Испания суперкубоги. «Реал» (Мадрид) — «Севилья».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

22 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40, 13.45 Олтин мерос.
8.50 «Еттинчи жин». Фильм.
9.55 «ИИВ хабарлари».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 7-қисм.
11.55 «Мен туғилган юрт». 2-қисм.
12.10 «Ягона оилада».
12.30 «Одамлардан бири».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Сериал.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ноилож сайёдлар».
15.10 Самарқандниг 2750 йиллиги олдидан. «Йўлдаги суҳбатлар».
15.35 «Шарқ тароналари».
15.45 «Нон қадри».
16.05 «Бу менинг Ватаним!»
16.35 1. «Бизнинг кутубхона».
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Эски альбом.
17.20 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
17.40 «Марғилон — 2000».
17.45 «Аёл ва жамият».
18.05 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Тақдир йўллари». 1-қисм.
18.45 «Сизнинг адвокатингиз».
18.55 «Ватан фидойилари».
19.00 «Боқий Самарқанд». 1-қисм.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал. (Якунловчи қисм).
23.10 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
23.20 «Уч». 8-қисм.
24.00 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури.
00.30 «Самарқанд — 2750».
00.35 «Боқий Самарқанд».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.30 «Ватанпарвар».
03.30 «Водий дурдонаси».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 Миллий сериал: «Тақдир йўллари». 1-қисм.
05.45 Тонги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Галактика» маърифий дастури.
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «ВАТАНПАРВАР».
11.20 «Мурувват».
11.30 «Journal» (инглиз тилида).
11.50 «Чемпион сирлари».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Бу байрам — барчамизники!»
13.20 «Нафосат олами». Рассом Алишер Аликулов ижодидан.
13.30 «Қалдимий ва афсонавий Марғилон!» 2-қисм.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Сардор».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Камолот» хабарлари.
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал.
20.10 «СПОРТЛОТО».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 Дни летних каникул.
10.20 «Ҳимоя».
10.30, 12.15 «ТВ-юрист».
10.35 «Аёл қалби».
10.50, 18.45 «Шукрона».
10.55 «Мусика-SMS».
11.25 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.55 «Репортаж».
12.05 «Саломат бўлинг».
12.25 «Бой с тенью».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Анонс».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Тог ҳавоси».
22.50 Кино: «Белый шквал».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы»)
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Фазенда».
11.15 «Жизнь и природа». Документальный фильм.
11.35 Мини-футбол. «Кучлилар кубоги». Ярим финал.
15.50 Футбол. Олимпиада сараласи учрашуви. Жанубий Корея — Ўзбекистон. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
Танаффусда «Тет-а-тет».
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Вокруг света».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан: «Ўзбек спортининг 16 фасли».
21.10 «Тақдир чизгилари».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные». Сериал.
22.50 Еврофутбол.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

23 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 1. «Болалар дунёси».
2. «Бувим ёпган нон». Видеофильм.
9.50 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Сизнинг адвокатингиз».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 8-қисм.
11.55 «Самарқанд — 2750».
12.00 «Ахборот» (инглиз тилида)
12.10 «Наманган ширмойлари».
12.20 «Таълимга эътибор — келажакка эътибор».
12.40 «Минг бир ривоят».
12.50 «Муҳаббат гўшаси». Телесериал. (Якунловчи қисм).
13.45 Олтин мерос.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.20 «Боқий Самарқанд». 1-қисм.
15.40 «Умр мазмуни».
16.00 «Бу менинг Ватаним!»
16.30 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 «Имконият».
17.35 «Шифокор қабулида».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.10 «Тақдир йўллари». 2-қисм.
18.40 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Азизим».
19.00 «Боқий Самарқанд». 2-қисм.
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Бу менинг Ватаним!»
22.10 «Нотаниш полвон». 1-қисм.
23.00 «Уч». 9-қисм.
23.40 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
23.50 «Оҳанрабо».
00.30 «Самарқанд — 2750».
00.35 «Боқий Самарқанд».
01.00 «Ахборот» (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.30 «Мўйқалам сеҳри».
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида).
03.10 «Назм ва наво».
03.35 «Қишлоқ ҳаёти».
04.00 «Ахборот».
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Бу менинг Ватаним!»
05.15 «Тақдир йўллари». 2-қисм.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!» Мультсериал.
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Галактика» маърифий дастури.
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Келажак овози» ёзги оромгоҳи.
10.50 «Автопатруль».
11.10 «Меъёр соғлиқ гарови».
11.30 «Эрта сўнган юлдузлар».
11.50 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
13.00 «ДАВР».
13.15 «Бу байрам — барчамизники!»
13.20 «Нафосат олами». Рассом Шокир Зокиров ижодидан.
13.30 «Қалдимий ва афсонавий Марғилон!» 3-қисм.
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Сардор».
16.45 «Истиқбол тимсоллари».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «Сифат белгиси».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «KINOMANIYA».
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Ёшлик наволари».
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа».
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 Дни летних каникул.
10.20 «Хор жамоасининг концерти».
10.30, 12.00 «ТВ-юрист».
10.35 «Мисли гавҳар».
10.45 «Интервью».
10.55 «Шукрона».
11.30 «Туризм ҳақида».
12.10 Кино: «Белый шквал».
17.55 Мультфильм.
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Иқтисод-ревю».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Автоголы и приколы».
22.50 «Крутая компания».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Фазенда».
11.15 «Учрашув».
12.15 Мини-футбол. «Кучлилар кубоги». Ярим финал.
18.00 Болалар спорти.
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.50 «Мониторинг».
19.10 «Гейм-Сет-Матч».
19.40 «Шарқ яккакурашлари».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.45 «Ицукусима. Говорящая природа Японии». Документальный фильм.
21.00 Кураш. Республика турнири.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные». Сериал.
22.50 Еврофутбол.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

24 АВГУСТ, ЖУМА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 «Гўзал Ойсулув ҳақида эртак». Бадиий фильм.
9.50 «Табаррук замин».
10.10 «Уч бека». Телесериал.
10.45 «Самарқанд — 2750».
10.50, 20.05 «ТВ-шифокор».
11.00 «Ахборот».
11.15 «Уч». 9-қисм.
11.55 «Куёшли ўлкам».
12.05 «Рангин дунё».
12.25 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили. «Эъзоз».
12.50 «Сўнги совға». 1-қисм.
13.45 «Зилол». Фольклор кўшиқлари.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Ноилож сайёдлар».
15.10 «Шарқ тароналари».
15.20 «Боқий Самарқанд». 2-қисм.
15.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
16.40 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
17.00 «Ахборот».
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Саломатлик» дастури.
17.40 «Стандарт ва сифат».
17.55 «Тақдир йўллари». 3-қисм.
18.25 «Минг бир ривоят».
18.30 «Ҳидоят сари».
18.50 «Сизнинг адвокатингиз».
18.55 «Йўлдаги суҳбатлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.10 «Уч бека». Телесериал.
21.00 «Ахборот».
21.40 «Самарқандниг мовий гумбазлари».
22.00 «Нотаниш полвон». 2-қисм.
22.40 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш).
22.50 «Уч». 10-11-қисмлар.
00.10 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Куёшли ўлкам».
00.30 «Дунё таомлари».
00.50 «Самарқанд — 2750».
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 «Янги кун».
02.30 «Самарқандниг мовий гумбазлари».
02.45 «Тараннум».
03.30 «Ўзбек спортининг 16 фасли».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.35 «Марғилон — 2000».
04.40 «Минг бир ривоят».
04.45 «Йўлдаги суҳбатлар».
05.10 Миллий сериал: «Тақдир йўллари». 3-қисм.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Галактика» маърифий дастури.
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос».
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Интерфутбол».
11.50 «Солиқ хизмати хабарлари».
12.00 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Иқлим».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Бу байрам — барчамизники!»
13.20 «Нафосат олами». Рассом Муҳаммад Фозилий ижодидан.
13.30 «Водий дурдонаси».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Сардор».
16.45 «Таълим ва тараққиёт».
17.00 «Мўъжизавий дунё». Илмий-маърифий сериал.
17.50 «Ёшлар симфонияси».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.50 «Иқлим».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Муҳаббат ва эҳтирос».
20.10 «Радиодан кўрсатамиз!»
20.20 «Ёшлик наволари».
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Дунё таомлари».
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 «SMS-мусиқа». Ёш ижрочилар танлови.
22.50 «Пуаро». Телесериал.
23.40 «Таскин».

ТОШКЕНТ

7.30 «Салом, Тошкент!»
8.35 «Эгизаклар». Телесериал.
9.05, 18.05 «Телекурьер-маркет».
9.25 Дни летних каникул.
10.20, 11.20 «ТВ-юрист».
10.25 «Шукрона».
10.30 «Мусиқа-SMS».
10.50 «Уйларим».
11.00 «Ихтисод-ревю».
11.10 «Интервью».
11.30 Кино: «Крутая компания».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
19.50 «Саломат бўлинг».
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Маърифат фидойилари».
22.50 «Слуга государев».

СПОРТ

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Хабарлар» (рус тилида).
8.20 Мультфильм.
8.30 «Малахов+».
9.30 «Детективы».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
10.20 «15-А» (Академия тенниса). Сериал.
10.45 «Фазенда».
11.15 «Ринг».
11.45 Мини-футбол. «Кучлилар кубоги». Ярим финал.
18.00 «Болалар спорти».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.30 «Хабарлар» (рус тилида).
18.55 «Поле чудес».
20.00 «Чужие тайны». Сериал.
20.50 «Дамас. Рай в пустыне». Документальный фильм.
21.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан: «Ўзбек спортининг 16 фасли».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 «Дела семейные». Сериал.
22.50 Еврофутбол.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

25 АВГУСТ, ШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.40 Олтин мерос.
8.50 «Шифокор қабулида».
9.20 «Мусиқа дунёси».
9.40 1. «Рангинкамон».
2. «Дидар».
10.20 «Уч бека». Телесериал.
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Уч». 10-11-қисмлар.
12.40 «Самарқандниг мовий гумбазлари».
13.00 «Сўнги совға». 2-қисм.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
15.25 1. «Уйла! Изла! Топ!»
2. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
16.35 «Шарқ тароналари».
16.55 «Меҳр кўзда».
17.35 «Саломатлик сирлари».
17.55 «Саёҳатга марҳабо!»
18.20 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
18.30 «Ахборот» (рус тилида).
18.55 Дунё иқлими.
19.00 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж.
20.55 ТВ-анонс.
21.00 «Ахборот».
21.35 ТВ-анонс.
21.40 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж (ёзиб олинган).
23.40 «Ўзбекистон дурдоналари». Самарқанд.
23.50 «Кўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш)
24.00 Миллий сериал: «Уч». 12-қисм.
00.40 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
00.45 Кўрсатувлар дастури.
00.50 ТВ-анонс.
00.55 Дунё иқлими.
01.00 «Ахборот». Информацион дастур (рус.).
01.30 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж.
03.30 «Замона дурдонаси».
04.00 «Ахборот». Информацион дастур.
04.30 ТВ-анонс.
04.35 Ватан ҳақида қўшиқлар.
04.45 «Саёҳатга марҳабо!»
05.10 Миллий сериал: «Тақдир йўллари». 4-қисм.
05.40 Тонгги наволар.

ЁШЛАР

7.00 «ЯНГИ ТОНГ».
8.00 «Даврнинг боласи».
8.15 «Сеними, шошмай тур!»
8.25 «Болалар табассуми».
8.30 «Галактика» маърифий дастури.
9.20 «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал (якунловчи қисм).
10.00 «ДАВР».
10.15 «Бизнинг байрам!»
10.20 «Ниҳол» мукофотини топширишга бағишланган тантанали маросим.
11.40 «Бунёдкор ёшлар».
12.00 «SMS-мусиқа».
12.10 «Ишкомли уй». Телесериал.
12.50 «Иқлим».
13.00 «ДАВР».
13.15 «Бу байрам — барчамизники!»
13.20 «Радиодан кўрсатамиз!»
13.30 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига: «Самарқанд жавоҳирлари».
14.00 «ЯНГИ КУН».
15.00 «Пуаро». Телесериал.
16.00 «ДАВР».
16.15 Миллий сериал: «Сардор».
17.00 «Йўллар ва таассуротлар».
17.20 «Тараққиёт сари».
17.40 «Чемпион сирлари».
18.00 «Даврнинг боласи».
18.15 «Сеними, шошмай тур!»
18.25 «Ватаним!»
18.30 «Мумтоз наво».
18.40 «Каталог».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Биз киммиз?»
19.50 «Бунёдкор ёшлар».
20.10 «Дилроз». Мусиқий дастур.
20.40 «Бу байрам — барчамизники!»
20.45 «Эълонлар».
20.50 «Ишкомли уй». Телесериал.
21.35 «Бешик».
21.55 «Мангуликка муҳрланган мустақиллик».
22.00 «ДАВР».
22.30 Жаҳон киноси: «Зорро ниқоби».

ТОШКЕНТ

11.55 Кино: «Слуга государев».
17.55 «Афиша».
18.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Шукрона».
18.50 «Эгизаклар». Телесериал.
20.00, 22.30 «Пойтахт» (рус.).
20.15 «Мысли вслух».
20.20 «Необузданная Африка».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
22.10 «Истеъдод».
22.50 Кино: «Хороший год».

СПОРТ


7.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
7.50 «Бодрое утро».
8.50 «Хабарлар» (рус тилида).
9.10 Мультфильм.
9.20 «Смак».
9.55 «Живой мир». Научно-популярный фильм.
10.45 «Фазенда».
11.15 «Находя друзей». Фильм.
12.40 «Жаҳон спорти юлдузлари».
13.00 Кураш. Республика турнири.
13.30 «Хочу знать».
13.50 «Путешествия натуралиста».
18.00 «Жасур болалар».
18.30 Хабарлар» (рус тилида).
18.50 Мусиқий тайм.
19.10 «Файзли ошхона».
19.40 «Фоторевю».
20.00 «Звездный матч».
20.20 «Стиль».
20.35 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан: «Ўзбек спортининг 16 фасли».
20.55 «Антракт».
21.00 SMS-РИНГ.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тилида).
21.50 SMS-комедия.
23.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» — «Навбаҳор».
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

26 АВГУСТ, ЯКШАНБА

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 Олтин мерос.
«Болалар сайёраси»:
8.45 Миллий кино: «Семург».
9.55 ТВ-анонс.
10.00 Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимдан репортаж (ёзиб олинган).
12.00 «Заковат».
13.05 «КиноТеатр».
13.30 Миллий кино: «Мафтунингман».
14.50 Ўзбек мумтоз куйлари.
«Болалар сайёраси»:
15.00 Миллий кино: «Қайдасан, Оймомо?»
16.20 «Интеллектуал ринг».
17.05 «Шошмақом». Мусиқий фильм.
17.55 «Ҳамон ёдимда».
18.15 «Минг бир ривоят».
18.20 «Ҳамон ёдимда»
18.40 Олтин мерос.
18.50 «Денгиздан томчи».
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 ТВ-анонс.
20.10 «Уч бека». Телесериал (Якунловчи қисм).
20.50 «Дунё иқлими».
21.00 «Таҳлилнома».
21.45 ТВ-анонс.
21.50 «Шарқ тароналари» VI Халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимидан репортаж.
23.50 Тунги наволар.
«O'zbekiston».
24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «

ҲАРБИЙ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРНИНГ ЎРНИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз Миллий Армиямиз ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан «Ватан ҳимоячиларига байрам табриги»да бу масалага яна бир бор тўхталиб ўтдилар. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, армияни профессионал жанговар тайёргарликка эга бўлган, энг оғир вазиятларда ҳам ўзини йўқотмай, Ватан ҳимояси учун жон фидо қилишга тайёр, маънавий-руҳий кучга эга бўлган офицерларни қайси ташкилот ёки муассаса тайёрлаб беради? Албатта, мамлакатимиздаги мавжуд ўрта махсус ва олий ҳарбий билим юртлари.

Маълумки, ушбу ўқув муассасаларида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Демоқчимизки, кадрлар тайёрлаш ва уларни ўқитишда курсантларнинг жисмоний тайёргарлиги билан бир қаторда кўпроқ маънавий-руҳий томондан кучли, билимдон, иродали, одоб-ахлоқли, ўз ҳуқуқини яхши англаган, сиёсий маданиятга эга офицер кадрларни етказиб беришга жиддий эътибор берилмоқда.

Ана шундай мард, жасур, ўзида, руҳиятида қаҳрамонлик ва ватанпарварлик туйғуларини мужассамлаштирган офицер кадрларни вояга етказишда махсус техник фанлар билан бир қаторда ижтимоий фанларнинг роли беқиёсдир. Шу боис, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида барча техник, гуманитар ва ижтимоий фанлардан курсантларга таълим-тарбия бериш бир бутун жараён ҳисобланади. Билим юрти раҳбарияти ижтимоий фанлар кафедраларининг обрў- эътиборини янада кўтаришга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Улар тез-тез кафедра йиғилишларида профессор-ўқитувчилар билан суҳбатлашиб, келгуси ишлар режаларини муҳокама қиладилар, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишадилар. Зеро, ижтимоий фанлардан курсантларга сабоқ бериш билим юрти олдида турган улуғвор мақсадга, яъни армиямиз сафига ҳеч бир мамлакат ҳарбийларидан қолишмайдиган, керак бўлса улардан ҳам устунроқ, профессионал кадрларни етиштириб беришга қаратилган. Масалан, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедрасининг фаолиятга бир назар ташлайлик. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни замон талаблари даражасида бажариш учун курсантлар орасида таълим-тарбия ишларини анча жонлантириб юборганлар. Улар ҳар бир дарсга зўр иштиёқ билан тайёргарлик кўрган ҳолда давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсати мазмун-моҳиятини курсантлар орасида тарғиб қилишга баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу фалсафа ёки маънавият асослари, иқтисодиёт ёки шарқшунослик, тарих ёки сиёсатшунослик...қўйингки ўқитилаётган барча фанлардан берилаётган сабоқлар мафкуравий мазмунга йўғрилган. Сабаби, мустақиллик йилларида ижтимоий фанлар нафақат сон жиҳатидан балки, сифат жиҳатдан ҳам ўсди, янгиланди, уларнинг мавқеи, обрўси янада ошди.

Билим юртининг ижтимоий фанлар бўйича профессор-ўқитувчилари давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон-келажаги буюк давлат», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно, ақлли ва албатта бахтли бўлишлари шарт» каби сўзларини педагогик ва илмий фаолиятларининг асоси деб биладилар. Шу боис, кафедрадаги барча фанларни ҳозирги талаб даражасида ўқитиш учун керакли услубий қўлланмалар, стендлар, плакатлар, тарқатма материаллар, техник воситалардан унумли фойдаланилади. Бу ўз навбатида курсантларни умуминсоний ва миллий қадриятлар тамойиллари асосида тарбиялашга яқиндан ёрдам беради. Кафедра ўқитувчилари машғулотларнинг таъсирчанлигига ҳам алоҳида аҳамият бермоқдалар. Кафедрадаги таълим-тарбия жараёни кўпроқ дарсдан ташқари яъни, курсантларнинг мустақил тайёргарлик соатларига кўчириб олиб борилиши амалда ўзини оқлаб келаётган усулдир. Бу соатларда ўқитувчи курсантларга янада яқинлашади, уларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари, кечинмаларидан воқиф бўлиб, уларга керакли маслаҳатлар ва тавсиялар беради. Бу ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Деярли барча курсантлар илмий иш ва рефератлар ёзиш билан банд бўлишиб, билим юрти ёки республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий конференцияларнинг фаол қатнашчиларига айланмоқдалар. Бу борада профессор Ж.Жабборов, тарих фанлари номзоди, подполковник Р.Юлдашев, доцент Н.Ҳакимова, катта ўқитувчилар – З.Абдураззоқова, Н.Саидибоев, М.Нормуродова, Ф.Узоқоваларнинг саъй-ҳаракатлари диққатга сазовордир.

Ҳа, педагогика бу ижодий жараён. Ҳар куни янгилик яратишни, уни тингловчиларга етказишни тақазо этиб туради. Шу боис, дарс жараёни бошқарувчиси бўлган педагог унчалик аҳамиятли бўлиб кўринмаган ҳолатларга ҳам эътибор бериши зарур. Айтмоқчимизки, дарс бошқарувчиси ҳар сафар тингловчилар олдида назарий, руҳий тайёргарликдан сўнг пайдо бўлиши керак. Унинг кайфияти, кийиниши, ўзини тутиши, ҳар бир сўзи тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини унутмаслиги лозим. Буни эса кафедрамиз ўқитувчилари яхши биладилар. Улар ўқув жараёнига янги инновацион педагогик технологияларни олиб кириш мақсадида билим юрти шароитига мос усулларини қўллаб, очиқ маъруза ва амалий машғулотлар ўтказишга астойдил киришганлар. Бу жараённинг энг эътиборли томони шундаки, ўқитувчиларимиз педагогик технологияларнинг у ёки-бу усулларидан фойдаланибгина қолмай, ўзлари ҳам янги педагогик усулларини яратиб, дарсларга олиб кирмоқдалар. Шу тариқа «Ўргимчак уйи», «Тўп отар», «Арқон учи» каби усуллар пайдо бўлди. Илғор курсантларни ўзлари ўз гуруҳларида дарсни бошқариб боришга жалб қилиниши улардаги командирлик ва тарбиячилик қобилиятларини юзага чиқаришга ёрдам бермоқда. Лекин, шу нарсани аҳлоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Йиллар мобайнида ўзини оқлаб келаётган таълим-тарбия беришнинг анъанавий услубларидан бутунлай воз кечилгани йўқ. Улар янги педагогик инновацион усуллар билан уйғунлаштирилиб, муштарак ҳолда қўлланилмоқда. Кафедра аъзоларининг мақсади битта, у ҳам бўлса, республикамиз Қуролли Кучлари сафига Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларнинг муносиб ворисларини етказиб бериш, Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилиш, давлат мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қодир профессионаллар, офицер кадрлар билан таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадларни замон талаблари даражасида амалга ошириш учун кафедрамизнинг ҳарбий билим юртлари, шунингдек республикамиздаги бошқа олий таълим муассасаларининг гуманитар ва ижтимоий фанлар кафедралари билан алоқаларни кенг йўлга қўйиши, тажриба алмаштириши юксак маҳоратга эга офицер кадрларни вояга етказишда яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Қодиржон ОФАРИНОВ,
фалсафа фанлари номзоди доцент.
Майор Мақсуд ТЎРАЕВ, катта ўқитувчи.

Истиқлол – тақдиримда

ДИПЛОМАТ БЎЛМОҚЧИМАН



Айни пайтда пойтахтдаги 59-мумумтаълим мактабининг 11 синфида ўқиш баробарида Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги «Конфушия институти»да таълим олиб келмоқдаман. Бугун мамлакатимизда биз ёшларга жуда кўплаб имкониятлар яратилган. Буларнинг барчаси эса келажакда бизнинг етук мутахассис бўлишимизга қаратилган. Айни пайтда биз бундан унумли фойдаланишимиз керак. 2007 йил менинг ҳаётимда туб ўзгаришлар даври бўлди, десам хато қилмаган бўламан. Биринчи навбатда 16 ёшга тўлганлигим муносабати билан Ўзбекистон фуқаролик паспортига эга бўлган бўлсам, йирик бир танловда иштирок этиб, фахрли ўринни қўлга киритишим мен учун янгиянги имкониятлар эшигини очиб берди. Мен Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан фахрланаман.

Паньчжоу университетида ўқиб юрган кезларимда ҳам мамлакатим номини ғурур билан тилга олардим. Шу мамлакатда ўқиб ўрганиб камол топаяпман. Келажакдаги режаларим улкан. Дипломат бўлишни ўз олдимга мақсад қилганман. Насиб этса, ўзим орзу қилган касбнинг эгаси бўлгач, Хитой ва Ўзбекистон ҳамкорлиги йўлида фаолият юритиб, мамлакатимиз тараққиётига ўз улушимни қўшсам, дейман. Бундай юксак маррани забт этиш учун эса бугун тинимсиз ўқиб изланишим керак.

Комронбек ОРТИҚОВ.

ҚАДИМ ШАРҚНИНГ МЎЪТАБАР МАНБАСИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Асардаги айрим чизгилар, далиллардан келиб чиқиб, у тахминан 1518-1519 йиллардан бошлаб махсус асар сифатида ёзила бошланган деган хулосага келамиз. Аммо, унинг қораламалари, кундаликлар сифатидаги нусхаси мавриди билан ёзиб борилган.

Бобур ўз асарига "Бобурнома" деб ном бермаган. У уни "Вақойиъ" (Воқеалар) деб атаган. Бир рубоийсида ҳам буни эътироф этиб, асарининг қимматини таъкидлаб ўтган:

Бу олам аро ажаб аламлар кўрдум,
Олам элидин турфа ситамлар кўрдум,
Ҳар ким бу «Вақойиъ»ни ўқур,
билгайким.
Не ранжу не меҳнату не ғамлар кўрдум.

Бу рубоийда Бобур "Бобурнома" ўз ҳаёт йўлини ёритувчи, замон ва аҳли замон – инсоният борасидаги фикр-ўйларини ифодаловчи кўзгу эканлигини таъкидлайди. Турли адабиётларда у "Воқеоти Бобурий", "Тузуки Бобурий", "Таворихи Бобурий", "Бобурия", "Бобурнома" каби номлар билан аталади.

Муаллиф ушбу асарини асосан "Вақойиъ" деб тилга олган. Фақат икки ўриндагина "Тарих" деб атаган. Қизи Гулбаданбегим "Ҳумоюннома" асарида ҳам уни "Вақойиъ", "Воқеанома" деб эслайди. Аммо, "Бобурнома" нашрлари бундай номланмаган. Фақат XX асрнинг 40-йилларида Туркияда чоп этилган нусха "Вақойиъ" номи билан аталган. 2002 йил Тошкентда чоп этилган энг сўнгги нашр ҳам "Бобурнома" номи билан чиқди.

Назаримизда, бу хатони тузатиш фурсати етди. Асарни муаллифнинг ўзи номлаганидек "Вақойиъ" деб аташ ва нашр эттириш лозим.

"Бобурнома" 1494 йил, отасининг Ахси қўрғонида жардан қулаб вафот этиши ва Бобурнинг 12 ёшида Фарғона вилоятида подшоҳ бўлгани воқеаси тасвири билан бошланади. Ҳижрий 936 (милодий 1529) йил воқеалари тасвири билан якунланади.

"Бобурнома" – қомусий асар. Унда, аваламбор, 1494-1529 йиллар орасида Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон, Ҳиндистон каби улкан ҳудудда содир бўлган тарихий воқеалар ҳақида маълумот берилади. Муаллиф темурийлар таназзули, ўзбек хонларининг ҳукмронликни ўз қўлига олиши, темурийлар сўнгги вакилларининг тақдири, қисмати, ўй - кечинмалари, тож-тахт учун курашлари тарихи билан таништиради.

Ундан ташқари, асардан ўқувчи давлатчилик тарихи, бошқарув усуллари, ҳимояланиш ва ҳужумга ўтиш йўсинлари, давлатни мустаҳкамлаш йўриқлари, сиёсат юргизиш тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўлади.

Буюк ватандошимиз асарни ёзаётган даврда бу борада анча тажрибага эгалиги, сиёсатдон сифатида камолга етганлиги сезилади. Подшоҳлар фаолияти ҳақида сўзлар экан, уларнинг ютуқ ва камчиликларини билимдонлик ва донолик билан таҳлил этади. Ўзининг ютуқлари ва нуқсонларини машҳур подшоҳлар фаолияти билан қиёслайди. Мағлубият ва ютқизиқларининг сабабларини топишга ва уларни бартараф этишга уринади.

Бобур темурзодалар таназзулидан кўп қайғурган. Уларнинг хатоларини таҳлил қилган. Бу таҳлиллардан Бобурнинг табиати анча бошқача – жиддий, масъулиятли, жонкуяр эканлиги сезилиб туради. У Султон Ҳусайн Бойқаронн тадбиркор, ишбилармон, жасур, мард хонлардан деб билади. Унга эҳтиром билан қарайди. Ўғиллари – шаҳзодаларнинг ҳаётга енгил қарашлари, айш- ишратга берилишларини танқид қилади, афсусланади, улардан ранжийди: "Бу мирзолар андоқ ифрот била фисқ ва айшға машғул эдиларким, отасидек кордийда ва кордон подшоҳ тушчилик йўл келиб, рамазондек мутабаррак ва азиз ойға кечалик фурсат қолиб, отасидин ийманмай, тенгридин қўрқмай, ҳануз иши чоғир ичмак эди. Нашот била мажлисороқлиқ эди. Инбисот била муқаррардурким, мундоқ бўлғон киши андоқ шикаст топқай ва бу навъ ўтган элга ҳар ким даст топқай".

Баъзан Бобур тадбирлар кўришда ўзининг олдинги фаолиятларидан ҳам сабоқ чиқарганини кўрамиз. Хатоларининг яна қайтарилиб қолишининг олдини олишга ҳаракат қилган. Ҳар бир ҳукм чиқарганда чуқур, ҳар тарафлама ўйлаб мулоҳазакорлик билан иш юритганининг гувоҳи бўламиз: "Мулкгирликда ва мамлакатдорликда агарчи баъзи ишлар зоҳирда маъқул ва муважжаҳ кўрунур, вале ҳар ишнинг зимнида юз минг мулоҳаза вожиб ва лозимдур. Ушбу бир бемулоҳаза ҳукм қилғонимиздин не миқдор шўр ва фитналар қўпти. Ахир, Андижондин иккинчи навбат чиқғонимизга сабаб ушбу бетааммул ҳукм қилғонимиз бўлди".

Бу ўринда Бобур ўзининг хатосидан сабоқ чиқарганини англаймиз. Ўйлаймизки, бу каби сабоқ, ибратлар фақат Бобур учунгина эмас, балки келажак учун ҳам муҳим аҳамиятга молик.

Муаллиф "Бобурнома"да ўз фаолиятини ҳамиша таҳлил этиб борганини кўрамиз. Хатолари ҳақида ҳам, ютуқлари ҳақида ҳам ошкора сўзлайди. Хусусан, ютуқлари борасида эслар экан, объектив, асосли сўзлашга уринади. Жумладан, ўзининг 19 ёшида Самарқандни эгаллагани билан Ҳусайн Бойқаронинг Ёдгор Муҳаммад Мирзо қўлидан Ҳиротни олганини муқояса этади. Ва бу икки муҳорабанинг фарқини беш асос билан кўрсатиб беради. Ўзининг, биринчидан, ёш ва тажрибасизлиги, иккинчидан, ғаними Шайбонийхондек "пуртажриба" киши эканлиги, учинчидан, Самарқанднинг ички аҳволидан хабар етказувчи кишининг йўқлиги, тўртинчидан, ғанимнинг мустаҳкам қўрғонда ўрнашгани, бешинчидан, шаҳарни иккинчи келишда олаётгани эди.

Юқорида саналган фарқлар бизга Бобурнинг саркардалик салоҳияти, тадбиркорлик лаёқати ҳақида хулоса чиқаришимизга асос беради. У эришган ғалабанинг миқёсини, сиёҳигарчиликдаги ноёб қобилиятини кўрсатади.

Иқболой АДИЗОВА,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистон Миллий
университети доценти.
(Давоми бор).

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ ЙЎЛИДА

Ватан мустақиллигига эришилган илк кунларданоқ давлат ва жамиятимиз олдидаги устувор масалалардан бири сифатида маънавиятга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, айнан маънавиятда инсоннинг иймони, эътиқоди, ахлоқи, ички дунёси, фикрлаш тарзи намоён бўлади, нафақат бир киши, балки халқ, жамият, давлат ундан куч олади.

Ҳар соҳада бўлгани каби Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида ҳам юрт посбонлари ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчиларини маънавий-маърифий ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг билим савиялари ва интеллектуал салоҳиятларини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, ёш авлодни она юртга садоқат, халқи ва миллий қадриятларига эъзозу ҳурмат руҳида камол топтириш, Ватан равнақи ва тараққиёти олдидаги масъулиятини шакллантириш ва оширишда маънавий тарбиянинг ўрни беқиёсдир.

«...армиянинг куч-қудратини тўла намоён этиш учун аввало ҳарбийларимиз, аскар ва офицерларимиз – Ватан ва халқ ўз хавфсизлигини ишониб топширган мард ўғлонларимизнинг маънавий-маърифий тарбиясига алоҳида эътибор қатариш энг долзарб вазифамизга айланиши даркор», дейди давлатимиз раҳбари миллий армиямизни ҳар жиҳатдан қудратли, қурол-яроғ ва ҳарбий маҳорат бобида ҳеч кимдан кам бўлмаслиги ҳақида фикр юритар экан. Сўнгра ҳарбий соҳадаги маънавий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, ҳарбий хизматчилар онгу тафаккурига миллий истиқлол ғояси тамойилларини чуқур сингидиришга урғу берилган.

Мудофаа вазирлиги тизимида бу борада қилинган ижобий ўзгаришларнинг ёрқин тасдиғи сифатида илгари фаолият кўрсатган Маданий-маърифий ишлар хизматининг қамров, таъсир даражасини кенгайтириш, тизимга янгича усул ва услублар, ёндашувлар жорий этиш, мавжуд тажриба ва сабоқларни такомиллаштириш мақсадида Маънавият ва маърифат марказининг ташкил этилганини келтириб ўтиш жоиз. Демак, эндиликда ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг маънавий эҳтиёжларини қондириш бўйича маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, уларда маданият ютуқларига, адабиёт ва санъатга, миллий қадриятларга бўлган қизиқишларини ошириш, бу жараёнда фаол иштирок этишлари учун шароитлар яратиш, ижобий анъана ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, ҳарбий қисмларга маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришга йўналтирилган услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, ҳарбий қисм кутубхона хизмати сифатини ошириш, зиё масканларини янги бадиий асарлар, ижтимоий-сиёсий ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш, Қуролли Кучлар тарихи бўйича тадқиқот ва қидирув ишларини амалга ошириш, Қуролли Кучлар Марказий музейи ҳамда ҳарбий-тарихий музейларнинг ишини ташкил этиш, вазирликка қарашли мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ишларини ташкиллаштириш масалаларига раҳбарлик қилиш ва ёрдам кўрсатиш сингари вазифалар айнан марказ зиммасига юклатилган.

Маълумки, кенг оммани жалб қилиш, муайян йўналишга қизиқтириш ва бу борадаги фаолларни муносиб тақдирлашда ўтказилувчи турли танлов ва кўриклар муҳим аҳамиятга эга. Масалан, нафақат санъатсевар юрт посбонлари, балки кўпчилик ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун анъанавий тарзда ўтказилувчи «Мардлар қўриқлайди Ватанни» номли Умумармия қўшиқлари фестивали, «Балли, йигитлар» беллашуви севимли тадбирга айланган рост. Ёки халқ ижодиётига қизиқишни шакллантирувчи танловлар ҳамда тасвирий санъат кўргазмаларини олиб қарайлик. Юртимизнинг турли гарнизонларида хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари, уларнинг яқинлари ҳамда Қуролли Кучларимиз хизматчилари танловларда нафақат ҳаваскорлар, балки санъат олами билимдонлари сифатида иштирок этиб, ҳар йили янги-янги истеъдодлар қаторидан жой олишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда гарнизон офицерлар уйлари, ҳарбий қисм клуб ва кутубхоналари фаолиятини яхшилаш, уларни зарур адабиёт ва жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида сезиларли ишлар қилинди. Жумладан, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида кутубхонадан фойдаланишга бўлган қизиқишни янада кучайтириш, китобхон маданиятини ошириш ва дунёқарашини кенгайтириш, фаол ўқувчиларни ўрнак қилиш ва муносиб рағбатлантиришга қаратилган «Энг яхши китобхон» танловига тўхталиб ўтсак. Қувонарлиси, жорий этилганига кўп вақт бўлмаган ушбу танлов, ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Аёнки, бугунги кунда юрт посбонларига қўйилаётган талаблар юксак. Яъни, жисмонан бақувват бўлиши, ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини ўзлаштириши баробарида юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, ўз халқига садоқати каби олижаноб хусусият ва фазилатлари билан ажралиб туриши лозим, Ватан ҳимоячиси.

– Ҳарбийларнинг китоб ва журналлар, газета мутолаа қилишга бўлган қизиқиши ва эҳтиёжининг тобора ортиб бораётгани ҳар қандай кишини қувонтириши табиий, – дейди Тошкент гарнизони офицерлар уйи кутубхонаси мудираси Навбаҳор Жалилова. – Дейлик, ижтимоий-сиёсий тайёргарликка пухта ҳозирлик кўриш мақсадида келувчи ҳарбийлар кўпроқ сиёсий ва тарихий мавзудаги адабиётларни сўрашса, муддатли ҳарбий хизматчилар мумтоз ва чет эл асарлари дурдоналарини ўқишни хушлашади.

Келинг, бу борадаги фикрларнинг давомини «Энг яхши китобхон» танловида иштирок этиб, навбатдаги босқичга ўтган муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Жамолиддин Раҳматовдан эшитсак:

– Ёшлигимдан турли жанр ва мавзудаги асарларни ўқишга қизиқаман. Насрий ва назм йўналишидаги адабиётлар, ҳарб илми тўғрисидаги билимларимизни оширувчи ўқув қўлланмалари, қонуний ҳужжат ва даврий нашрларни доим мутолаа қилиб, олинган таассуротларни сафдошларим билан ўртоқлашаман. Бўш вақтларимдан унумли фойдаланиб, кутубхонамизда кўп бўлишим танловда менга жуда қўл келди. Таъкидлашни истардимки, ҳар қандай асарни ўқишда бутун диққат-эътиборни муаллиф бераётган фикрни илғаб олиш, ёритилаётган мавзу мазмун-моҳиятини тушунишга жалб этиш лозим. Шундагина китоб ўқиш ўқувчига ҳақиқий маънода фойда берган бўлади.

Ҳа, юрт посбонида юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, шакллантириш масаласи жанговар шайликнинг таркибий қисми сифатида ўз долзарблигини ва аҳамиятини йўқотмайди. Чунки, ҳарб илмини пухта ўзлаштириш, жисмонан чиниқиш билан бир қаторда юксак маънавият соҳиби бўлиш, ҳар бир Ватан ҳимоячисини том маънода ватанпарварга айлантиради.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Терроризм – аср офати

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ ОМИЛЛАРИ

Миллий истиқлол ғояси, мафкураси миллий ғурур, миллий ифтихорни тарбиялашга хизмат қилиб келмоқдаки, бу қалбларда эртанги кунимизга мустаҳкам ишонч ҳосил қилади. Олдимизга қўйган юксак марраларга, устувор мақсадларга етишишимизда муҳим аҳамият касб этади. Ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаслигимизга, ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизга замин яратади.

Аммо бир нарсани унутмаслигимиз лозим. Дунё нотинч, халқаро терроризм, диний экстремизм ва бошқа офатлар сабаб курраи замин чайқалиб турибди. Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳам бунга яна бир бор эътибор қаратиб, шундай дейди: «Биз бугун мураккаб ва нотинч замонда яшамоқдамиз. Марказий Осиё минтақасида ҳали-бери сақланиб қолаётган қалтис вазият, бутун дунёда давом этаётган низо ва қарама-қаршиликлар, тобора кўлами кенгайиб бораётган терроризм, экстремизм ва наркоагрессия хавфи бизда жиддий ташвиш уйғотмасдан қолмайди, албатта».

Бошимизга тушган фожиали воқеалардан яхши биламиз. Терроризм, экстремизм каби офатлар кўпроқ дунёқараши, мафкуравий иммунитети шаклланмаган, оқу қоранинг фарқига бормайдиган ёшларимизни ўзига жалб қилмоқда. Шу сабабли билиб-билмай, адашиб бу йўлга кириб қолиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда. Юртимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этиши барчамизга яхши маълум. Шу ўринда бир нарсага ҳам ойдинлик киритмоқ лозим. Хўш, бу ёвуз ҳаракатлардан кўзланган мақсад нима? Бу кимга ва нимага қарши қаратилган?

Аввало ўз юртига, ўз халқига қарши ёвуз ҳаракатларни кўр-кўрона бажарган, онги паст, калтабин, мияси заҳарланган ёшларни уларни бундайин қабиҳликка йўллаган ташкилотчи ва раҳнамоларидан ажратиш керак. Шунда масала моҳияти, юқоридаги саволлар ойдинлашади. Шундагина юртимизни, мақсад-муддаоларимизни кўролмайдиган, кўп йиллардан бери мамлакатимизга қарши қўпорувчилик ҳаракатларини олиб бораётган кучлар ва марказларни, уларнинг манфур қиёфалари ва ниятларини англашимиз мумкин.

Юқорида мафкуравий иммунитет, дедик. Келинг, шу тушунча атрофида бироз фикр юритайлик. Президентимиз бу борада тўхталар экан, шундай дейди: «Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмида унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур». Демак, ўз-ўзидан аёнки, мафкуравий иммунитет бегона, зарали ғоялар, мафкуралар билан тўқнаш келганда уларга нисбатан муносабатимизни,фикримизни билдира олишимиз, унга қарши курашда ғоявий, маънавий жиҳатдан тайёр бўла билишимиздир. Бунинг учун ҳар бир ёшда ўз мустақил, эркин фикри бўлмоғи керак.

«Ёшларни бузғучи ғоялардан асраш: муаммо ва ечимлар» китобида олимлар мафкуравий иммунитетнинг таркибий қисмларини қуйидагича белгилашади: мафкуравий огоҳлик, мафкуравий муносабат, мафкуравий ҳушёрлик, мафкуравий хавфсизлик, мафкуравий сафарбарлик, мафкуравий курашчанлик. Ана шу таркибий қисмлар бой маънавий-маърифий, ахлоқий мезонларимиз билан шаклланар экан, иммунитет ҳам кучая боради. Бунда биз миллий истиқлол ғоясига суянишимиз, таянишимиз мумкин. Шулардан келиб чиқиб, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантирмоқчи эканмиз, аввало бунда снёсий, педагогик-психологик маҳорат талаб қилинади. Демакки, тарғибот-ташвиқотда сийқаси чиққан усуллардан воз кечиб, ишонтириш усулини қўллаш, умуман суҳбат, маърузаларда фикримизни исботлайдиган далиллар тизимини ишлаб чиқиш керак. Шунингдек, ишонтириш методи бадиий ижод намуналари билан ҳамоҳанг бўлса, мақсадга мувофиқ. Масалан, турли клиплар ёрдамида ёки ижтимоий реклама усуллари кўмагида аср офати бўлган терроризм, экстремизмнинг жирканч қиёфасини кўрсатиш мумкин. Севимли эстрада хонандасининг бу мавзудаги клипини томоша қилган ёшнинг қалбида табиийки жирканч иллатларга, жиноятчи тўдаларга, вайронкор ғояларга нисбатан нафрат шаклланади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ишонтириш услубининг асосий шаклларитушунтириш, уқтириш, ғоявий-снёсий, ахлоқий мавзуларда суҳбатлар, маърузалар, мунозаралар ташкил этиш, учрашувлар уюштириш, бадиий асарлар, телевидение кўрсатувлари, театр спектакларини кўриш, таҳлил қилиш кабиларни қамраб олади.

Буюк келажагимиз, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз, Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи униб-ўсиб келаётган фарзандларга, ёшларимизга ҳар жиҳатдан боғлиқ. Демак, мустақил тараққиёт йўлимизни, эзгу орзу-мақсадларимизни кўролмайдиганлар улар онгини, қалбини тўла заҳарлашга улгурмасидан, забт этмасидан олдин мафкуравий курашнинг янада самарали усул-услубларини жорий этиш долзарб масалалар.

Шерзод ТОЛМАСОВ.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига

ЮНЕСКО МУКОФОТИГА САЗОВОР ҲУНАРМАНД



Кўҳна ва навқирон шаҳар бугун байрамона бир тусда. Амалга оширилган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари Марғилоннинг кўркига кўрк қўшмоқда.

Қадим-қадимдан Марғилон ҳунармандлар шаҳри сифатида Мағрибу Машриққа маълум бўлиб бўлиб келган. 1870–1875 йилларда Хўжа Саид Аҳмад бунёд этган ҳашаматли бинода бугун шаҳар ҳунармандлари жойлашган. Ўз даврида у инсон шаҳарда биринчилардан бўлиб саноат корхонасини ташкил этиб, замонавий асбоб-ускуналар олиб кирган. Нафақат Марғилон, балки юртимиз тараққиётига ҳисса қўшган илғор кишилардан бўлган. Маълум бўлишича, «ҳашаматли» дея таъриф этилаётган бинони бу зиёли инсон болалар таълим-тарбия олишлари учун қурдирган экан. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида эса бу бино турмага айлантирилган. Маълумотларга кўра, ҳатто унинг соҳиби ҳам бу турмада қулоқ сифатида муайян вақт ушлаб турилган. Хуллас, қаровсиз, ташландиқ ҳолатга келтирилган мазкур бино истиқлолга эришганимиздан сўнг, 1993 йилда таъмир этила бошланади. Президентимизнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейини нишонлаш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ бино капитал таъмирланиб, Миллий ҳунармандлар марказига айлантирилди.

Бугун ушбу мажмуада шаҳар усталарининг яратган ҳунармандлик ва халқ амалий санъати асарлари намуналаридан ажойиб кўргазмалар ташкил этилмоқда. Хуллас, мажмуа ажойиб бир масканга айланган.

Марғилон атласи бўйича машҳур усталарнинг еттинчи авлоди Расулжон Мирзааҳмедов 2005 йилда Осиё ва Тинч океани минтақаси ҳунармандлари ичида ЮНЕСКОнинг мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, машҳур уста Самарқанд ва Марғилон шаҳарларининг юбилейи муносабати билан Парижда ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган халқаро кўргазмада ҳам қатнашиб, муваффақият қозонди. Мутахассислар ва донғи дунёга кетган ҳунармандлар олдида Ўзбекистоннинг уста ҳунармандларга, бой маданиятга, санъатга эга эканлигини кўрсата билди. Яъни юз йиллар муқаддам тайёрланган, ҳатто унутилаёзган «аъло бахмал» дея номланувчи атласни кўз-кўз қилиб, кўпчиликнинг ҳавасини, ҳайратини келтирди.

– Буларнинг бари истиқлол самараси. Мустақиллигимиз сабаб шаҳримизда ҳунармандлар мажмуаси тўлиқ таъмирланиб, усталар ихтиёрига берилди. Миллий ҳунармандчилигимиз шаклланишига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилмоқда, – дейди Р.Мирзааҳмедов.

Дарвоқе, мазкур ҳунармандлар мажмуасида Марғилоннинг юбилейига бағишлаб ташкил этилган кўргазмада «Ташаббус–2007» кўрик-танловининг «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси ғолиби Матлубахон Исмоилованинг иштироки кўпчиликнинг хотирасида узоқ сақланиши турган гап. Негаки, қўлигул ҳунарманд аждодлардан мерос санъатни –қирқ хилдаги турли ҳажмли ажойиб гиламларни намойиш этди.

Марғилондаги Жаҳон Отин Увайсий номидаги тўгарак ёшларнинг миллий истиқлол ғояларига садоқат, адабиётга, санъатга, маданиятга муҳаббат руҳида камол топишларида муҳим ўрин эгалламоқда. Буни мазкур тўгарак аъзолари бўлган Дилфуза Содиқова, Наргиза Охунова ва Нилуфар Абдуғаниеваларнинг Зулфия номидаги давлат мукофотларига сазовор бўлишганида ҳам кўриш мумкин.

Истиқлолнинг 16 йиллик айёми ва шаҳарнинг 2000 йиллик тўйи шукуҳи кезиб юрган шу кунларда Марғилонга ташриф буюрсангиз, бунёдкорликлардан қалбингиз нурафшон бўлади.

Сафар АЛИЕВ.

Истиқлол – тақдиримда

ҲУРЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТ



– Мен Қуролли Кучларимиз сафида эр йигитлар билан бир сафда юртим тинчлиги, Ватаним ҳимояси, халқим осойишталиги йўлида хизмат қилаётганимдан ғурурланаман. Бу ғурурни менга истиқлол берди. Ҳа, айнан мустақиллик туфайли биз – ўзбек аёллари ҳам барча соҳаларда жавлон уриб, юртимиз равнақига, унинг гуллаб-яшнашига ўз муносиб ҳиссамизни қўшяпмиз. Менга истиқлол берган имкониятлардан яна бири сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиб, соҳа сир-асрорларини мукаммал эгаллаганимдадир. Менинг хизматларим ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланиб келинмоқда. Бу менга янада шижоат бағишлаб, истиқлолнинг бир қизи, ҳимоячиси сифатида жўшиб хизмат қилишимга руҳлантирмоқда.

Кичик сержант
Муҳайё НЕЪМАТОВА,
«Шуҳрат» медали соҳибаси.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ – УСТУВОР ВАЗИФА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида фавқулодда вазиятлар ва уларнинг олдини олиш борасида йилнинг биринчи ярим йилида олиб борган ишлари таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник Эргаш Икромов Тошкент шаҳар ҳокимлиги фуқаро муҳофазаси бўйича олиб борилган ишлар ҳақида тўхталди.

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган халқ хўжалиги объектларининг фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларини шайлигини таъминлашга қаратилган кўплаб махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди. Шаҳар ва туман ҳокимиятлари раҳбар ходимлари ва пойтахт ҳудудидаги корхона, муассаса, ташкилот раҳбарлари иштирокида ўқув машғулотлари ташкил этилди. Қолаверса, корхоналар, муассасалар, ташкилот ва идораларда муайян дастур асосида тингловчилар қайта тайёргарликдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 февраль кунидаги «Тошқин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфидаги «Қутқарув хизмати–050» телефонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб, шаҳар аҳолиси, меҳмонлари, ташкилот ва муассасалардан жами 55203 маротаба мурожаатлар келиб тушиб, 838 та ҳолатларда инсонлар ҳаёти ва йирик миқёсдаги фавқулодда вазиятларнинг олди олинди.

«Сувда қутқарув гуруҳи» томонидан 39 маротаба чақирувларга чиқилиб, ички ишлар идораларининг тезкор-тергов гуруҳларига ёрдам кўрсатилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Фуқаро муҳофазаси хизматларининг 2007 йил 1-ярим йиллиги фаолияти таҳлилига кўра, шаҳар ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этишда куч ва воситаларнинг шайлигини оширишга алоҳида эътибор қаратган раҳбарлар хизматлари таъкидланди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р. Усмонов раислигида ўтказилган йиғилишда иккинчи ярим йилликда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам белгиланди.

Хусниҳон ТОЖИБОЕВА,
Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси.

31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

ФИТРАТ ВАСИЯТИ

Қатағон қурбонларини ёд этганимизда Президентимизнинг ўша тарихий қарори эсга тушаверади. 1999 йилнинг 12 майида қабул қилинган, ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги мазкур қарордан кўзда тутилган мақсад юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш эканлигини ва бу йўлда муҳим ишлар амалга оширилаётганини яхши биламиз.

Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи бугун ўзига хос бир зиёратгоҳга айланиб улгурган. Ҳатто курсантликка қабул қилинган ўғлонларимиз мазкур мажмуа ёнида қасамёд қабул қилишмоқда. Ҳарбий билим юртларимиздан учирма бўлаётган посбонларимизнинг битирув тантаналари бу муқаддас гўшада бўлиб ўтмоқда. Бунинг улкан тарбиявий аҳамияти бор. Бу юрт озодлиги ва эркинлиги йўлида шаҳид кетган аждодлари хотираси истиқлол ҳимоячилари бўлган ҳарбийларимизнинг доимо ардоғида эканлигидан. Қолаверса, бундайин анъаналар шу дориломон кунлар йўлида шаҳид кетган аждодлар руҳи ҳурмати истиқлолни, юртни кўз қорачиғидек асрашга руҳлантиради.

Келинг, фикримизни қатағонга учраган юртдошларимиз тақдири билан боғлиқ маълумотларга қаратайлик. Профессор Аъзам Самиғжонов шундай ҳикоя қилади: «Баҳром Ҳайдарий Фитрат домла билан ҳаммаслак биродар эди. У республика газеталарида, киностудияда, Ўрта Осиё давлат университетида хизмат қилган. Ўттиз еттинчи йилнинг декабрида қатағон заҳрини сезган, шекилли. Фитрат домла Баҳром Ҳайдарийнинг Себзордаги уйига келиб, бир оз суҳбатлашгач, хайрлашиб кетади. Эртасига уни ҳибсга олишади. Орадан бир ҳафта ўтгач, кечки пайт Баҳром Ҳайдарийнинг ёстиқдоши – Муаззам опам уввос тортиб йиғалаганча уйимизга кириб келди. У, ўшанда Фитрат домла келганида НКВД дан хат олганини айтиб, «Сен ҳам ҳушёр бўл», деб Баҳром Ҳайдарийни огоҳлантирганини, бугун эса поччамизни ҳам олиб кетишганини маълум қилди. Мен уни юпатишдан нари ўтолмадим. Чунки у пайтда биров-бировни ҳимоя қилиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Ўзим ҳам, бугун-эрта олиб кетишса керак, деган ҳадик-ҳавотир билан яшардим.

Баҳром Ҳайдарий бир йўлини қилиб, қамоқдан опамга хат чиқарган. Унда Фитрат домла билан бир камерада ётганлиги айтилган. Шунингдек, хатда ёзилишича, Фитрат домла унга бир маслаҳат берибди: «Муаззамхон ўғил кўрса, исмини Нажот, қиз кўрса, Умида қўйсинлар, зора умидлик дунёда сиз билан бизга ҳам нажоту озодлик етса», деб ният қилибдилар.

Орадан кўп ўтмай, опам фарзанд кўрди. Домланинг васиятига кўра, унга Нажот деб исм қўйди. Вақти-соати билан Нажот ўзининг қизига Умида деб ном берди.

Фитрат домла армон қилган юрт озодлигини кўриш бахти Нажотга ҳам, Умидага ҳам насиб этди, улар ҳуррият йўлида фидо бўлган инсонлар хотирасига улуғ эҳтиром кўрсатилаётганига гувоҳ бўлиб туришибди».

Ҳа, бобомизнинг васияти ҳам, орзу-армони ҳам эзгуликка йўғрилган эди. Келинг, шу ўринда Фитрат қолдирган бой маънавий мерос ҳақида бироз тўхталиб ўтсак.

Адиб ижодий меросининг асосий қисмини адабиётшуносликка доир асарлар ташкил қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, у ўзбек адабиётининг қадимги даврдан йигирманчи асргача бўлган энг сара намуналарини илк манбалар асосида нашрга тайёрлади. Яъни Аҳмад Югнакий, Юсуф хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий. Аҳмад Яссавий, Навоий, Бобур, Машраб каби кўплаб адабиётимиз намояндаларининг илмий биографияларини ишлаб чиқди, бой ижодий меросларини татқиқ этди. Унинг «Шеър ва шоирлиқ», «Адабиёт қоидалари», «Санъатнинг маншаи (келиб чиқиши)», «Аруз ҳақида» каби асарлари замонавий адабиётшунослигимиз ривожида улкан аҳамият касб этиб келаётганини таъкидлаш жоиз.

Мусиқашунос олим сифатида «Шашмақом», «Ўзбек классик мусиқаси тарихи», «Шарқ мусиқаси» каби муҳим тадқиқотларини тилга олиб ўтиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, оғир синов, машаққатли кунларни кўрган, озодлик ва эркинлигимиз йўлида қурбон бўлган бундайин аждодларимиз жасорати хотирамиздан ҳеч қачон ўчмагай.

Дилафрўз РЎЗИЕВА.

Шифокор маслаҳати


ЮҚУМЛИ ОШҚОЗОН-ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИДАН САҚЛАНИНГ

Маълумки, мамлакатимиз ер шарининг иссиқ минтақаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ёзнинг иссиқ кунларида юқумли ошқозон-ичак касалликлари, ичбуруғ (дизентерия)нинг авж олиши ва тарқалиши кузатилади.

Ичбуруғ – одамларда учрайдиган юқумли ичак касаллиги бўлиб, касаллик чақирувчи таёқчасимон бактериялар, яъни шигеллалар организмга оғиз орқали тушганида келиб чиқади.

Шигеллалар бемор одам ёки микроб ташувчи соғлом кишилар нажаси орқали ташқи муҳитга чиқиб, узоқ муддат яшаб, кўпайиш ва касаллик чиқариш хусусиятини сақлаб қолади. Чунончи, турли буюмлар (кийим-кечак, болалар ўйинчоғи, пул, ювилмаган қўл, қуруқ мевалар ва сабзавотлар) юзасида шигеллалар бир ҳафтагача, сув, сут ва сут маҳсулотларида эса икки ҳафтагача сақланади. Ташқи муҳитнинг юқори ҳарорати шигеллаларнинг узоқ муддат яшаши ва кўпайишига имкон яратади.

Шунингдек, касаллик қўзғатувчилари озиқ-овқат маҳсулотларига кўпинча пашшалар орқали ўтади. Санитария-гигиена қоидаларининг бузилиши, ичимлик сув таъминоти ва чиқинди сув иншоотларидаги нуқсонлар ичбуруғнинг аҳоли орасида тарқалишига сабаб бўлади.



Инсон организмига оғиз орқали тушган касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар йўғон ичакнинг пастки бўлимларида кўпайиб, бу ердаги шиллиқ пардани турли даражада шикастлайди. Шигеллалар фаолияти давомида ишлаб чиқарган токсинлар (заҳарлар) йўғон ичак деворлари орқали қонга сўрилиб, бутун организм бўйлаб тарқалади. Қатор орган ва тизимларни, биринчи галда юракқтомир ва нерв тизими фаолиятини издан чиқаради. Сурункасига ич кетиши тананинг сувсизланиши, танадан сув билан бирга минерал тузлар ҳам чиқиб кетиши, юрак ва мия фаолияти ҳамда қон айланишининг кескин бузилишига олиб келади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, юқумли ошқозон-ичак касалликларига чалинган ҳар 200 беморлан биттаси сувсизланиш оқибатида оламдан кўз юмар экан. Ноҳуш оқибатлардан яна бири, бу ичак деворлари тешилиш хавфининг мавжудлигидир. Жумладан, ичбуруғ касаллигини келтириб чиқарувчи микроблар ичак деворларини яллиғлантирибгина қолмай, балки яра ҳосил қилади, бунинг оқибатида ичак девори тешилиши хавфи пайдо бўлади.

Касалликнинг дастлабки белгилари, у юққандан сўнг бирмунча вақт ўтгач, намоён бўла бошлайди. Бу давр касалликнинг яширин даври ҳисобланиб, 12 соатдан 7 кунгача (ўрта ҳисобда 2–3 кун) давом этади. Кўп ҳолларда унинг давомийлиги ичакка тушган микроблар сонига, уларнинг биологик хусусияти ва одам организмининг касалликка қарши курашувчанлик қобилиятига боғлиқ. Одам организми қанчалик курашувчан бўлса, касаллик шунча енгил кечади.

Ушбу касалликнинг енгил кечиши натижасида уни оёқ устида ўтказаётганлар ҳамда кўринишидан соғлом ҳисобланган бактерия ташувчилар ўта хавфли манбалар ҳисобланади. Бундай кишилар касалланганини ўзлари билмаган ҳолда кўпчилик билан мулоқотда бўладилар, эҳтиёт чораларини кўрмаслиги оқибатида касалликнинг юқиш хавфи янада ортади. Шунинг учун ҳам юқумли ошқозон-ичак касалликларининг белгилари (қоринда оғриқ, кўнгил айниши, қусиш, ич кетиши) кузатилганда дарров тиббиёт пунктига мурожаат қилиш лозим.

Бундай ҳолларда ўз-ўзини даволаш қатъий ман этилади, чунки кўр-кўрона антибиотиклар қабул қилиш оқибатида касалликнинг сурункали турига ўтиб қолишига замин яратилади.

Айниқса, озиқ-овқат муассасалари ходимлари орасида касалликнинг яширин кечиши жуда ҳам хавфлидир. Шунинг учун озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотишга алоқадор бўлган ходимлар юқумли ошқозон-ичак касалликларининг дастлабки белгилари юзага келиши билан шифокорга мурожаат қилишлари шарт.

Юқумли касаллик манбаи – бемор одам бўлгани учун, аввало беморлар ва бактерия ташувчиларни барвақт аниқлаш ва уларни касалхона шароитида даволаш лозим. Касалликнинг тарқалишига ҳожатхона, ахлатхоналарда тухум қўйиб кўпаядиган ҳашаротлар, айниқса, суварак ва пашшалар ҳам сабабчи бўлади.

ЭҲТИЁТ ЧОРАЛАРИ

Касалликка чалинмаслик учун аваламбор:

– шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш;

– текширилмаган очиқ сув ҳавзаларида чўмилмаслик, улардан ичиш ва бошқа маиший-хўжалик мақсадларида фойдаланмаслик;

– чўмилганда оғиз орқали сув ютмаслик, фақат шахсий мочалка ва сочиқдан фойдаланишга одатланиш керак.

Қолаверса, овқат қолдиқларини очиқ, ишлатилган идиш-товоқларни ювуқсиз қолдириш ҳам касаллик микробларини ташувчи пашшалар ва суваракларнинг кўпайишига олиб келади.

Ахлат чиқиндиларини қопқоғи зич ёпиладиган идишларга йиғиш, уни камида кунига бир маротаба бўшатиб, дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида зарарсизлантириш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Пашшалар кирмаслиги учун ётоқхоналар, ошхона ва ҳожатхона дераза ларига махсус матодан тўқилган тўр ёки дока тутиш, девор ва поллар тирқишсиз, эшиклар жипс ёпиладиган бўлиши, ҳар куни тозалаб дезинфекцияловчи воситалар ёрдамида зарарсизлантириш лозим.

Ушбу тавсияларга риоя қилсангиз, нафақат ўзингиз, балки сафдошларингизнинг ҳам соғлигини сақлашга ҳисса қўшган бўласиз.

Тиббий хизмат капитани Ҳикматилла ЎЛМАСОВ,
врач-мутахассис Мурувват ЖЎРАЕВА.

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



Переговоры о судьбе заложников

В афганском городе Газни возобновились переговоры между талибами и представителями Южной Кореи о судьбе 19 заложников, которые продолжают оставаться в плену у боевиков. Переговоры проходят в афганском городе Газни в местном отделении Международного Комитета Красного Креста. Никаких деталей об их ходе не сообщается, передает Интерфакс.



Кровавый теракт в Ираке

Количество погибших во время крупного теракта на севере Ирака достигло 500 человек. Таким образом, этот теракт стал самым кровавым с момента начала войны в Ираке. В подорванных бензовозах было не менее двух тонн топлива. Разрушения на месте взрыва напоминают последствия атомной бомбардировки, отмечает Интерфакс. Всего прогремело пять взрывов – четыре на автобусной станции в населенном пункте Катания, и еще один в деревне Аль-Джазира.



Подрыв на железной дороге

Подрыв «Невского экспресса» полностью остановил движение поездов почти на сутки по основному направлению Москва – Петербург: их пускали в обход. Задержки в расписании поездов достигали 8 часов. Возобновить движение в полном объеме удалось только вчера ближе к вечеру.



Землетрясение в Перу

Мощное землетрясение произошло в Перу недалеко от столицы страны Лимы, где жители ощутили два подземных толчка магнитудой 7,7–7,9 балла по шкале Рихтера. Число жертв растет: по последним данным, минимум 330 человек погибли, более тысячи пострадали, передает АР. Начата спасательная операция, идет разбор завалов, поиск пострадавших.




Соглашение будет к ноябрю

Премьер-министр Израиля Эхуд Ольмерт и председатель палестинской администрации Махмуд Аббас собираются в течение двух-трех месяцев разработать основные принципы окончательного урегулирования палестино-израильского конфликта. Предложения будут представлены на утверждение мирной конференции, запланированной на ноябрь, сообщает «NEWSru Israel».



Началась масштабная операция

Международный контингент под командованием США начал на востоке Афганистана масштабную операцию, направленную против боевиков террористической организации «Аль-Каида» и движения «Талибан». В военных действиях участвуют правительственные войска, сотни американских военнослужащих и боевая авиация.



Надвигается шторм «Эрин»

Побережью американского штата Техас угрожает тропический шторм «Эрин», сообщает РИА Новости. «Эрин» принесет с собой до 20 сантиметров осадков, а высота волн на побережье достигнет 1,5 метра. Скорость ветра, который будет сопровождать тропический шторм, может достигнуть 80 километров в час.



Создан новый суперкар

Итальянский автопроизводитель спортивных машин «Lamborghini» создал новую модель суперкара количеством всего 20 единиц и даже уже успел продать все эти автомобили. Общая стоимость составляет 1 млн. евро за штуку. Новый «Lamborghini» построен на платформе LP и имеет общие двери и зеркала с «Murcielago LP640». Видевшие макет машины сравнивают ее с «реактивным истребителем» серого цвета с салоном в стиле милитари, сообщает «Газета.ru».

(www.NEWSru.com).

БАРКАМОЛ АВЛОД – ЮРТ ТАЯНЧИ

Участники IV Всемирных военных игр

ЗА ЗАМИРОЙ НЕ УГНАТЬСЯ

В этом году состав легкоатлетической команды МХСК пополнился очень сильной бегуньей на средние дистанции – мастером спорта международного класса Замирой Амировой. На дистанциях 400 и 800 метров в Индии от нее ждут только золотых наград, и эти вполне прогнозируемые ожидания основаны на высоком классе этой спортсменки.



Замира является одним из самых опытнейших членов сборной Узбекистана, в ее активе бронзовые медали Азиатских игр 2002 года в Пусане (Корея) и 2006 года в Дохе (Катар), участие в Олимпийских играх 2000 года в Сиднее и 2004 года в Афинах. Как вы знаете, лицензии на участие в Олимпиадах достаются только сильнейшим атлетам планеты. Кроме того, Амирова является чемпионкой Азии 2006 года – чемпионата в закрытых помещениях, проходившего в Таиланде, многократным призером чемпионатов Азии.

По словам самой Замиры, наставником, приведшим ее к званию международного мастера, является Юрий Татчин, а сейчас ее тренирует муж, Игорь Фильченков, тоже легкоатлет, в прошлом неоднократный чемпион Узбекистана.

Естественно, под руководством нового тренера, в новом клубе (Замира до этого выступала в ДФСО профсоюзов) спортсменке очень хочется добиться новых успехов. Семейный дуэт стремится так спланировать учебно-тренировочный процесс, чтобы ко времени стартов в Индии Замира подошла в самом пике формы и завоевала золотые награды. Верится, что новые страницы спортивной биографии легкоатлетки непременно станут золотыми.

Майор Анвар КАСЫМОВ.
Фото **из архива З. АМИРОВОЙ.**

ЗАБОТЯСЬ О ТАЛАНТАХ

Есть в городе Самарканде махаллинский совет «Ватанпарвар» жителей военного городка, где аксакалом полковник в отставке Сабрилло Турсунов. Представители местного органа самоуправления не только вносят большой вклад в решение проблем обустройства военного городка, трудоустройства членов семей военнослужащих, но не забывают и о подрастающем поколении.



Футбольная команда «Ватанпарвар», составленная в основном из детей военнослужащих в возрасте 13–14 лет, недавно стала победителем первенства района, а теперь выступает на областном этапе состязаний «Футболимиз келажаги» («Будущее нашего футбола»), проводимых Республиканским фондом «Махалля» и Федерацией футбола Узбекистана с целью выявления футбольных талантов из глубинки.

– Наши ребята выиграли со счетом 2:0 у сверстников из Пастдаргомского района, затем одержали верх над юными футболистами из Нурабада со счетом 3:2, сыграли вничью (0:0) с командой из Ургута, – рассказывает Сабрилло Файзиевич. – Хочется поблагодарить командование школы подготовки сержантов за постоянную помощь в подготовке команды, предоставление своей спортивной базы для тренировок наших футболистов.

Недавно юные футболисты «Ватанпарвара» проводили свой товарищеский матч с подразделением обеспечения учебного процесса ШПС, в котором одержали победу со счетом 1:0. Играли ребята с большим желанием и жаждой победы.

Заметно отличились во время игры в защите Улугбек Мусаев, а также нападающие Достонбек Ахмедов и Жонибек Долиев, подающие большие надежды.

– Уверен, что именно из таких одержимых футболом юношей со временем вырастут в нашей стране новые таланты уровня легендарного Бердора Абдураимова, прославленного Миржалола Касымова, – говорит убежденно С. Турсунов. – Впрочем, не только поиском новых звезд ограничиваются главные цели создания нашей футбольной команды. Нам важно через футбол воспитывать у мальчишек тягу к здоровому образу жизни, чувство товарищества и взаимовыручки. Родители этих ребят большую часть своей жизни посвящают священному делу служения Родине, а потому наш долг – обеспечить полноценный досуг их детей, оградить от негативного влияния улицы.

Новоиспеченный тренер находит спонсоров для снабжения своей команды единой спортивной формой, постоянно подыскивает соперников для повышения игровой практики, совместными усилиями создается в городке и футбольное поле для игр детей. А пока они могут пользоваться спортивными сооружениями школы подготовки сержантов.

Кто знает, вырастут ли из сегодняшних юных футболистов завтрашние звезды мирового уровня. В одном можно быть абсолютно уверенными – участие в культурных, спортивно-массовых мероприятиях, проводимых на базе ШПС, помогает растить мальчишек настоящими патриотами, готовыми по первому зову Родины встать на ее защиту.

Майор Алишер НУРЛАНОВ.
Фото **Камолиддина ТУРАЕВА.**

МАТОНАТ СОҲИБИ

Офицер Бахтиёр Хўжаев хизмат қилаётган ҳарбий қисмда жисмоний тарбияга катта эътибор бериб келинаётганлиги боис, бу ерда спорт бўйича юқори чўққиларни забт этаётган посбонлар кўплаб топилади. Мана шундай ўғлонлардан бири оддий аскар Дониёр Мирзаев бўлади. Ўтган йил кузги чақирувда жамоага келиб қўшилган йигит қисқа фурсат ичида сафдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлди. Табиатан анча вазмин бўлган ангренлик Дониёр тўққиз ёшидан буён бокс билан шуғулланади. Мураккаб спорт турларидан бири бўлган бокс йигитлардаги довюраклликни, матонатни ҳамда вазиятни аниқ ва тўғри баҳолаш каби ижобий фазилатларни шакллантиришини кўпчилик яхши билса керак. Ота-онаси ёлғиз ўғил фарзандининг ушбу спорт турига қизиқишини англагач, унинг ҳар томонлама чиниқишини истаб, бокс клубига олиб боришди. Бу ерда ёшларга бокс бўйича сабоқ бераётган спорт устаси Абдувосит Аҳмедов йигитчани илиқ қаршилади. Тенгқурларига нисбатан анчагина дадил, уқуви баланд бўлган Дониёр тезда янги билим ва маҳоратни ўзлаштириб борарди. Клубдаги жанглларда доимо ғолибликни қўлга киритган йигитчани энди мураббий кичик турнирларга олиб чиқа бошлади. Ўз ўрнида бундай жанглар Дониёрга рақибларини ўрганиш учун имкон берарди. Йил сайин босқичма-босқич жангларда тобланиб борган Дониёрни устози каттароқ мусобақаларга олиб чиқишга ҳаракат қиларди. Дастлаб уни 2002 йилда ёшлар ўртасида Тошкент вилояти биринчилиги мусобақасига олиб чиққанда, Абдувосит ака кўнглининг бир четида қўрқув билан шогирдини кузата бошлади. Дастлабки баҳсларда бироз сусткашликка йўл қўйган Дониёр тезда ўз хатоларини ўнглаб, рақибига зарба бера бошлади. Бу ҳолат эса чеккада уни кузатиб турган устозига умид учқунини берди. Бирин-кетин ўзига ишонч билан финал сари одимлаётган йигитни ушбу биринчиликда ҳеч ким тўхтата олмади. У мусобақанинг олтин медалини қўлга киритганида, йиллар давомида қилган меҳнатларининг зое кетмаганини кўрган мураббий Дониёрга ишониб, хато қилмаганини англаб етди. Тинимсиз машқлар билан маҳоратини ошириб борган йигит кетма-кет 2003-2004 йиллар давомида ҳам вилоят биринчилигида етакчи ўринни эгаллаб, клубнинг обрўсини янада юксалтирди. Энди унинг олдида республика мусобақалари турарди. Тўғри, бундай нуфузли мусобақада жанг олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Қолаверса, республика миқёсидаги мусобақа бўлгандан кейин мамлакатнинг энг яхши чарм қўлқоп усталари рингга чиқади. Навбатдаги йиллар ҳам Дониёрнинг боксдаги фаолияти учун салмоқли кечди. 2005 йилда Фарғона шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида рингга чиқишига тўғри келди. Ҳар йили янги-янги чемпионларни кашф қиладиган бундай мусобақа ёшларга умид бахш этиши шубҳасиз. Шу боис, ҳар бир спортчи йигит-қиз мамлакат миқёсидаги биринчи даражали мусобақаларга пухта ҳозирлик кўриб, ўз имкониятларини намойиш қилишга интилади. Дониёр ҳам анча машқ қилиб, мазкур мусобақага жиддий тайёргарлик кўрди. Ҳатто, дастлабки баҳсларданоқ кучли тайёргарликка эга эканлигини ҳам кўрсата олди. Финалгача етиб келган йигитга ғолиблик учун тажриба бироз камлик қилди. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган 2006 йилги республика биринчилигида ҳам мутахассислар томонидан унинг имкониятлари юқори баҳоланган бўлса-да, олтин медални қўлга киритиш насиб этмади. Шу йил Дониёр муддатли хизматни ўташ учун армия сафига отланди. Тиниб-тинчимас посбон хизмати давомида ҳам машқларни тўхтатиб қўймади. У бўш вақтларида ҳарбий қисмдаги барча шароитларга эга бўлган спорт залида шуғулланарди. Кези келганда эса сафдош дўстлари билан бирга машқ қилар эди. Машқларни бир меъёрда олиб боришда дўстлари оддий аскарлар – Ориф Юнусов ҳамда Ўтмишбой Бойлипесов унга яқиндан ёрдам берарди.

Оддий аскар Дониёр Мирзаев қизғин кечаётган ёзги ўқув мавсуми машғулотларида ҳам муваффақиятли қатнашиб командирларининг ишончини оқлаб келмоқда. Айниқса, йигит ижтимоий-сиёсий, жанговар ва тактик ҳамда жисмоний тайёргарликлар бўйича юқори натижаларни қўлга киритиб, сафдошларига ўрнак бўлиб келмоқда. Ўқчи вазифасида хизмат қилаётган посбон синов машғулотларида топшириқни «аъло»га уддалади. Спорт усталигига номзод бўлган посбоннинг ҳарбий қисмдаги спорт ишларига қўшган ҳиссаси улкан. У округ миқёсида ҳарбийлар ўртасида ўтказилган учкураш мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, совриндорлар сафидан жой олди.

Йигит Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўтаб қайтгач, ҳарбий билим юртига киришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ўз орзулари йўлида изланиб интилаётган ўғлоннинг келажакда тажрибали офицер сифатида юртини мардонавор ҳимоя қилишига ишонамиз.

Карина ҚУРБОНОВА.

Независимость – в моей судьбе

МОИ УСПЕХИ – ТЕБЕ, УЗБЕКИСТАН!



Все, чего мне удалось достичь в жизни, все мои успехи и достижения связаны с моей Родиной – независимым Узбекистаном. В нашей стране созданы все условия для того, чтобы каждый молодой человек имел возможность развивать свои способности и таланты. Благодаря этому я мог с детства успешно заниматься физической культурой и стал кандидатом в мастера спорта по легкой атлетике.

После призыва на срочную службу в ряды Вооруженных Сил мои возможности по совершенствованию спортивного мастерства значительно возросли. Благодаря коренным реформам, проведенным в армии, переходу ее на профессиональный способ комплектования внимание к уровню физической подготовки военнослужащих выросло во много раз. В наших Вооруженных Силах служат физически закаленные, крепкие парни, любящие спорт и умеющие добиваться в нем высоких результатов. Здесь я нашел опытных наставников, под руководством которых за короткое время стал серебряным призером Кубка Узбекистана по прыжкам в длину.

Сегодня я продолжаю службу в подразделении обеспечения Самаркандского ВВАКИУ. Выполнение служебных обязанностей требует от меня дальнейшего повышения уровня физической подготовленности. В свободное время продолжаю заниматься легкой атлетикой – своим любимым видом спорта. В настоящее время осваиваю тройной прыжок, думаю, что это позволит мне еще не раз отличиться на спортивных аренах, представляя Самаркандское высшее военное автомобильное командно-инженерное училище и Вооруженные Силы.

Накануне 16-й годовщины независимости мне хочется еще раз подчеркнуть, что все свои спортивные успехи я посвящаю своей Родине – независимому Узбекистану. С каждым годом наша страна достигает новых успехов. Особенно это заметно на примере спортивных побед. Буду гордиться, если мне доведется представлять Родину на международных состязаниях.

Нет для спортсмена большего счастья, чем увидеть, как после твоей победы взмывает ввысь Флаг Узбекистана и все трибуны встают, услышав торжественную мелодию нашего Государственного гимна.

Никита ХОЛОДОВ,
рядовой срочной службы.

БЛАГОДАРЯ ЗАБОТЕ КОМАНДОВАНИЯ

В Чирчикском высшем танковом командно-инженерном училище (ЧВТКИУ), где я служу, командованием создаются все необходимые условия для регулярных занятий различными видами спорта. Не случайно на нашей спортивной базе проходили соревнования Вторых Всеармейских игр по волейболу, легкой атлетике и другим видам спорта. Это говорит о том, что спортивная база ЧВТКИУ отвечает всем необходимым требованиям проведения соревнований столь высокого ранга.

Здесь с каждым годом улучшается спортивная база, где мы можем повышать свое мастерство. На эту заботу командования мы, воины, отвечаем победами не только на армейских соревнованиях, но и на различных крупных турнирах в составе сборной страны. Я считаю, что моя победа на дистанции 3000 м на открытом чемпионате войск Министерства обороны Республики Узбекистан, проходившем в честь 16-летия независимости страны в Карши, – это итог внимания и заботы командования ЧВТКИУ.


Едгор АХМАТОВ,
рядовой по контракту.

Атлетический клуб будущего воина

МОЩНЫЕ ПЛЕЧИ – «ВИЗИТКА» АТЛЕТА

«ЖИМ ВОИНА» (СО ШТАНГОЙ ИЛИ ГАНТЕЛЯМИ)

«Жим воина» – упражнение, предназначенное для дельтовидных мышц, трицепсов и других мышц верхней части тела.



Выполнение «жима воина». Сядьте, выпрямив спину. Зафиксируйте штангу на уровне верхней поверхности плеч. Возьмитесь за гриф штанги, поставив руки шире плеч (как это показано). Распрямляйте руки, пока штанга не окажется у вас над головой. Медленно опускайте гриф, возвращаясь в исходное положение. Это упражнение также может выполняться с гантелями в положении сидя.

Вариантом «жима воина» являются **жимы из-за головы.** Выполняя последнее упражнение, расположите штангу за головой. Захват должен быть шире плеч. Распрямляя руки, выполните жим штанги из-за головы. Медленно верните штангу в исходное положение к шее. Если вы будете периодически изменять ширину захвата, то нагрузка будет ложиться на разные группы мышц. При очень широком захвате максимальную работу будут выполнять дельтовидные мышцы. Уменьшив захват, вы сместите нагрузку на трицепсы.

СПОРТ КАЛЕЙДОСКОПИ

Футбол

САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида жойлашган Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) қароргоҳида 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида ўтказиладиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш турнирининг биринчи босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур саралаш турнирида қитъамизнинг 43 давлати терма жамоалари иштирок этади. Жаҳон чемпионати – 2010 га Осиё минтақаси учун 4,5 та йўлланма ажратилган, яъни регламент бўйича саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтган 4 жамоа тўғридан-тўғри мундиал йўлланмасини қўлга киритади, яхши натижа кўрсатган яна бир Осиё терма жамоаси Океания минтақаси саралаш босқичи ғолиби билан жаҳон чемпионати йўлланмаси учун баҳс олиб боради. Қуръа ташлаш маросимида маълум қилинишича, Осиё рейтингида 1-5 ўринларни эгаллаб, 2006 йилги Жаҳон кубоги мусобақалари натижаларига кўра яхши кўрсаткичга эга бўлган 5 жамоа, яъни Австралия, Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони ва Эрон саралаш учрашувларига учинчи босқичдан қўшилади. Эътибор берган бўлсангиз, улар орасида бу йилги Осиё чемпионати ғолиби – Ироқ терма жамоаси йўқ. Бу ҳам ОФКнинг навбатдаги ғароийб қарорларидан бири. Бундай дейишимизга сабаб, дастлаб ОФК жаҳон чемпионатига саралаш учрашувлари 2008 йилнинг 6 февралидан бошланади, деб эълон қилган эди. Аммо, бирдан бу мусобақалар шу йилнинг октябрь ойидан бошланиши маълум қилинди. Бу эса 2008 йилни мўлжаллаб режа тузиб қўйган кўплаб терма жамоалар мураббийлари учун кутилмаган «туҳфа» бўлди. Шу жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси мураббий ва раҳбарлари учун ҳам. Буни Ўзбекистон Футбол федерациясида шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида терма жамоа бош мураббий Рауф Инилеев ҳам таъкидлаб ўтди.

Қуръа натижасига кўра, саралаш турнирининг биринчи босқич учрашувида миллий терма жамоамиз Хитой Тайпейи жамоаси билан учрашадиган бўлди. Уй-меҳмон тизимида ўтказиладиган мазкур беллашувнинг дастлабки ўйини 8 октябрда Тошкентда, жавоб ўйини эса 28 октябрда Хитой Тайпейида бўлиб ўтади. Қизиғи шундаки, мазкур саналар ФИФА кунларига тўғри келмайди, яъни бу ўйинларда бошқа давлат жамоаларида тўп суруvчи легионерларимиз иштирок эта олишмайди. Шу сабабли терма жамоамиз раҳбарлари ОФКга ўйинлар муддатини бироз ўзгартириш ҳақида мурожаат қилишган. Нима бўлганда ҳам ўйинлар албатта октябрь ойида бўлиб ўтади.

Бунгача Ўзбекистон терма жамоаси 22 август куни Украина терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказади. Сентябрь ойи ўрталарида ёки октябрь ойи бошларида жамоамиз Осиё ёки Европа терма жамоаларидан бири билан ўртоқлик ўйинини ўтказиши ҳам режалаштирилган.

М.САЙДИВАЛИЕВ.

Айкидо

СОСТОЯЛСЯ СЕМИНАР

В минувшее воскресенье в Центральном Доме офицеров Министерства обороны прошел Республиканский семинар Федерации айкидо Узбекистана. В семинаре, проводимом президентом федерации, обладателем 5-го дана Рашидом Хамидовым, приняли участие 40 спортсменов из различных клубов.

На состоявшейся после семинара аттестации многие спортсмены сдали экзамены на ученические степени (кю), а двое из них стали обладателями 1-го дана.

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ

«Келажак овози»

ЎҚУВ ОРОМГОҲИ – МАҲОРАТ МАКТАБИ

Истеъдодли ва иқтидорли, чекка вилоят ва олис қишлоқлардаги ёшларнинг ҳам имкониятларини кенгайтириш, уларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш ва шароитларини яхшилаш бугунги куннинг устувор вазифаларидан саналади. Ана шундай эзгу ишларни амалга оширишда «Келажак овози» танловининг ҳам ўрни алоҳида эътирофга лойиқ.

Жорий йилдан бошлаб "Келажак овози" танлови ғолиблари Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув юртларига ижодий имтиҳон ва тест синовларисиз давлат гранти асосида ўқишга кириш имкониятига эга бўлганларидан хабарингиз бор. Республика таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси танловнинг мамлакатимиз ёшлари орасида йилдан-йилга нуфузи ва кўлами ошиб бораётганлигини, шу билан бирга, жамиятимиз фаровонлиги ва давлатимиз равнақи йўлида сидқидилдан изланиб, ўз ҳиссасини қўшишга интилаётган ёшларга яна бир қулайлик яратиш мақсадида ушбу қарорни қабул қилди. Шу ўринда рақамларга назар солсак: 2005 йилда ушбу танловда 3 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, 2006 йилда уларнинг сони 10 мингни ташкил этди. Жорий йилда эса танловда иштирок этишни истаган ёшлар сони 20 мингдан ошди. Шу ўринда Кенгашнинг "Келажак овози" танлови ғолибларини қўллаб-қувватлаш Дастури узлуксиз амалга оширилаётганини алоҳида эътироф этиш керак.

Айнан мана шу дастурдан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг 1 июлидан 15 июлига қадар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда "Келажак овози" республика ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларида яшаб, таҳсил олаётган ёшлар ўртасида самарали ҳамкорликни ўрнатиш ва янада яқин дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва "Меҳр Нури" жамғармалари томонидан ёш йигит-қизлар учун мўлжалланган лойиҳа ва дастурлар билан яқиндан таништириш мақсадида Тошкент вилоятининг Чирчиқ туманида жойлашган "Бўстон" санаторийсида «Келажак овози" ёзги ўқув оромгоҳи ташкил қилинди.

Ёзги ўқув оромгоҳи қатнашчилари Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда фаолият олиб бораётган «Келажак овози" ёшлар ташаббуслар маркази бўлимлари фаоллари ва «Келажак овози" кўрик-танловида 2005–2006 йилларда ғолиб чиққан ёшлардан иборат.

Бу асосда пухта ва мукаммал дастур ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув оромгоҳидаги ёшларнинг вақти унумли ва мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида маърузалар ташкил қилинди. Шунингдек, унда йигит-қизларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бўлган учрашувлар мунозара ва савол-жавобларга бой бўлиб, иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

Бундан ташқари иштирокчилар ўз йўналишларига бирлашган ҳолда ёшлар билан ишлайдиган нодавлат ташкилотлардан таклиф этилган тренерлар бошчилигида «Етакчилик қобилияти ва жамоани шакллантириш», «Лойиҳалар билан ишлаш ва уни режалаштириш», «Ташкилот фаолиятини стратегик режалаштириш», «Касбий маҳоратни ошириш» каби мавзулардаги семинар-тренингларда қатнашиб, ўз кўникмаларини оширишди.

Элимиз ардоғидаги санъаткорлар билан бўлган учрашувлар ҳам ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Фурсатдан фойдаланиб, улар бугунги кино ва театр борасидаги ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб ҳам олдилар.



Ёшлар ўқув-семинарлари билан бир қаторда мастер-класс, яъни уста-шогирд машғулотларида ҳам қатнашишди. Ушбу машғулотларни Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур, шоир Минҳожиддин Мирзо ва бошқа бир қатор ўз соҳасининг етакчилари бўлган мутахассислар олиб бордилар.

Оромгоҳ қатнашчиларининг бу борадаги ўй-фикрлари билан қизиқиб, уларни суҳбатга тортдик.

Назира БОЙМУРОДОВА, Жиззах вилояти Пахтакор туманидан: – Мен 2006 йили "Бадиий ижод" йўналишида "Келажак овози" танлови ғолиби бўлганман. Мен бу оромгоҳга келганлигимдан жуда ҳам хурсандман. Сабаби, бу ерда дўстлар орттириш билан бирга ўз устимда ишладим. Айниқса, шоир Минҳожиддин Мирзонинг машғулотлар олиб борганлиги бизга амалий ёрдам берди. Ўйлайманки, бундай ташкилий семинарлар ёшларнинг нафақат маданий дам олишига, балки уларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам ёрдам беради.

Камолиддин БЕКНАЗАРОВ, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази Қашқадарё вилоят етакчиси: – Биз бу ерда бошқа вилоят ёшлари билан биргаликда бир неча лойиҳаларни ишлаб чиқдик ва уларни биргаликда амалга оширмоқчимиз. Бундай оромгоҳларни ташкиллаштириш ёшларимизни фақат ва фақат ўзаро яқинлаштиради ҳамда ҳамжиҳатликда ишлашга ўргатади.

Ёшлар "Бўстон" оромгоҳидан уйларига нафақат ҳордиқ чиқариб, балки янги билим, янги куч-ғайрат ва шижоат билан қайтмоқдалар. Ушбу билим ҳамда кўникмалар уларнинг келгуси ҳаётларида ва касбий фаолиятларида амалий ёрдам беришига ишонамиз.

Йигит ва қизларимиздаги ғайрат, шижоат ва самимийлик асосига қурилган ушбу дўстлик ришталари бир умрга уларни боғлаб турса, не ажаб!

Абдусалом СИДДИҚОВ,
«Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази матбуот котиби.



ЛЕТНИЙ ЛАГЕРЬ ШКОЛЬНИКОВ

Воспитание всесторонне развитого поколения, обучение юношей и девушек в соответствии с мировыми стандартами, глубокое изучение современных технологий являются одним из приоритетных направлений политики Президента страны Ислама Каримова. Совместно с общественными и международными организациями воплощается в жизнь множество проектов в этом направлении.

Деятельность учебного лагеря школьников «Молодежь и стабильное развитие», традиционно организуемого Национальной комиссией Республики Узбекистан по делам ЮНЕСКО, Министерством народного образования, ОДМ «Камолот», Благотворительным фондом «Соглом авлод учун» и другими организациями в течение почти 10 лет, направлена именно на эти цели. В текущем году в оздоровительном лагере «Бурчмулло» Бостанлыкского района Ташкентской области открылся сезон данной школы. В нем из разных регионов страны участвуют 150 одаренных школьников, которые являются членами проекта «Объединенные школы ЮНЕСКО».

По словам национального координатора проекта «Объединенные школы ЮНЕСКО» Дильнозы Курбановой, 26 школ, 5 колледжей и лицеев участвуют в данном проекте. Учащиеся достигают высоких показателей в разных конкурсах и олимпиадах, проводящихся в стране и за рубежом. Уделяется особое внимание оснащению этих учебных заведений современными компьютерами и другими средствами, поддержке одаренных учеников. В целях обучения учащихся профессии при школе действуют общественные центры образования.

– 10 лет тому назад наша школа стала членом проекта «Объединенные школы ЮНЕСКО», – говорит заместитель директора школы №16 Шурчинского района Сурхандарьинской области Марифат Мингнорова. – В настоящее время в нашем учебном заведении на 870 ученических мест ведется капитальный ремонт. Созданы все условия для проведения спортивных занятий на высшем уровне и пользования современными информационными технологиями в процессе обучения. До сегодняшнего дня в летнем учебном лагере «Молодежь и стабильное развитие» участвовали более 40 наших учеников. Также и в нынешнем году в данный лагерь привлечены 4 одаренных юношей и девушек.

Учебный лагерь начал свою деятельность занятиями на тему: «Стабильное развитие, гражданство и ценности». Были организованы культурные программы на темы: «Добро пожаловать в лагерь», «Мы – будущее Узбекистана», спортивные соревнования по футболу, волейболу, баскетболу, теннису и шашкам.

В рамках мероприятия, которое продолжится до 24 августа, пройдут беседы со специалистами представительств ряда международных организаций в нашей стране на темы: «Роль молодежи в стабильном развитии Узбекистана», «Мировое наследие в руках молодежи», «Тысячелетние цели развития ООН», «Окружающая среда и молодежь», «Экономика, экология и права человека».

Бахор ХИДИРОВА. (УзА).

Истиқлол – тақдиримда



Ҳар қайси инсон жамиятда ўз ўрнини топиш учун ўқиб-ўрганади, изланади, интилади ва шунинг баробарида катта-кичик синовларни енгиб ўтади. Агар фарзанд ёшлигиданоқ тўғри мақсадлар сари йўналтирилса, қўллаб-қувватланса, ўз иқтидорини намоён эта олади. Натижада эса баркамол инсон бўлиб вояга етади. Албатта, бу жараёнда кенг жамоатчиликнинг ҳиссаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ, мамлакатимизда ана шу ўлмас ҳақиқат тўғри англаб етилди. Юртбошимиз бошчилигида ёшларнинг келажагига, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод бўлиб вояга етишларига қаратилган устувор сиёсат ишлаб чиқилди. Бу эса кўпчилик тенгдошларим учун кенг имкониятлар эшигини очди. Шу жумладан менга ҳам.

Болалигимда бўш вақт бўлди дегунча, эртак китобларни ўқишни яхши кўрар эдим. Китоблардаги қаҳрамонларнинг ватанпарвар, меҳнаткаш ва жасур қилиб тасвирланганлиги уларга нисбатан ҳавас уйғотарди. Чунки қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, оғир вазиятларда ҳам ўз мақсадлари сари дадил интилишлари мени ҳам бешхтиёр улардек бўлишга ундарди. Эътибор берсангиз, эртакларда шу миллатнинг ғурури, шаъни ва маънавияти акс этади. Ушбу фазилатлар инсонни болаликдан юртга садоқат, ота-онага меҳр, атрофдагиларга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш туйғуларини шакллантиради. Ана шу туйғулар қўлимга қалам тутқазди. Илк мақолам ҳам Ватан туйғуси ҳақида эди. Истиқлол арафасида менинг ҳаётимда унутилмас воқеа содир бўлди. Мен Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетининг 1-курсига қабул қилиндим. Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни мустақиллигимизнинг 16 йиллик тўйи билан чин қалбимдан табриклайман.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА.

С ЧУВСТВОМ ГОРДОСТИ

Учащийся академического лицея при Джизакском политехническом институте Джасур Сафаров накануне своего 16-летия. Он является многократным призером соревнований на первенство страны по боксу среди подростков.

– Я не отношусь к боксу, как к занятию для проведения свободного времени или увлечению, – говорит Джасур. – С самого детства занимаюсь этим видом спорта. Спорт является неотъемлемой частью моей жизни. Очень рад, что в нашей стране уделяется особое внимание популяризации спорта и тому, чтобы мы – молодые – росли здоровыми. И в нашей области выполняется весомая работа в этом направлении. В моей махалле действует школа бокса. Каждый год проводится множество соревнований по боксу. Я участвую в каждом из них.

– В 2005 году боксеры нашей области завоевали 42 медали, – говорит Джасур. – А в 2006 году – 66 медалей. Такие боксеры, как Лазиз Закиров, Жахонгир Сувонкулов, Абдугаффар Умаров, упорно осваивают технику ведения боя. Наш тренер – мастер спорта, победитель республиканских соревнований Хусан Жонузаков – не только обучает спортивному мастерству, но и всегда объясняет нам долг и ответственность спортсмена перед Родиной и народом.

Скоро мне исполнится 16 лет, и я получу паспорт. Горжусь тем, что я ровесник независимости. Такая честь возлагает на меня огромную ответственность. В будущем достигну успехов в учебе и в спорте. Приложу все свои усилия, чтобы оправдать надежды моих родителей.

Т.БЕКНАЗАРОВ. (УзА).



Младший сержант Диляра МУХАМЕДРАХИМОВА вот уже семь лет проходит службу по контракту в рядах наших Вооруженных Сил. Она служит в подразделении войск Северо-Западного военного округа, в сложных климатических условиях вдохновляя сослуживцев на успехи в ратном труде. В свободное от служебных обязанностей время Диляра любит читать художественную литературу, с удовольствием готовит различные блюда национальной кухни. Как творческая натура, она и к процессу приготовления пищи подходит с выдумкой, удивляя гостей новыми рецептами.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатида

САМАРАЛИ ВА ФОЙДАЛИ

Барчага маълумки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан 2002 йилдан бери ёз мавсуми давомида пойтахт ёшларининг бўш вақтларини мазмунли, мароқли ва фойдали ўтказиш мақсадида «Ёзни «Камолот» билан!» номли лойиҳа амалга ошириб келинмоқда. Бу йил мазкур лойиҳа 21 та йўналишни қамраб олди.

Лойиҳадан кўзланган мақсадга биноан тадбирларга 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмир-ёшлар жалб этилиб, кам таъминланган оила фарзандларининг Тошкент ҳайвонот боғи, музейлар ва Тошкент Планетарийсига ташрифлари уюштирилди. Бундан ташқари ташкилотнинг олий ўқув юртлари, ўқув марказлари ва туман кенгашлари билан ҳамкорликда пойтахтимиз маҳаллаларида бепул компьютер курслари, диний ва сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик бўйича маърузалар ўтказилиб, чет тиллари ўқув курслари фаолият кўрсатиб келяпти.

Ҳозирги замонда тезкорлик, фавқулодда вазиятлардан чиқиб кетишда биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билиш айниқса, муҳим саналади. Шуни кўзда тутган ҳолда маҳалла ёшлари ўртасида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш дарслари ўтилиб келинмоқда. Шунингдек, ҳар бир туман ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тадбирлар ҳам ўтказяпти. Мисол учун, Тошкент автомобиль йўллари институти бошланғич ташкилоти билан биргаликда Миробод туманида «Йўл қоидаси – умр фойдаси» лойиҳаси орқали кичик ёшдаги болаларга содда ва жўн тилда йўл ҳаракати қоидалари ўргатилмоқда. Чилонзор туманида болаларни миллий ҳунармандчилик сирларини ўргатишга қаратилган махсус ўқув дарслари ташкил этилди.

Албатта, ёз – болажонлар учун дам олиш мавсуми. Шу нуқтаи назардан ҳар бир туманда рақс ва мусиқа гуруҳларининг чиқишлари, ёш санъаткорлар иштирокида «Камалак жилоси» фестивали ўтказилиши ҳам мақсадга мувофиқ тадбирлардандир.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам бериш, уларни маънан қўллаб-қувватлаш ишлари ҳам кўнгилдагидек амалга оширилмоқда. Туманларда ихтиёрий равишда ташкил топган «Кўмак гуруҳи» иштирокида боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз қолган қариялар ҳолидан хабар олиш, уйларига бориб, юмушларида ёрдам бериш каби режаларни бажариш ана шундай эзгу ишлар сирасидан.

Ёшларимизнинг турли оқимлар таъсирига тушиб қолмаслиги ва ёш оилаларда келишмовчиликлар юзага келишининг олдини олиш каби муаммоларни ечишда асосан, уламолар билан суҳбатлар ўтказилмоқда. Тошкент давлат юридик институти талабалари билан эса маҳалла ёшларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин.

2006–2007 ўқув йили меҳнат мавсуми якуни бўйича ишларни сарҳисоб қилиш, мавсум давомида фаоллик кўрсатган ишчи гуруҳлар ва талабаларни рағбатлантириш, улар ўртасида ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйиш мақсадида «Бунёдкор – 2007» талабалар меҳнат отрядлари фестивали ташкил этилди.

Фестиваль даврида тажриба тариқасида 12 та олий таълим муассасаларида 69 та меҳнат отрядлари ташкил этилиб, уларда 2447 нафардан ортиқ талабалар иш берувчи ташкилот, муассаса, хўжаликлар билан шартнома асосида 53 та объектда иш олиб боришди.

Меҳнат отрядларидаги талабалар асосан, қурилиш, ободонлаштириш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилдилар.

Жорий йилнинг 16 июнь куни Тошкент вокзалида Тошкент темир йўллари муҳандислари институти 50 нафар талабаларидан иборат меҳнат отряди Сурхондарё вилоятига мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин кашф этувчи «Тошгузор – Бойсун – Қумқўрғон» темир йўл қурилиш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида жўнаб кетган эдилар. Бу лойиҳа ёшлардаги меҳнатсеварлик жиҳатларини янада ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшади. Зеро, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, келажакда Ўзбекистон нафақат юксак тараққий этган иқтисоди билан, балки билимдон ёшлари билан ҳам дунёни қойил қолдирмоғи лозим.

Мастурахон ТОШПЎЛАТОВА.

ҚИЗИМ, ДИЛБАНДИМ!

Тозалик – сиҳат-саломатликнинг энг бирламчи шарти эканлигини биласиз. Озодалик, орасталик, покизаликни бир умр ўзингизга ҳамроҳ қилсангиз, ишонинг – вақти келиб, «фаришталиккина қиз экан», деганларини эшитасиз. Негаки, ҳеч бир нарса инсонга озодалик, орасталик, покизалик каби ўзига ишонч ва руҳий мувозанат бахш эта олмайди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН

Вероятно заключение контракта, который окажется перспективным во многих сферах. Благоприятное время для завершения ваших дел. Придавайте значение голосу вашей интуиции.

ТЕЛЕЦ

Вам лучше занять выжидательную позицию. События начнут преобразовывать вашу жизнь, даруя шанс реализовать творческий потенциал. Не отказывайтесь от работы.

БЛИЗНЕЦЫ

Неделя полна разнообразными событиями. Не принимайте скоропалительных решений. Важно определиться с деловыми партнерами. Выходные проведите в кругу семьи.

РАК

Желательно остерегаться необдуманных слов и неосторожных поступков. Порадуйтесь успехам близких людей. Им необходимо ваше внимание. Выходные посвятите отдыху.

ЛЕВ

Вы будете гениальным руководителем. Вы сможете грамотно организовать рабочий процесс. Появится необходимость объять необъятное. Вам удастся наладить отношения с близкими людьми.

ДЕВА

На ваше мировоззрение может серьезно повлиять финансовый аспект. Удача улыбнется вам на профессиональном поприще. Любые рискованные мероприятия категорически запрещаются.

ВЕСЫ

Вам будет категорически противопоказан фанатизм в любых жизненных аспектах. Лучше посвятите близких людей и друзей в свои планы. Впереди многообещающие предложения.

СКОРПИОН

Вы сможете похвастаться редкостным спокойствием, выдержкой, душевным равновесием. Хорошее время для решения непростых вопросов. Следите за собственной дисциплиной.

СТРЕЛЕЦ

Фортуна улыбается вам. Постарайтесь улавливать все аспекты происходящего. События будут внезапно меняться, причем в лучшую сторону. Не давайте повода для сплетен.

КОЗЕРОГ

Начальство будет настроено к вам благосклонно. Возможно, вам предложат новую, весьма перспективную работу. Вероятны мелкие командировки. Будьте сдержаннее в выходные.

ВОДОЛЕЙ

Наступило особо удачное время для реализации деловых идей. Ваш престиж и репутация полностью в ваших руках. Сосредоточьтесь на долгосрочных планах.

РЫБЫ

Вероятно удачное разрешение довольно запутанной проблемы. Не стоит планировать новых дел. Благоприятное время для раскрытия своего творческого потенциала.

АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

КЎЗИДА БЕҒУБОРЛИК, СЎЗИДА САМИМИЯТ

ГАЛИНА МЕЛЬНИКОВА



Газетамиз саҳифасининг бугунги меҳмони Ўзбекистон телевидениеси сухандони, «Дўстлик» ордени соҳибаси Галина Мельниковадир.

Йирик мовий кўзларида болаларча беғуборлик, самимият балқиб турувчи бу аёлни танимайдиганлар бўлмаса керак, юртимизда. У ўзининг майин ва сеҳрли овози, чиройли табассуми билан телеэкран орқали ҳар бир хонадоннинг аъзосига айланиб бўлган. Мана ярим асрдан ошдики, Галина Мельникова олиб бораётган кўрсатувлари, «Ахборот» дастури орқали етказаётган янгиликлари билан эл назарига тушиб келяпти.

– Галина Витальевна, сухандонлик касбини ўзингиз танлаганмисиз ёки бирор яқинингиз тавсия этганми?

– Мактабни битирганимда 1955 йилда оилавий анъанани давом эттириш мақсадида (отам шифокор эдилар) Тошкент давлат тиббиёт институтининг болалар касалликлари бўлимига ўқишга кирдим. Иккинчи курсда ўқиётган пайтимда Ўзбекистон телевидениеси очилди ва сухандонлик вазифасига танлов эълон қилинди. Ҳамкурсларим мендаги адабиётга, шеъриятга бўлган қизиқишдан хабардор эдилар. Улар менга: "Галина, монологларни, шеърларни ифодали ўқишни қойиллатасан, овозинг ҳам ёқимли, танловда қатнашиб кўр", дейишди. Танловда иккиланибгина иштирок этган бўлсам-да, юқори ўринни олишга муваффақ бўлдим ва институтдаги машғулотлардан сўнг дикторлик қила бошладим. Кейинчалик бу касб мени ўзига бутунлай ром этди. Энди олдимда икки йўл турарди: биринчиси ота-она истагини бажо этиб, шифокор бўлиш, иккинчиси – сухандонлик, телевидение. Телевидение остонасидан ўтишим билан бошқа оламга келиб қолгандек бўлардим. Минглаб телетомошабинларнинг менга ўзгача қизиқиш ва меҳр билан қараб турганлигини, телевидениега қўнғироқ қилишар, яхши чиққан кўрсатувим учун табриклашарди. Шунинг учун телевидениедан кетишдан, мухлисларни хафа қилиб қўйишдан қўрқардим. Ва ниҳоят, қалбим буюрган ишни қилдим. Кейинчалик Тошкент чет тиллар институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирдим ва ишдан ажралмаган ҳолда ўқиб, битириб ҳам олдим.

– Ўзингиз мустақил равишда тайёрлаган кўрсатувингизни эслай оласизми?

– Албатта. Бу «Музикальний календарь» деб аталувчи мусиқий таълимга оид кўрсатув эди. Кейинчалик мусиқий жамоалар, композитор ва хонандалар ҳақида туркум кўрсатувлар тайёрладим. Д.Шостакович, А.Хачатурян, М.Ашрафий, М.Турғунбоева, Тамарахоним, Г.Вишневская, М.Плисецкая, Э.Пьеха каби таниқли санъаткорлар билан олиб борган суҳбатларим жараёнида илк кўрсатувимдаги ҳаяжонларим ўзўзидан йўқолди. Адабий кўрсатувларим давомида машҳур ёзувчилар Зулфия, Туроб Тўла, Раим Фарҳодий, А.Файнберглар билан мулоқотда бўлиш шарафига муяссар бўлдим.

– Иш давомида республикамизнинг чекка вилоятларига ҳам хизмат сафарларига борганингизни биламиз. Ўша таассуротлар борасида ҳам бироз тўхталсангиз.

– Мен нафақат сухандон, балки телевидениенинг мухбири ҳам эдим. Оддий меҳнат кишиларидаги соддалик, ишбилармонлик мени доимо ўзига ром этиб келган. «Меҳнат шуҳрати» кўрсатувларини тайёрлаш давомида юртимизнинг кўплаб вилоятларида бўлиб, ишлаб чиқариш илғорлари, саноат корхоналарида меҳнат қилаётган ажойиб инсонлар қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилганман. Ана шу ҳаракатларим эвазига 1975 йилда менга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди.

– Жамоат ишлари билан ҳам шуғулланар экансиз?

– Одамларга озгина бўлса-да ёрдамим тегса, бошим кўкка етади. 1969 йилдан 1982 йилгача Ҳамза туман кенгашига депутат этиб сайландим. Икки марта рус маданият маркази бошқаруви ҳайъати аъзоси бўлдим. 1990 йилдан бери «Олижанобликни касб қил» шиори остида фаолият юритувчи «Меҳржон» ҳомийлик кенгаши аъзосиман. Болалар «Саховат» ва «Мурувват» уйларида, мактаб-интернатларда тарбияланаётган болаларнинг ижодий фестиваль ва марафонларини ўтказиш, уларга ҳаёт кўникмаларини сингдиришдек олижаноб ишга ҳисса қўшиш мен учун ғоят мароқли. Уч йил давомида етим болаларни Анапега, ижарадаги «Металлург» пансионатига дам олиш учун олиб бордим. Жамоат ишларидаги фаолиятим туфайли 1998 йилда ҳукуматимизнинг олий нишони – «Дўстлик» орденини олишга мушарраф бўлдим. Инсон меҳнати бу қадар қадр топадиган юрт яна қаерда бор?

– Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

– Турмуш ўртоғим Саркис Калустьян истеъфодаги полковник, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист». Айни пайтда «Совпласттитал» қўшма корхонасида ишлайди. Фарзандларимиз Герман, Рубен ва Сатеник ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида хизмат қилишади. 4 нафар неварамиз бор.

– Энг улуғ ва энг азиз байрам бўлган мустақиллигимизнинг 16 йиллигини нишонлашимизга ҳам озгина фурсат қолди. Бевосита иш фаолиятингизда мустақиллик билан боғлиқ бирор бир воқеани гапириб берсангиз.

– Республикамиз мустақилликка эришгани тўғрисидаги илк ахборотни ўқиш, не бахтки менга насиб этган. Хабарни ўқияпман-у кўзларимдан тинимсиз ёш оқа бошлади. Ишқилиб экранда сезилиб қолмасин-да, деб зўрға ўқиб тугатганман. Мана шу воқеани эсласам, ҳали ҳам ҳаяжонланиб кетаман. Чунки мустақиллик бизга берилган энг олий неъматдир. Уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

– Ватанимиз посбонлари бўлган ҳарбийларга тилакларингиз.

– Тўғрисини айтсам, ҳарбийларни жуда ҳурмат қиламан. Турмуш ўртоғим ҳарбий бўлгани учунми, уларнинг хизмат машаққатларини яхши ҳис қиламан. Ишқилиб бахтимизга ҳарбийларимиз омон бўлишсин. Чунки юртимиз осмонининг мусаффолиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги уларга боғлиқ. Зеро, ҳарбийларимиз бор экан, инсонлар хотиржам ҳаёт кечириб, юрт ривожи йўлида меҳнат қилишади. Шундай экан, уларга оилавий бахт ва омад тилаб қоламан.

Муборак МИРКАМОЛОВА суҳбатлашди.

16 **Қўшиқларда Ватан мадҳи**

Шоир қалби Ватанга бўлган муҳаббат тафтидан илҳом олади ва мана шу туйғуларни гўзал сатрларга тизади. Шоир Баҳриддин Садриддинов ҳам юрагидаги юртга бўлган чексиз муҳаббатни «Ватан» деб номланган мазкур шеъри орқали тараннум этган.


ВАТАН

Улғайдимки мен бағрингда,
Ота-онам бўлдинг, Ватан.
Гар сиғинсам саҳарингдан,
Менинг Каъбам бўлдинг, Ватан.


Кўҳна тарих билгунича,
Минг йил шонинг тўлгунича,
Истиқлолим келгунича,
Дилда нолам бўлдинг, Ватан.

Ойдин йўлга солғувчим – Сен,
Мен – создирман, чолғувчим – Сен.
Кетсам, ортда қолғувчим – Сен,
Гулдек болам бўлдинг, Ватан.

Омон бўлгин озод ўлкам,
Армоним йўқ – кўрдим ўктам.
Кўз тегмасин, бирам кўркам,
Бирам кўркам бўлдинг, Ватан!



МУСИҚИЙ ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари доирасида ўтказиладиган «Чегарачилар ҳақида қўшиқ» мусиқий танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда МХХ Чегара қўшинлари офицерлари, Ўзбекистон халқ артисти К.Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Азимов, Касаба уюшмалари Федерацияси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши вакиллари ва бошқа меҳмонлар иштирок этдилар.

МХХ Чегара қўшинларида ушбу мусиқий танловнинг ҳар йили ўтказилиши анъанага айланиб боряпти. Бу эса ўз хизмат бурчларини аъло даражада ўтаётган чегарачилар орасида ҳам санъатсевар ёшлар кўп эканлигини намойиш этмоқда.

Мусиқий танлов қатнашчилари ўз қўшиқларида бурч ва садоқат, қаҳрамонлик, мардлик ва фидойиликни мадҳ қилдилар. Куй ва қўшиқлар ҳарбий хизматчиларга кўтаринки кайфият бағишлади. Истеъдодларнинг қизғин беллашувлари остида ўтган якунловчи босқичда «Унутилмас хотира» қўшиғи (Бобур Бобомурод сўзи, Ботир Отамуродов мусиқаси) билан кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлган кичик сержант Отабек Эргашев фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин сержант Алишер Сувановга, учинчи ўрин эса хизматчи Абдулло Ғофуровга насиб этди.

Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан ўтказилаётган тадбирда фаол иштирок этган санъатсевар чегарачилар МХХ Чегара қўшинлари қўмондонлигининг дипломлари, пул мукофотлари, ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Капитан Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ.
Кичик сержант Шароф Мавлонов суратга олган.



ТУРОН МАЛИКАЛАРИ

(Тарихий ҳикоя)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

– Раҳмат биродарларим, – деди Тўмарис уларга таъзим айлаб. – Дўст бошига уқубат тушганда, мусибат ва ёлғизликда билинади. Ҳаммамиз бир бўлсак, ҳар қандай душманни даф қилурмиз. Биламан, сизлар душман билан жанг қилиш режасини тузгансиз. Аммо мен дастлаб ишни музокарамуроса йўли билан ҳал этишни таклиф қиламан. Кирёвушга бир нома юборайлик. Агар у шартимга кўнса, ортиқча қон тўкилмас.

– Йўқ, муроса эмас, жанг–жанг–қасос!

Тўмарис оқсоқоллар, саркардалар хитобини тинглагач, яна гапини давом эттирди:

– Мен юртбошиман, азизларим! Бошқа оналар мен каби фарзанд доғини кўришларини истамайман. Ўғлим билан бирга ҳалок бўлган минглаб массагетлар оналарининг онасиман.

Массагетлар оқсоқоллари бошларини қуйи солишди. Уларнинг фарзандлари, ука-ю жиянлари Спарганизнинг илғор қўшинида ҳалок бўлишган эди. Шунинг учун улар фарзанд доғида юрак-бағри хун оналарни, сингилларни, қизларни кўз олдиларига келтиришди. Чиндан ҳам малика ҳақ. У она сифатида ҳам ўз улуғлигини кўрсатди. Машварат қатнашчилари чодирни тарк этишгач, Тўмарис ёнида фақат саклар маликаси Спаретра қолди. У ўзини Тўмариснинг бағрига отди. Кўксига бошини қўйиб, ўксиб-ўксиб йиғлади.

– Паҳлавонимиздан ажралдик, дугонам. Нима деб сенга тасалли берсам...

– Қанча оғир менга, билсанг. Ахир мен аёлман. Бечора бир онаман. Аммо қандоқ қилай? Юртбоши юки қанчалик оғир эканини билсанг эди...

Спаретра уни маҳкам бағрига босди.

– Кел, тўйиб йиғлаб олайлик, фурсат ғанимат.

●

Эрон шоҳи массагетлар юборган номани ўқишни буюрди.

– Эй, Кирёвуш, – баланд овоз билан ўқий бошлади тилмоч. – Сен менинг ягона фарзандимни макр ила нобуд қилдинг. Менинг қуёшимни сўндирдинг. Майли, шунда ҳам сени кечираман. Бизни мағлуб қилган бўлиб, ғурурланиб юртингга кетишинг керак. Ортиқча қон тўкилмасин. Билки, агар мабодо урушни давом эттирсанг, Тангрим номи билан қасамёд қиламанки, сени одам қонига тўйдираман.

Даврага сукут чўкди. Саркардалар Кирёвушга қараб қолишди.

– Бир ёвойи заифа менга дўқ қилаяптими? – Кирёвуш тахтидан туриб қўлини мушт қилиб хитоб этди. – Мен эса Ахурамазда номи билан қасам ичаман. Менга пўписа қилишга журъат этган Тўмарисни чўри сифатида хор қиламан. Бу менинг, Гистасп ўғли Курушнинг, Эрон шаҳаншоҳининг қасами.

Гобрия ҳам қўлини кўтариб, қасамини такрорлагач, барча мулозиму саркардалар унга жўр бўлишди.

Ҳарбий кенгаш-машварат бошланди. Ҳар бир қўшин қўмондони аскарлар яроғи, таъминоти ва ҳолати ҳақида ахборот берди. Ҳаммаси жойида, Қурол-яроғлар ҳам, озиқ-овқатлар ҳам. Лашкар дастлабки ғалабадан маст. Ҳамма бой ўлжа илинжида. Олтин ўлкасини ғорат қилиш истаги билан ёнмоқда.

Гобрия ҳам, Мардоний, Теодаракис ва бошқа қўмондонларда ғолиблик сурури баланд. Барча ғалабага комил ишонч билан қарашмоқда. Биргина Крез бошқача фикрда. У муқаддас интиқом ўтида ёнаётган, она юрт учун курашдек бир мақсад, бир ғоя ва бир саркарда байроғи остида тўпланган массагетлар, дербик, дах, чоч, сакларнинг иттифоқ лашкарларини ҳеч қандай куч енга олмаслигини тушунар, қалбан ҳис қиларди. Худди унинг фикрини тасдиқлагандек, Тўмариздан нома келди. У жанг қилишни хоҳлаган Кирёвушга Оксдан кечиб ўтавериши ва ҳеч ким унга халал бермаслигини ёзибди. Эрон шоҳи кечувни бошлашга амр қилди. Дарёни аскарлар соллари, қайиқлари босиб кетди. Оксўз тарихида бундай улкан лашкарни кўрмаган. Икки юз минг отлиқ, пиёда аскардан иборат Кирёвуш қўшини илғорида камончилар бо-

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

«ЭНГ УЛУҒ ВА ЭНГ АЗИЗ»

Министерство обороны Республики Узбекистан проводит I Всеармейский фотоконкурс «Энг улуғ ва энг азиз», посвященный 16-летию независимости Республики Узбекистан.

Для участия в конкурсе приглашаются военнослужащие, члены их семей, рабочие, служащие и ветераны Вооруженных Сил. В фоторабoтах должны быть ярко отражены героический воинский труд и повседневные ратные будни защитников Родины, реформы Вооруженных Сил, образы, воспитывающие у зрителей любовь к родному краю, высокие моральные и духовно-нравственные качества.

Конкурс проводится по следующим номинациям:

1.«Ўзбекистон – жонажон Ватаним».

К конкурсу допускаются фотографии, широко показывающие богатства любимой Родины, душевную щедрость узбекского народа, красоту наших женщин и прелесть детей, успехи военнослужащих в ратном деле, радость и гордость членов их семей за своих родных и близких, проходящих почетную воинскую службу.

2.«Менинг армиям – менинг фахрим».

К конкурсу допускаются фотографии, раскрывающие героизм и романтику повседневной боевой учебы и службы, достижения военнослужащих в спорте, показывающие насыщенную культурную жизнь воинских частей, содержательный досуг и полноценный отдых военнослужащих и членов их семей.

3.«Профессионал армия сари».

К конкурсу допускаются фотографии, раскрывающие ход проходящих в Вооруженных Силах Республики Узбекистан реформ, становление профессиональной национальной армии, показывающие коренные изменения в оснащении и обеспечении войск самым современным вооружением и боевой техникой, электронными компьютерными системами управления и связи, надежной экипировкой, качественное улучшение бытовых условий и медицинского обслуживания военнослужащих.

Количество представляемых на конкурс фотографий не ограничено.

Выставка работ, победивших на I Всеармейском фотоконкурсе «Энг улуғ ва энг азиз», начнет свою работу 26 августа 2007 года в Центральном Доме офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Победители конкурса, занявшие призовые места, будут награждены денежными премиями:

за первое место – 50000 сумов;
за второе место (два) – по 30000 сумов;
за третье место (два) – по 20000 сумов.

Победители и призеры по номинациям будут поощрены дипломами, ценными призами и подарками.

Желающим принять участие в конкурсе необходимо до 20 августа 2007 года представить свои фоторабoты в электронном виде в форматах JPEG или TIFF с разрешением для печати размером 20x30, 30x40 см в Центральный Дом офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

Телефон для справок: 133 69 80.

Оргкомитет конкурса.

Бош муҳаррир подполковник Камиль Наильевич МИРГАЛАУТДИНОВ.

Шу сонга масъуллар: майор Шуҳратбек Маҳаматович ҲОШИМОВ, майор Аблай Айнатдинович КАМАЛОВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98 (факс); масъул котиб – 153 04 60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида **Александр Смотриков** ва **Содиржон Масимов** томонидан саҳифаланди.
Дизайн ва рассом – **Наталья Лаптева.**
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114. **Буюртма** № G-3962. **Адади** 25760.